

ТАФАККУР

ТАФАККУР 4/2023

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда


ТАФАККУР 2023

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4/2023





O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI

FANLAR
AKADEMIYASI



80



Баҳодир ЖАЛОЛ. "Машаққатлар оша юлдузлар сари"

HAQIQAT XIZMATIDA

🌻 Фақат санъат ва илму фангина инсонни илоҳий ҳақиқатга қадар юксалтиради.

Людвиг ван Бетховен

🌻 Олимлик – аччиқ илдизнинг ширин меваларидир.

Сукрот

🌻 Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Алишер Навоий

🌻 Дин, санъат ва фан – бир дарахтнинг шохаларидир.

Альберт Эйнштейн

🌻 Билимни буюк бил, ўқувни улуг.

Юсуф Хос Ҳожиб

🌻 Илм-фанни тараққий эттирмаган мамлакат
мустамлакага айланади.

Жюль Верн

🌻 Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго.

Муҳаммадризо Огаҳий

🌻 Илму фаннинг вазифаси, аввало, одамларга хизмат
қилмоқдир.

Лев Толстой

🌻 Чинакам илму фан хайрихоҳлигу бадхоҳликдан устун
туради, унинг ягона мақсади – ҳақиқат.

Уильям Грове



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят

Бош муҳаррир ўринбосари

Собиржон ЁКУБОВ

Бўлим муҳаррирлари

Султонмурод ОЛИМ

Нодира ОҒОҚ

Шоҳсанам РЎЗИМАТ қизи

Бадий муҳаррир

Ольга ЖОЛДАСОВА

Мухбир-муҳаррир

Насрулло ЭРГАШ

Техник муҳаррир

Наргиза УСМОНОВА

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Олимжон ДАВЛАТОВ

Хушид ДАВРОН

Минхожиддин МИРЗО

Шухрат РИЗО

Сирожиддин САЙИД

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБЎЙ

Дилмурод КУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

☎ (55) 508-11-45
(55) 508-11-46

✉ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“SmartPack Print” босмаҳонаси. Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2-бино.

2023 йил 11 декабрь куни босмаҳонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма табак. 4/131-буюртма. Нашр 4490 адади нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Зоҳиран тараққиёт, ботинан... *Тилшунос олим Бахтиёр МЕНГЛИЕВ билан суҳбат*.....14



МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Раҳмон ҚЎЧҚОР. Олтиндан тарози, олмосдан тош...16

МИЛЛАТ ТИМСОЛЛАРИ

Абдулла АЪЗАМ. Дониш уйи.....24



Рафазъл Санги. “Афина мактаби”

SAHIFAALARIDA

саҳифаларида

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

- Наргиза ОДИНАЕВА. Дард тотини айтиб беринг, шоир-эй.....34
- Хуршид АБДУРАШИД. Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.....37

ҚОР ҚЎЙНИДА ЛОЛА

- МОҲИРА. Катэна. Ҳикоя.....40

КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН

- Мирзоҳид МУЗАФФАР. Изҳорлар ва иқрорлар.....48




Шаҳноза НАЗАРОВА

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

- Шаҳноза НАЗАРОВА. Ростин айтаман сизга.....74

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Алишер ШОИМОВ. Сиёсий маданият қандай шаклланади?.....82
- Озодбек РАЖАБОВ. Темир издан чопар пўлат тулпорлар.....83
- Латифа ХУДОЙҚУЛОВА. Асрларга бўйдош кўшиғим.....85
- Машрабжон ЭРМАТОВ. Садоларга сингган ҳикматлар.....86
- Холмамат РАУПОВ. Тупроғида олтин гуллаган замин.....88
- Меҳринисо РАҲМОНОВА. Аҳмад Дониш дейдики.....89
- Шавкат БОБОЖОНОВ. Силсилаи шарифнинг етти ҳалқаси.....90
- Комилжон СУЛТОНОВ. Соҳибқирон сабоғи...91
- Гулдона ТАНИЕВА. Муқаддас заминга отланган карвон.....92
- Аҳрор АБДУҒАНИЕВ. Қайта туғилиш рамзлари.....93
- Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95



ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

- Зигмунд ФРЕЙД. Санъаткор ва тахайюл. Фонийлик.....56

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

- Виктор АЛИМАСОВ. Яшамоқ – яратмоқ.....66

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



ZOHIRAN TARAQQIYOT, BOTINAN...

Тилишунос олим

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ билан суҳбат

– Неча ўн йилдирки, тил, имло, тил таълимига оид баҳс-мунозаралар тинмайди. Давлат қарору фармонлар чиқариб, маблағ ажратяпти, олим у тадқиқотчилар илмий иш ёзаётир, катта-кичик анжуманлар ўтказиляпти, соҳага доир ҳар турли китоблар керагидан ортиқдек, жўяли таклифлар ҳам истаганча топилади. Лекин натижа... Бизда масала ҳозир ўзбек тилини сақлаб қолиш эмас – мамлакат ичидаги мавқеини кўтариш, ташқарида эса дунё эътиборидаги тиллардан бирига айлантириш билан боғлиқ деб ўйлайман. Шу манзарада тилишунос олим, миллат ойдини сифатида Сизга ўнлаб саволлар бергиси келади кишининг. Тил муаммолари XXI аср одамининг ҳаётида нечоғли аҳамиятга эга? Тараққиёт замо-

нида аксар халқларнинг кун тартибидан аллақачон тушиб кетган муаммоларга банди бўлиб қолмаяпмизми? Тил масалалари ечимини кенгроқ қўламда излаш – қудратли иқтисодиёт ва ҳарбиёт, муҳим илмий кашфиётлар, халқаро даражадаги ишбилармонлик орқали унинг нуфузини оширишга куч бериш, ўзгалар тилимизни зарурий эҳтиёж туфайли ўрганиши, хурматлашига эришиш керакмикан?..

– Тил, унга дохил алифбо-имло ва таълим масаласи биз учун оғриқли экани ҳақ-рост. Аслида тил муаммолари бизнинг асримизда ҳар бир инсон учун ҳаёт-мамот аҳамиятига эга. Бугунги глобал дунёда бир неча тилда самарали мулоқот қила олиш фазилатга айланди, тил билган киши бизнес, касбу кор ва ижтимоий муносабатларда талай устунликларга эга. У турли мамлакат ва маданият вакиллари билан эркин мулоқот қила олади, дунёқарашини кенгайтиради ва янги имконият эшикларини очади.

Тўғри, айрим ривожланган мамлакатларда тил муаммолари аллақачон ҳал этилган, бироқ ривожланаётган мамлакатларда у ҳануз долзарблигича қолмоқда. Умуман олганда, тил муаммоси – тараққиёт даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихимизга назар солсак, тил масаласи қорахонийлар, темурийлар, шунингдек, жадидлар даврида алоҳида аҳамият касб этганига амин бўламиз. Бу – замон бурилишлари, кўтарилишлар, маънавий эврилишлар билан ҳамоҳанг кечган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ушбу масала яна кун тартибига чиқди.

Давлат тили муаммоси сиёсий, ижтимоий, илмий, ҳуқуқий, фалсафий, тарихий, маданий, маънавий, ташвиқий ҳодисаки, унга бирёқлама ёки тор фокусдан қараш мақсад йўлида тўсиқ бўлади. Дейлик, унинг мамлакат миқёсида ижтимоийлашуви муаммосини олайлик. Албатта, бошқаларни давлат тилини ўрганиш ва ҳурмат қилишга мажбурлаб бўлмайди. Тил одамлар учун, аввало, жозибали ва манфаатли бўлиши керак, шунда уни ихтиёрий ўрганадилар. Жозибадор тил муҳитини яратмоқ йўлида, Сиз қайд этганингиздек, иқтисодиёт, илмий кашфиётлар, таълим самарадорлигини ошириш ва халқаро бизнес кучидан фойдаланиш керак.

Давлат тилининг ижтимоийлашуви учун: 1) маданият, санъат ва адабиётни тарғиб қилиш, фестиваллар ва кўرғазмалар ўтказиш, халқаро аудиторияни жалб этадиган анжуманлар ташкил этиш; 2) тил таълимининг замонавий талабларга жавоб берадиган ва сўзлашувчиларга қулай дастурларини яратиш; 3) тилни кундалик ҳаётда ўрганиш ва ундан фойдаланишга ёрдам берадиган кўп тил-

ли платформа ва иловаларни ишлаб чиқиш; 4) таржима ва лингвистик хизматларни ривожлантириш, расмий ва илмий материалларнинг юқори сифатли таржимасига эришиш; 5) тилни муҳим мулоқот манбаи сифатида тарғиб қилиш мақсадида халқаро анжуманларда фаол қатнашиш; 6) қонуний асосларни кучайтириш ҳамда уларнинг тизимли ижросини кафолатлаш лозим.

Биз ҳозир фақат қонуний асосларга урғу бериш, уни талаб қилишга одатланиб қолдик. Илмий, таълимий масалаларга эътибор эса кўнгилдагидек эмас: имло ва талаффуз меъёрлари бўйича тадқиқотлар деярли йўқ. Тилимизнинг фақат ёзма меъёрлари ўрганилган, жонли оғзаки нутқ эса тузук-қуруқ тадқиқ этилмаган. Бу, айниқса, ўзбек тилини хорижликларга, адабий тилдан йироқроқ шева вакилларига ўргатишда муаммо туғдирмоқда. Тилшуносликда космополитизмдан воз кечиб, фанни ҳаётга, жамият эҳтиёжларига яқинлаштириш керак. Масалан, компьютерда ўзбек тилида ҳарф тераётган киши хатоларини “Тўғри ёзиш” функцияси асосида тузата олса, кўрқмасдан ёзади. Шунинг ўзи ўзбек тили жозибадорлигининг бир намунаси эмасми? Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аслида, тил меъёрларини хорижий тил сифатида ўрганганлар кўпроқ сақлаб қолади. Бугун кенг оммалашган инглиз тилининг илмий меъёрларига, асосан, уни хорижий тил сифатида ўрганувчилар риоя этади. Чунки улар тилни дарслик ва қўлланмалар асосида ўрганган. Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганувчи ва сўзлашувчилар унинг асл соҳибларидан кўп. Кўпчилик эса озчиликка, одатда, кучлироқ таъсир кўрсатади. Шу маънода тилимизни хорижий тил сифатида ўрганадиганлар учун қулай ўқув-методик воситалар тайёрлашга эътиборни кучайтириш керак.

– Шогирдларингиз билан бирга ўзбек тилининг корпус лингвистикасини шакллантириш, уни интернет тилига айлантириш борасида илмий изланишлар олиб боряпсиз. Тилшуносликка оид замонавий илмий концепциялар ҳамда тадқиқотларингиз моҳияти, уларнинг нафақат маънавий, балки иқтисодий манфаатлари хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

– Тил корпуслари – бугунги тилшуносликнинг катта ютуғи. Тилга эътибор унинг корпусига эътибор, тил нуфузи унинг корпуси нуфузи билан белгиланадиган замон бўлиб қолди. Жаҳонда бу борада шундай катта ҳажмдаги ишлар қилиняптики, ақлингиз шошади. Миллиард-миллиард сўзларни қамраган бир тилли, кўп тилли, ҳатто глобал корпуслар яратилляпти.

Замонавий ахборот технологиялари тилнинг функционал имкониятларидан фойдаланишга кучли дастак берди. Компьютер таржимаси, автоматик таҳрир ва таҳлил, ёзма матнни овозлаштирувчи нутқ синтезаторлари, оғзаки нутқни ёзма матнга айлантирувчи дастурлар, электрон луғатлар, лингвистик мобиль иловалар, тезауруслар (тил хазинаси), тил онтологияси... Айниқса, замонавий электрон луғатлар тузиш ва ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш тил имкониятини эгаллашда самарадордир. Бу борада дунё миқёсида тез суръатларда яратилаётган тил корпусларининг ҳам роли беқиёс.

Тил корпуслари – тил бўйича тадқиқот ва амалий топшириқлар ечими учун зарур иш қуроли. У оддий электрон кутубхонадан фарқланади. Электрон кутубхонада халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи бадиий ва публицистик асарлар жамланади. Электрон кутубхона матнлари тил нуқтаи назаридан ишлов берилмагани сабабли тадқиқотлар учун ноқулайлик туғдиради. Чунки электрон кутубхона илмий тадқиқот материали базасини тайёрлаш эмас, балки миллий-маънавий меросни тўплаш мақсадида тузилади. Тил корпуси эса электрон кутубхонадан фарқли ўлароқ, тилни ўрганиш ва тадқиқ этиш учун зарур, фойдали ва қизиқарли матнларни йиғишни назарда туттади.

Ўзбек тили корпусларини яратиш борасида давлатимизнинг методологик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қабул қилинган. Биз ўшаларга таяниб иш олиб боряпмиз.

Миллий тил корпуси – электрон қидирув имкониятига эга тизим, табиий тилнинг рақамлашган ёзма ва оғзаки матнлари жамланмаси. Тилни тадқиқ этиш (тил бирлигининг ўзгариши, эскириши, янгиларининг пайдо бўлиши, маъносининг кенгайиши ва торайишини кузатиш), анъанавий ва замонавий луғатлар тузишда унинг имконияти ниҳоятда катта. Миллий корпусни миллий тил хазинаси десак ҳам бўлади. Бунда миллий сўзи нафақат тилнинг, балки корпус тузилиши ва таркибининг ҳам ўзига хослигини англатади. Унинг бошқа тил корпусларидан фарқи таълимий корпус, муаллифлик, поэтик матнлар, илмий ва расмий матнлар, оғзаки матнлар, бадиий матнлар ва газеталар ҳамда диалектлар корпуси каби ички корпусларни ўз таркибига қамраб олганида. Шу боис уни яратишда жамоавий фаолият муҳим.

Ўзбек тили миллий корпуси ҳозирда корпус интерфейси, қидирув тизими, 75 миллионга яқин сўзшакл, 1 миллиондан ортиқ матнлар базаси ва 15 электрон луғат манбасидан иборат.

2020 йилда “�збек тилининг феъл шакллари луғати” яратилгани катта ютуқ бўлди. Мазкур луғат таржима, имловий текширув, морфологик автоматик анализатор ва бошқа компьютер дастурлари яратишдаги қийинчиликларни бартараф этади. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўта мураккаблиги ва морфологик шакллар миқдори жуда кўплиги сабаб грамматик луғатлар тузилмаган эди. Анъанавий карточка усулида бундай далилларни тўплаш ва тартиблашга бир одамнинг умри етмайди.

Дарҳақиқат, ўзбек тилида сўзларнинг морфологик шакллари тизими мураккаб. Айниқса, феъл сўз туркуми шакллари алоҳида аҳамиятга эга. Олим Абдумажид Пўлатов “Дунёвий ўзбек тили” китобида бундай ёзади: “Ўзбек тили грамматикаси тўлиқ ўрганилмаган, илмий истилоҳда айтсак, системлаштирилмаган. Масалан, ўзбек тилида биргина *ишламоқ* феълнинг шакллари тахминан 100 мингдан ошади, инглиз тилида эса тахминан 150 тагина шакли мавжуд, холос”. Бизнинг мутахассисларимиз тузган луғатда эса бир феъл 1 миллиондан ортиқ шаклга эгалиги таъкидланган. Кўринадики, ўзбек тилидаги морфологик шакллар бошқа тиллардан бой имконияти, комбинацияларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

– Сингармонизм масаласи ҳам баҳсли. Ўқигандирсиз, “Тафаккур”нинг ўтган сониди шу ҳақда мақола эълон қилинди. Билишимча, сингармонизм – талаффуз билан боғлиқ ҳодиса ва у талаффузимизда ҳозир ҳам бор. Демак, ўзбек тили сингармонизмдан маҳрум этилди дейишга асос йўқдек, баҳсларимиз эса уни ёзувда акс эттиришга қаратилган бўлиб чиқади...

– Ўқидим, ўқиганда ҳам жуда синчиклаб ўқидим. Ҳақиқатан ҳам долзарб масала бу. Худойберди Дониёров халқ шевалари, фонетика, сингармонизм бўйича йирик мутахассис бўлганлар. У кишидан қолган ноёб меросдан унумли фойдаланишимиз керак. Муаллиф Муртазо Қаршибой устознинг қарашларини дақиқлик билан шарҳлабди. Илмий меросга ана шундай муносабатда бўлишни ўрганмоғимиз лозим.

Тиллар товушлар тизими ва грамматикасининг бойлиги/камбағаллиги, сўзлари, айниқса, синонимларининг миқдори билан баҳоланади. Чунки товушларнинг кўплиги нутқни оҳангдор, грамматик қўшимчалар ва синонимларнинг кўплиги эса тилни мазмундор ва нозиктабиатли қилади. Айниқса, унли товушлар қанча кўп бўлса, тил шунчалик тароватли бўлади. Туркий тилларнинг барчасида (ўзбек тилидан ташқари) унли товушлар сони 8 тадан

14-15 тагача экани эътироф этилади. Турк ва қирғиз тилида 8, озар тилида 9, туркман тилида 10, қозоқ тилида 12 та унли товуш ва алифбода шунча унли ҳарф бор. Ўзбек адабий тили, улардан фарқли ўлароқ, 6 унлидан иборат тил саналади. Бу борада у бошқа туркий тиллардан бир қарашда камбағалроқдек. Аслида ҳам шундайми? Нега тилимизнинг унли товушлари ва шунга мувофиқ ҳарфлар сони бошқаларникидан кам?

Адабий ёдномалар, илмий асарлар, луғатлар орқали унлилар бўйича аниқ хулоса қилиб бўлмайди, чунки бадиий, илмий асарлар тили умумхалқ тили эмас. Маълум бир даврдаги унлиларни ўрганиш учун халқ жонли тили билан танишиш керак. Афсуски, тарихий фонетикада бунинг иложи йўқ. Шунинг учун қилинаётган хулосалар тахминга, ҳозирги шева материалларини ўрганиш ҳамда қардош туркий тиллар фонетикаси билан қиёслашга асосланган.

Тилимизга яқин бўлмаган араб тилига хос аруз вазнидаги асарлар туркий тилларнинг туб хусусиятини акс эттира олмайди. Бунда Абдурауф Фитратнинг қарашлари эътиборли. Ўзбек тилининг фонетик қурилиши араб тилиникидан тубдан фарқ қилади. Арузда ижод этган туркийгўй шоирлар, Фитрат таъбирича, “икки турли ишга мажбур”: вазни тугал қилиш учун шоир арабий ва форсий сўзларни меъёрдан ортиқ қўллайди. Бу эса охир-оқибат ўзбек тилини ўзга тиллар асоратига солиб қўяди. Иккинчиси шуки, вазн талаби билан “туркча сўзларнинг гавдасини бузиш”га мажбур бўлганлар ва бу, Фитрат айтганидек, кулгили ҳолатни юзага келтирган: “Арузнинг энг оҳангли, энг ўйноқи бир вазнида ёзилган туркча бир шеърни қишлоқда яшаган, ўз тилининг оҳангини бузмаган бир туркка ўқутсангизу тинглагани шеърда туркча сўзларнинг чўзулуб, тузатиб бемаза этилиб айтилганини эшитгач, албатта, куладир-да, тинглагани шеърнинг бир турк оғзидан чиқмаганига ҳукм қиладир”.

Қадимги туркий, эски туркий ва эски ўзбек тилларида унлилар уйғунлашуви (сингармонизм) қонуниятига тўлиқ амалда бўлган. Яқин тарихда ҳам унлилар миқдори бошқа туркий тиллардаги каби 8-9 та бўлган. Сингармонизм ҳатто маъно фарқлаш вазифасини бажарган.

Фонетика – тилнинг энг кам ўзгарадиган соҳаси. Жузъий ўзгаришлар ҳам минг йилларни талаб қилади. Бу эса тилимизнинг ҳозирги ҳолати ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади. Яъни яқин 100 йил олдин тилимизда мавжуд бўлган сингармонизм қисқа вақт ичида архаиклашиши мумкин эмас. Техника ривожланган бугун-

ги шароитда экспериментал фонетика бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳеч ҳам муаммо эмас. Х. Дониёров каби олимларимизнинг хулосаларини компьютер технологиялари воситасида аниқ далиллаш имкониятига эгамиз. Тадқиқотлар асосида ўзбек тилининг тўлиқ фонетика атласини яратиш лозим. Бунга фақат озгина рағбат ва молиявий кўмак керак, холос. Алифбо бўйича бугунги мунозараларнинг ҳам, келишмовчиликларнинг ҳам бош сабаби – илмий асоснинг етишмаслиги.

Шу ўринда алифбо ҳақида ҳам фикримни айтиб ўтсам. Алифбо тилнинг фонетик моҳиятини тўлиқ қамраб олиши керак. Зотан, у талаффузнинг ҳам миллийлигини таъминлайди. Кеча *Facebook*да доғистонлик хонанданинг ўзбекча қўшиғини тингладим. Айрича муҳаббат, маҳорат билан куйлабди. Аммо *сочларимни ўраман* деган бирикмадаги ўрмоқ сўзини қалин “ў” билан айтибди. Натижада бу сўз *беда ўрмоқ* бирикмасидаги ўрмоқдек талаффуз қилинган. Ҳолбуки, “*соч ўрмоқ*”да “ў” ингичка (турк тилидаги *ö* каби) ва “*беда ўрмоқ*”да қалин (турк тилидаги *o* каби). Бундай нотўғри талаффуз алифбо билан боғлиқ. Агар алифбомизда ингичка “ў” учун махсус ҳарф бўлганда эди, доғистонлик қиз ҳам сўзни тўғри талаффуз қилган бўлур эди.

Кўряписизми, алифбода миллийлик тўлиқ акс этмаса, талаффуз миллийликдан ва пировардида тил миллий колоритдан бегоналашиб боради. Сираси, алифбо, имло, талаффуз, алифбо ва имло таълими бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотлар олиб борилиши зарур ва бу иш давлатнинг жиддий таъминоти ва назоратида бўлмоғи лозим.

– Абдулла Қаҳҳор “Бўрининг тишига сера кислотасининг таъсири” қабилдаги илмий ишларнинг кераги йўқ деб ҳисоблайди. “Илмий асарнинг илмий асар бўлиши учун олимнинг меҳнати, китобхоннинг мароқ билан ўқишигина кифоя қилмайди. Маълумки, илм қайси йўл билан бўлмасин бирон ҳақиқатни тасдиқлар экан, бундан кишиларнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган бир хулоса чиқаришни кўзда тутуди... Зотан, илм эҳтиёждан туғилади эмасми?” дейди у. Сиз ҳам бир мақолангизда “Нажот – амалий аҳамиятли, мақсадли илмда. Бошқа йўл йўқ. Акс ҳолда, қуруқ, баландпарвоз ва самарасиз минбар гаплари билан умримиз ўтаверади” деб ёзгансиз. Аччиқ ҳақиқат шуки, илму фанимизда пойга, сон кетидан қувиш, плагиатдан халос бўла олмайтимиз, диплом олиш учунгина ёзилган самарасиз тадқиқотлар кўп. Турмушимиз ҳам саноғи осмон қадар диссертацияларимиздаги “илмий янгиликлар” туйфайли жаннатга

*айланиб кетгани йўқ... Илм-фан соҳасига жавобгар бўлсангиз,
қандай ишларни амалга оширган бўлардингиз?*

– Яна бир жароҳатдан сўз очдингиз. Мен тилшуносликка амалий тус бериш ҳақида кўп ёзганман. Сиз ўшалардан бирига ишора қиляпсиз. Тилшуносликка оид тадқиқотлар музей экспонати каби жавонларда қолиб кетса, унинг нима кераги бор?! Қарашларимни ўзимизнинг соҳа мисолида баён қилсам.

Бугунги анъанавий филология тадқиқотлари асосан амалий аҳамиятсиз, ижтимоий-иқтисодий самарадан холи, фақат “Фан – фан учун”, “Фан – илмий даража ва унвонлар учун”, “Фан – кўнгил завқи учун” каби тамойилларга асосланмоқдаки, буни инқироз дейиш мумкин. Бу – филология доирасидаги давлат грантига даъвогар исталган мавзудаги лойиҳани, ҳимояга қўйилган ҳар қандай диссертацияни, долзарблигидан қатъи назар, ўзаро шахсий ёки бошқа муносабат асосида тўлиқ маъқуллаш ёки осонгина рад этиш мумкинлигида кўзга ташланади. Филологияда илмий янгиликлар эмас, шахслар ва шахсий муносабатлар муҳим роль ўйнаётир. Мамлакатимизда илм-фан, таълим сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда-ку-я, аммо тил-адабиёт соҳасида бургутларга чумчуқ, китларга балиқ сифатида муносабатда бўлиш, пашшага фил, сиртлонга эса шер тусини бериш тенденцияси кучаймоқда. Бундай хавfli ҳолат, айниқса, баҳолаш мезонлари мураккаб бўлган ижтимоий фанларда кўзга яққол ташланаётир. Бу кетишда биз фанда арзирли бир иш қилмаганларни авлиё даражасига кўтарамиз, етук олимлар эса сояда қолади, олим ва илмнинг қадрли тушиб кетади. Сув келтирган хору зор бўлиб, кўза синдирганнинг тўрга ўтиши инсофдан ҳам, адолатдан ҳам эмас, албатта.

Собиқ шўро тузуми даврида филология бўйича илмий ишлар тадқиқотчиларнинг ташаббуси билан, асосан, илмий даража олиш мақсадида олиб борилар, соҳа харажатлари аниқ ва табиий фанларга ажратилган маблағ ҳисобидан қопланар эди. Мақсадли талаб ва таклиф муносабатига эътибор қаратмайдиган “социалистик” филология фани тўла-тўқис инқирозга юз тутди. Аниқроғи, алмисоқдан қолган мақсад ва фойдасиз вазифалар асосида иш кўраётган, натижалари жонсиз ва татбиқсиз филология фани тўлиқ боқим соҳага айланиб қолди. Диссертацияларга ОАК томонидан билдирилаётган асосий ва ҳақли эътироз ҳам натижаларнинг амалиётга татбиқ этилмагани, аниқроғи, татбиқ этиб бўлмаслигидир. Демак, ё тадқиқотлардан буткул воз кечиш, ё давр талабларига мос излашнишлар олиб бориш зарур.

Бозор иқтисодиёти филологиянинг аниқ мақсадли, иқтисодий фойда ҳам келтирадиган йўналишлари ривожини қаттиқ тақозо қилмоқда. Бунда, биринчидан, тегишли соҳа мутасаддилари ёрдамида филологик тадқиқот йўли билан ҳал қилинадиган масалалар аниқланиб, муаммолар банкини яратиш, уларни таснифлаш ва илмий иш бажарувчи ташкилот-корхоналарга юбориш лозим. Албатта, илмий ва ўқув-илмий муассасаларнинг кўмаги зарур. Улар фундаментал, инновацион, амалий тадқиқотларни ўз ичига оладиган хизмат тизими ва структурасини ишлаб чиқади, амалий хизматларини таклиф этади. Янги асрда фақат ҳаётий-амалий татбиққа эга ва истеъмолчиларга ижтимоий-иқтисодий самарага йўл очадиган филологиягина яшашга ҳақли!

– Меҳнат фаолиятингиз асосан олий таълим билан боғлиқ. Икки-уч йил олдин шу соҳага оид таклифлар билан чиқиб, “Ортиқча қоғозбозликдан қутулиб, рақамли бошқарув тизимини такомиллаштириш керак” деган эдингиз. Мен ҳам таълимнинг турли бўғинларида ишлаб, асосий эътибор натижага – талабанинг билимига эмас, жараёнга – ўқитувчи фаолиятини текширишга қаратилганига гувоҳ бўлганман. Таклифларингиздан кейин орадан ўтган вақт мобайнида ОТМ тизимида қандай ўзгаришлар бўлди? Қоғозбозлик, бюрократизмдан қутулишнинг назарий йўл-йўриқлари-ку кўп, лекин амал-чи?

– Сиз билан аввалги суҳбатларимизда ҳам айтганман: мен давлат олий филологик таълими мазмунидан ҳеч қоникмадим, ростки, шу соҳада ишлаётганимдан хижолатда юраман. Ўқитиш эмас, кун ўтказиш бу! Таълим сифати ва жараёни хароб аҳволда. Модул-кредит тизимига тўлиқ ўта олмаяпмиз. Шунча давлат ҳужжатлари етмагандай, бу борада ҳам Президентимизнинг алоҳида оғзаки топшириқ беришини кутаяпмиз шекилли.

Ҳар бир соҳа бўйича инновацион гуруҳ тузиб, хориж тажрибасини ўрганиб келиб, ўқув режа, фан дастурлари ва дарсликларни тубдан янгилашимиз керак. Бизда дарс машғулотлари ҳамон ўтган асрнинг 70 – 80-йиллари даражасида олиб борилади. ОТМ ўқитувчиларининг иш ҳақи оширилгани яхши бўлди, лекин қуйи бўғинда талаб кучаймади-да. Аслида, таълим борасида таклифлар танлови ўтказиб, энг илғор ғояларни омалаштириш керак.

Бизда талаба билан яқка тартибда ишлаш ҳам йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, мустақил таълим деганимиз шунга қаратилган. Мустақил таълим учун бюджетдан маблағ ажратилмайди, у педагоглар иш юкмасига ҳам кирмайди. Шу сабаб ўқитувчига

мустақил таълимнинг умуман қизиғи йўқ. Бунда уни айблаб ҳам бўлмайди. Бу борада аниқ таклифларимиз бор: 80 дақиқалик маъруза психологик жиҳатдан ўзини оқламайди, ҳозирги талабанинг диққатини шунча муддат жалб қилиб бўлмайди, демак, уни 50 дақиқага тушириш керак. Семинар ва амалий машғулотлар ҳам иш бермай қўйган, эскирган. Маърузадан тежалган 30 дақиқани, семинар ва амалий машғулотларга ажратилган вақтни, ўқитувчига бериладиган устама ҳақни мустақил таълимга йўналтириш керак. Чунки илмий тадқиқотлар, даражалар, тил билиш сертификатлари учун берилётган устама ҳар доим ҳам таълим сифатини оширишга хизмат қиляпти деб бўлмайди.

Сифат учун ўқитувчини масъул ва жавобгар қилиш – муаммо ечимининг таянч нуқтаси. Ўқитувчи иш стажи, дипломи (тил билиш даражаси ва малака сертификати) асосида эмас, талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичи асосида иш ҳақи олиши, рағбатлантирилиши, зарур ҳолларда эса жазоланиши керак. Талабанинг билими тизимли ва автоматик равишда (қўл бошқаруви асосида эмас) меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий ва маънавий рағбатларга ягона асос бўлиши лозим. Барчасининг, шунингдек, билимни баҳолашнинг мустақкам қонуний асослари ишлаб чиқилиши, уларнинг аниқ ишлаши ва айниқса назорати юритилиши шарт.

ОТМда яна бир катта муаммо бор: кафедралар бошқаруви. Кафедра мудирини шўро давридан бери ҳам илмий, ҳам ташкилий ишларни бошқариб келади. Мазкур лавозимга етакчи олимлар тайинлов/сайлов асосида қўйилган. У замонларда кафедраларнинг иши таълим ва илмдангина иборат бўлган. Бугун мудирнинг фаолият қамрови шу қадар кенгайиб кетганки, кун бўйи кафедрада ўтириб ишласа ҳам юмушларини ниҳоясига еткази олмайди. Раҳбарият учун эса илмий фаолият, хоҳлаймизми-йўқми, иккинчи даражада. Етакчи олимни кафедрадаги ташкилий ва ҳужжатбозлик ишлари учун танқид қилиш, жазолаш раҳбариятнинг ўзига ҳам ноқулай. Агар кафедра ишларини тўла-тўқис бажараман деса, мудир илмий фаолиятни йиғиштиришига тўғри келади. Лекин кафедрадаги етакчи профессор (академик) мудир лавозимига тайинланмаса ҳам норози бўлади. Албатта, бунда у ўзича ҳақ. Чунки мудирлик олим учун “муқаддас лавозим” бўлиб келган. Ҳозирги ҳолатда ташкилий (ўқув жараёнини бошқариш, ҳужжатларни тайёрлаш, битирувчиларнинг иш билан таъминланишини назорат қилиш каби) ишлар кафедра аъзоларининг зиммасига тушади. Бу сирадаги ишлар лавозим мажбуриятига кирмагани учун кўп ҳол-

ларда масъулиятсизларча бажарилади. Бу ўзимнинг узоқ йиллик кафедра мудирини ва профессор сифатидаги тажрибамдан маълум.

Таклифим шуки, мудир лавозимини бекор қилиб, ўрнига ташкилий-бошқарув ишларига масъул кафедра менежери ҳамда илмий фаолият билан шуғулланадиган етакчи профессор лавозимини жорий қилиш керак. Менежерликка ташкилотчи бирор ходим тайинланади. Етакчи профессор эса жамоатчилик асосида фаолият юритади, у илмий салоҳиятни кўтариш, грант лойиҳаларини бошқариш, ўқув адабиётларини яратиш сингари вазифаларни бажаради. Кафедра менежери ректор томонидан тайинланади. Албатта, ўз қадрини билган ҳар қандай етакчи олим энди менежерликка интилмайдди, натижада уларнинг кучи “ўтин ёриш”га сарфланмайдди. Етакчи профессорлик танлов асосида амалга оширилиши ва лавозим мажбуриятлари аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ОТМларда таълимнинг ҳам, илмнинг ҳам юксалишига хизмат қилади.

– Яқинда қизиқ бир мақола ўқиб қолдим. Замоновий рус адибларидан бири дунё бўйлаб саёҳат қилибди. У узоқ вақт “Тараққиётга олиб борадиган асосий йўл – технологияларда” деб юрган экан. Лекин Мадагаскардаги турмуш даражаси бунинг аксини кўрсатибди. “Тараққиёт табиий ресурсларга боғлиқ” деган хулосасини эса олмос ва олтин конларига бой ЖАРнинг Йоҳаннесбург шаҳридаги манзара чилпарчин қилибди: нақд марказдаги ойналари синиб кетган, газ ва сув тармоғидан узилган 40 қаватли бино, асфальтсиз йўллар, бозордаги чириган мевалару Хитойнинг сифатсиз моллари, ҳожатхонага айлантирилган лифт шахталари... Хуллас, жиноятчилик авж олган бир шаҳар. “Гап таълимдадир?” деб ўйлабди. Қайдам! Фидель Кастро 1959 йилда Куба ҳукуматига келиши билан таълимга аҳамият қаратади. Орол – давлат саводхонлик борасида дунёнинг энг бой мамлакатларидан қолишмайди: 96 фоиз! Бюджетнинг 10 фоизи таълимга сарфланади. “Сиз буни Кубага келишингиз билан ҳис этасиз, деярли ҳар бир ўткинчи инглиз тилида яхшигина гаплашади, ҳар қандай мавзуда баҳслашади... Кейин меъморий жиҳатдан муҳташам, лекин деярли бутунлай вайрон бўлган биноларга эътибор берасиз. Ҳа, демак, бу ерда цивилизация бўлган! Хўш, у нега фатаротга юз тутди?” дея савол қўяди ёзувчи. Саёҳатчи адибнинг айрим баҳсли қарашларини истисно этсак, фикрлайдиган одамни ўйлатадиган гаплар. Янги Ўзбекистоннинг илғор зиёлиси ўлароқ жамият ва миллат тараққиётини нималарда деб биласиз?

– Чиндан... наҳотки тараққиётга эришишнинг аниқ формуласи бўлмаса?.. Мен оддий зиёли, Янги Ўзбекистон истиқболи қайғусида яшаётган ватандош ўлароқ жамият ва миллат тараққиётини бир неча жиҳатда кўраман. Улардан ўзим муҳим санайдиган айримларига тўхталсам.

Маънавий-ахлоқий тарбия – энг биринчи масала. Инсон олий қадрият дея улуғланади-ю, лекин унинг асл моҳияти бўлган маънавий қиёфани шакллантириш муаммоси ҳали умуминсоний миқёсда тадқиқ этилмаган. Миллий маънавият ҳақида дуруст гаплар айтиляпти, аммо шахсни маънавий такомиллаштириш бўйича декларатив ва популистик амаллардан, космополитик ёндашувлардан нарига ўтилмаяпти. Умуман олганда, дунёдаги барча иллат, жиноят, уруш ва ижтимоий-сиёсий, экологик инқирозларнинг илдизини **шахс маънавиятидан** қидириш, жамики муаммоларнинг ечими ана шу нуқтада мужассамлиги эътибордан четда қолди. Дунёда бу масала гўё эскирган, ўрта асрларга хос даққи тушунча дегандек тасаввур шаклланиб бўлди. Сираси, шахснинг маънавий дунёси унинг иқтисодий ва молиявий ўпқонига тушиб кетди. Янги аср кишиси бутун борлиғи билан глобал иқтисодиёт ҳамда инсоният учун ягона ҳукмдор бўлмиш бозорнинг қулига айланиб қолди. Бу – энг хатарли глобал муаммо!

Мен учун таълим ва илм-фан ҳам аҳамиятли. Боя айтганимдек, ҳар икки жабҳада амалий натижаларга эътиборни кучайтириш керак. Ижтимоий-гуманитар фанлар амалий татбиқдан кундан-кун узоқлашиб бораётганига томошабин бўлмоқ нораводир.

Учинчиси – экология ва табиатни ҳимоя қилиш. Мамлакатимиз атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга фаол киришмоғи даркор. Айниқса, қишлоқ хўжалигида обихаётни тежаш, сувга тежамкор маҳсулотлар етиштириш, қисқа муддатда томчилатиб суғоришга тўлиқ ўтиш лозим. Томчилатиб суғоришга ўтиш асосида ҳозир истеъмол қилинаётган сув билан бутун Ўзбекистонни бўстонга айлантисак бўлади.

Алқисса, шахс маънавияти, амалий илмлар, таълим ва экология муаммолари ечилмас экан, зоҳиран тараққиёт деганимиз ботинан таназзул бўлиб қолаверади.

Нодира ОФОҚ суҳбатлашди.



OLTINDAN TAROZI, OLMOSDAN TOSH...

Дунёга наинки зоҳир, балки ботин кўзи билан ҳам қарай бошлаган инсон бу ҳаётда нега яшаётгани, ўзидан нелар талаб қилинишию қай бир қилмиш унинг шаънига доғ бўлиб тушажагини жиддий ўйламоғи табиий. Бинобарин, одамни одам қилиб тутиб турадиган қадриятлар орасида ўзи туғилиб ўсган юрт тақдирига дахлдорлик, унинг яқин ва олис келажаги ўйида қайғуриш, халқининг эмин-эркин яшамоғига ҳисса қўшишдек инсоний вазифалар бор.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, инсоният ҳар қанча интеграциялашмасин, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги чегаралар ҳар қан-

ча ювилиб бормасин, бирор бир давлат ёки халқ ўзга бир давлат ёки халққа буткул беғараз, очиқ ёхуд пинҳона шартларсиз бир бурда нон ҳам бермайди. Сирасини айтганда, ҳар бир давлатнинг тақдирини фақат ва фақат унинг ўз фуқаролари қўлида бўлиб, улар кўрсатадиган жидду жаҳдга боғлиқдир.

Афсуски, кундалик ҳаётда кузатаётганимиз ижобий ўзгаришлар қаторида эл-юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, миллий қадриятларга беписандлик, ёш авлод тарбиясига масъулиятсизлик, уруғ-аймоқчиликдек хавфли иллатлар ҳам бот-бот

юз кўрсатмоқда. Вазиятни билатуриб, бу иллатларга барҳам бериш учун қўлдан келганча ҳаракат қилмаслик асло мумкин эмас.

Мамлакатимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабат борасида ижтимоий тармоқларда томошатабалик, “қанча ёмон бўлса, шунча яхши” позициясида туриб фикрлашдек хавфли тенденция кучайиб бораётгани ҳаммамизни сергак торттирмоғи керак. Саводли ёзиш, демаки, тўғри, холис фикрлашдек оддий инсоний хусусиятлар кўчасидан ўтмаган кимсаларнинг Ўзбекистон, бу ерда яшаётган кўп миллионли халқ ва унинг имкониятлари хусусидаги беписанд чиқишлари одамни хавотирга солади. Уларнинг иддаосича, “Ўзбеклар барибир одам бўлмайди”, “Бу халққа – кофир бўлсин, ғайридин бўлсин – бошқа миллатлар бошчилик қилмаса, ўзи ҳеч балони эпполмайди”, “Суриш керак, бу юртда ҳеч қачон одамдай яшаб бўлмайди...” ва ҳоказо.

Бу даъволарнинг эгалари – миллий нигилизм иллатига мубтало бўлганларга ачиниш ортиқча юмуш. Чунки уларнинг қилмиш-қидирмиши – ҳамма нарсани ёппасига инкор этиш; ҳар бир ҳаракат ва ўзгаришдан, аввало, иллат ахтариш; миллатнинг кучи ва имкониятларини иложи борица пастга уриш; одамларда, биринчи галда ёшларда айна миллат вакили эканидан ўкиниш ҳиссини уйғотиш ва уни қадам-бақадам кучайтириш... бу каби ҳаракатлар унча-мунча ташқи ёв тажовуздан-да хавфлироқдир.

Энг ёмони, уларнинг бу хил чиқишларини катта умидлар ила ҳаётга кириб ке-

лаётган қанчадан-қанча ёшлар ҳам ўқияпти, кўряпти, улардан кучлигина таъсирланияпти. Шундай экан, бояги кимсаларнинг чин исми ва маконини ҳам, асл мақсадини ҳам билиш имконидан маҳрум ёшларимизнинг дунёқараши салбий таъсирлар остида шаклланиши эртага не оқибатларни келтириб чиқаришини ўйлашимиз керакми-йўқми?



Республика Маънавият ва маърифат маркази фаоллари ва бир гуруҳ маърифат тарғиботчиларининг Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатининг ҳам тағзаминида шу каби жиддий муаммолар ва улар ечимига қаратилган бедор ўйлар мужассам. Хусусан, қуйидаги фикрлар қалби қотиб кетмаган ҳар бир миллатдошимиз, элдошимизни безовта қилаётган ташвишлар ифодасидир: *“Афсуски, экстремизм, радикализм, ахлоқсизлик, коррупция, жиноятчилик каби жирканч иллатлар ҳали суяғи қотмаган, ҳаёт йўлини аниқ белгилаб олмаган, зарарли таъсирларга берилувчан, маънавий-мафкуравий иммунитетни бўш ёшларимизни тўғри йўлдан чалғитмоқда. Эл-юртимиз равнақи ва фаровонлигини таъминлаш учун амалга оширилаётган халқчил ислоҳотларни атайин обрўсизлантиришга, уларнинг мақсади ва моҳиятини нотўғри талқин этишга, оилавий қадриятларни оёқости қилган ҳолда,*

*Ўша қусурлар бегона ерларда,
кўз илғамас манзилларда эмас,
сизу бизнинг шундоқ ёнимизда –
ишхонамизда, маҳалламизда,
энг ёмони, ЎЗ ИЧИМИЗДА юз
бермоқда-ку! Уларни кимдир бир
валлаMAT келиб тўғрилаб кетмоғи,
чорасини кўриб, жазосини бермоғига
ишониб ўтириш фуқаролик
жамиятининг қайси талаб-
мезонларига тўғри келади?!*

*жаҳолат, маънавий тубанлик, ёвузлик,
жоҳиллик кўринишларини кенг тарғиб
этиб, мўмай даромад олишга интилаёт-
ган кимсалар ҳам орамизда йўқ эмас”.*

Агар тарихга назар ташласак, чор истибдоди ва шўро замонида ҳам ҳукмдор доиралар тўқсон икки ўзбек уруғидан бино бўлган халқимизни пароканда қилиш, “чопадиган сопини ўзидан чиқариш”, бир-бирига ёвллаштириш учун лоқайдлик, бепарволик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, халқ дардига ётликни зимдан рағбатлантирган. Энг кичик вазифадорликдан тортиб республикага раҳбар тайинлашгача бўлган барча босқичларда асосий эътибор кадрларнинг ибратли шахсий фазилатларига эмас, балки лаббайгўйлиги, ҳайбаракаллачилиги, қаердан-“кимлар”дан эканига қаратилган. Мана шу йўл билан курсини эгаллаган кишиларнинг ўз атрофига уруғ-аймоғини йиғиши, аксар ишлар

таниш-билишчилик асосида ҳал қилиниши, порахўрликнинг авж олиши сингари ҳолатларга атай йўл қўйиб берилган. Тили қисқ ҳолга келган бояги катта-кичик раҳбарлар энди Марказ томонидан бериладиган, мамлакат, миллат тақдирига ўта салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай топшириқни сўзсиз, итоаткорона бажарар эди. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идаги Мингбоши, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”идаги Ошно, Тоғай Муроднинг “Отандан қолган далалар”идаги Клара Ходжаевналарни эслайлик.

Бугун-чи? Уруғ-аймоқчилик, давлат бюджети, демакки, халқ ризқидан ботмонлаб ўмариш, порахўрлик каби иллатларга жафокаш халқ нега бефарқ қараши, чидаб туриши керак? Айни иллатларга ким қаерда дуч келса, қонуний чора кўрилишига эришиш, бу йўлда шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш – фуқаролик бурчи, инсонликнинг оддий талаби эмасми?

Ахир, бу иллатлар хусусида соатлаб бесамар баҳс-мунозара олиб боришдан кўра уларнинг ҳар бир кўринишига ўша жойнинг ўзида барҳам бериш кўпроқ фойда бермайдими? Ўша қусурлар бегона ерларда, кўз илғамас манзилларда эмас, сизу бизнинг шундоқ ёнимизда – ишхонамизда, маҳалламизда, энг ёмони, ЎЗ ИЧИМИЗДА юз бермоқда-ку! Уларни кимдир бир валлаMAT келиб тўғрилаб кетмоғи, чорасини кўриб, жазосини бермоғига ишониб ўтириш фуқаролик жамиятининг қайси талаб-мезонларига тўғри келади?! Шоир айтмоқчи, “*Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, биз ёнмасак – ким олиб чиқади зулматни ёруғликка?!*”

Мутараққий давлатларнинг беистисно ҳаммасида амал қиладиган ҳаётий қоида ва талаб – кенг жамоатчиликнинг қинғирликларга тоқатсизлиги, қатъий қарши туришидек кундалик амални ўзлаштириш шунчалар қийинми? Қай бир ўқувчимизнинг ичидан ўтаётган бу мазмундаги эътирозни ҳам қалб қулоғимиз билан илғаб турибмиз, албатта: *“Сиз айтаётган “кенг жамоатчилик”нинг ичида қанчасининг бу ишга маънавий ҳаққи бор экан, ўзлари шунчалар тозамикан?”* Ахир, бошқа – бизни миллат сифатида емирувчи минг бир тур ажнабий иллатларни ўзлаштириш пойғасида ҳаммани чангимизда қолдириб кетаётирмиз-ку!

Афсуски, орамизда ота-оналикни фақат бола туғиб-туғдиришу уларнинг қорнини тўйғазиш деб тушунадиган одамлар ҳам кўплаб топилади. Улар бола тарбияси бутун бир илм экани, ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти замирида айнан мана шу илмга қатъий амал қилингани ётишини хаёлларига ҳам келтирмайди.

Шу маънода, Абдурауф Фитрат бундан бир аср олдин “Оила” рисоласида надомат ила битган, бизнинг фуқаролар боласининг тақдирига кўрасидаги қўйи ва сигири парваришича ҳам эътибор, ихлос кўрсатмаслигидан чеккан ҳасрати ҳали-ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Ҳолбуки, Мурोजаатда уқтирилганидек, *“Бугун фарзандларимизга ажратган вақтимиз, меҳримиз ва эътиборимиз эртага оиламиз ва жамиятимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган инсоний ресурс ва капитал бўлиб қайтади”.*

Пойтахт Тошкентдами, вилоятларда ёхуд яқин хориждами, турли қурилишларда ишлаётган йигитларнинг кўпчилиги фақат қора меҳнат қиляётгани, яхши даромад келтирадиган бошқа касб-ҳунар кўлидан келмаслиги қанчалар ачинарли?! Ҳолбуки, айни шу қурилишларда электрик, пайвандчилик, слесарлик, пардозчиликнинг турфа хиллари билан шуғулланадиган мутахассислар жисми-жони ортиқча қийналмай, асаби зўриқмай улардан бир неча баробар кўпроқ пул топмоқда.

Наҳотки, боламиз 18 – 20 ёшга киргунига қадар замоннинг энг талабгир ҳунарларининг ҳечқурса биттасини яхшилаб ўзлаштиришига эришиш шунчалар қийин? Ахир, республиканинг жами ҳудудларида шу касб-ҳунарларни ўргатадиган коллеж ва техникумлар, ҳунар марказлари, ҳеч бўлмаганда, уларни шогирдликка оладиган усталар, ҳунармандлар сулолалари бор-ку. Бу йўлда икки-уч йил астойдил қилинган ҳаракат, кўрсатилган эътибор ва кунт фарзандимизнинг нонини бир умр бутун қилади-ку!

Маънавият ва маърифат аҳли Мурोजаатида *“Демократия, фикр эркинлиги, очиқлик тамойилларини ниқоб қилиб, халқимиз минг йиллар давомида кўз қорачигидек асраб келган кадриятларимизни бузишга, ҳаётимизни ичидан кўпоришга асло йўл қўймайлик!”* дея бутун афкор омага хитоб қилинган.

Ўз умрини шунчаки тирикчилик қилиб эмас, иложи борича ЯШАБ ўтказишга, унга мазмун-моҳият бахш этишга уринган адиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” романидан олинган қуйидаги парча, биз-

Диққат қилсак, инсоният тарихида кечган жамики босқинлардан мақсад – истило қилинган элни яшашни унутиб, тирикчилик қилибгина кун ўтказишга кўндириш бўлган. Ҳозир ҳам дунёнинг кўплаб нуқталарида ана шу босқин бор кўлами билан давом этмоқда.

нингча, бутун миллат учун ибрат бўларлидир: "...Турмуш – яшаш деган сўз. Яшаш учун ердан тортиб қуёшгача, муҳаббатдан тортиб ғазабгача – ҳаммаси керак, ҳаммаси зарур. Умрини яшаб ўтказган кишининг роҳати ҳам, азоби ҳам, хафачилиги ва хурсандчилиги ҳам бир мазмун касб этади, буларнинг ҳаммаси бирбутун анорнинг алоҳида доналаридай чиройли, лаззатли бўлади.

Тирикчилик – ўлмасдан, тупроқдан ташқарида юриш деган сўз. Тирикчилик учун битта устара билан битта қайроқ ҳам кифоя қилади..."

Диққат қилсак, инсоният тарихида кечган жамики босқинлардан мақсад – истило қилинган элни яшашни унутиб, тирикчилик қилибгина кун ўтказишга кўндириш, бу икки тушунчанинг ўрнини алмаштириб юбориш бўлган. Ҳозир ҳам дунёнинг кўплаб нуқталарида ана шу босқин бор кўлами

билан давом этмоқда. Уни бир босқинчи кўполроқ, ибтидоийроқ усулларда амалга ошираётган бўлса, бошқаси жуда усталлик билан, нафсий-маданий йўл билан татбиқ этмоқда. Халқнинг катта қисми учун яшашни бор-йўғи тирикчилик ўтказмоқ деб англаш одатий ҳол бўлиб қолса, у халқнинг заволи ҳақида, миллат сифатида қиёфасини йўқота бошлагани тўғрисида бемалол баҳс очмоқ мумкин...

Боя эслаганимиз ижтимоий тармоқларда ўша **тирикчилик инстинкти** бош кўтарган кимсаларнинг собиқ шўро даврини алқаб ёзаётгани, "Қарам бўлсак ҳам арзончилик эди: йигирма тийинга бир буханка нон, бир тийинга гугурт берарди. Одамга бошқа нима керак – қорни тўқ, усти бут бўлса бас" қабилидаги гаплари кулоққа чалинади. Аслида, айна шу қараш, кайфият мутеликнинг, қул бўлишга ички тайёрликнинг дастлабки унсуридир.

Бу кўмсов соҳибларининг кўзига тик қараб қуйидаги саволларни бериш мумкин: сиз айтаётган нон шўро давлати ҳукмронлик қилган етмиш йил давомида неча йил 20 тийин бўлиб турди? Ўтган асрнинг 20 – 30-йилларидаги очарчилик пайти ҳам, уруш ва ундан кейинги қаҳатчилик йиллари ҳам шу нарҳдамиди? Ҳатто ўша – бир буханка нон 20 тийин бўлган қисқа даврда (70 – 80-йиллар) ҳам бор-йўғи 110 сўм маош олган олий маълумотли инженер, ўқитувчи, шифокор оиласига бир ойда неча килограмм гўшт ёки сарийё сотиб олар эди? Умуман, одам боласининг ҳаёт қадри фақат йигирма тийинли буханкаю уч тийинли газланган сув билан ўлчанадими?!

Шўро ҳукумати кишилар онгида пулга нисбатан бефарқлик, ҳатто нафрат руҳини шакллантиришга ўла солиб уринар, “Пул – қўлнинг кири” деган ақида ҳар қадамда мияга қуйилар эди. Ҳатто “Коммунизмда пул бўлмайди, ҳамма нарса текинга тақсимланади!” деган чўпчак ҳам бор эдики, буларнинг бари омма нигоҳини реалликдан узишга, уни бефарқ, қарахт ва ҳардамхаёл ушлаб туришга қаратилган эди. Буни асло нафсга қулликка қарши йўналтирилган муборак эътиқод билан қориштириб бўлмайди.

Аслида, пулга нисбатан бефарқ муносабатни тарбиялаш инсоннинг ўзига, қилаётган меҳнатига, кадр қимматига нисбатан бефарқликни пайдо қилиш билан баробар эди. Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” пьесасидаги Қўчқорвой, унинг аёли Қумри сажиясини эслайлик.

Ҳолбуки, пулда меҳнаткаш инсоннинг пешона тери, сарф бўлган кучу ақли, охир-оқибатда, ўтаётган умрининг қиймати акс этади. Пулдан, ҳалол ишлаш эвазига олиниши лозим бўлган ҳақдан нафратланиш, унга қизиқмаслик инсоннинг ўзлигига, меҳнатига нисбатан беписандлик, бефарқлик билан тенгдир...

Биз сўлақмондай гавдаси билан бозорда ангишвона сотиб ўтирган, шуни ўзига эп қўраётган йигитларни, “пул топишнинг айби йўқ” дея ўзини бозорга солаётган қиз-жувонларни эмас, дунёнинг турли тиллари, компьютер техникаси, илғор технологиялар, замонавий ҳунарларни ўрганиб, жисмоний ва ақлий меҳнатига яраша мўмай даромад топаётган, ишбилармонликнинг турли шакллари билан унумли фойдалангани

ҳолда ҳам ўзига, ҳам юртига бойлик орттираётган замонамиз ёшларини назарда тутмоқдамиз. Шундай ёшлар ҳам Ўзбекистон бағрида, унинг нон-сувини тотиб вояга етаётганидан кўз юмиш адолатдан бўладими?

Агар аниқ мисолларга тўхталиш керак бўлса, шахмат бўйича жаҳоннинг ўн еттинчи чемпиони бўлишдек бемисл шарафга эришган Рустам Қосимжонов амалга оширган ишнинг қўлами ва аҳамиятини бир тасаввур қилайлик. Осиё қитъасида демаймиз, чунки бу қитъадан ундан олдин ҳиндистонлик Вишванатан Ананд бу рутбага эришган эди. Бироқ Рустамжон Осиёдан кенгроқ географик қўламда – юзлаб миллат ва элат вакилларини жамлаган қарийб 1,3 миллиардлик мусулмон аҳли орасида биринчи ва ҳозирча ягона Жаҳон чемпиони дир! Бўлиб ҳам, қуруқ жисмоний кучнинг эмас, ақлий ва руҳоний қувватнинг жамулжамини талаб қиладиган, энг қадимги ақлий беллашув – шахмат чўққиси узра Ватанимиз байроғини ўрнатди!

Камина Тошкент халқаро аэропортида карнай-сурнай ила кутиб олинган Рустамжон усти очиқ автомобилда, кўчалардаги ўн минглаб юртдошлари олқиши аро Ўқчи кўчасидаги, бор-йўғи икки сотих ердаги уч хонали ота ҳовлисига кузатиб келинган лаҳзаларни яхши эслайман. Аминманки, бугун Оврупонинг энг қиммат меҳмонхоналарида, Тошкентдаги кенг ҳовлиларда яшаётган Рустамжон ва унинг оиласи тушларига ўша ота уй тез-тез кириб туради. Чунки бу йигит ва уни элга қўшган заҳматкаш ота-онаси ҳаётини тирикчилик қилишга эмас, инсондек яшашга, ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШГА бахш этганлар!

*Ҳали онгимизда, дунёқараш
ва кайфиятимизда ислоҳ
қилиниши, ўзгартирилиши
лозим бўлган нуқталар қанча!
Ҳали ўзбекнинг маънавияти
юксалиши, ўзини таниши ва
англаши учун талаб нақадар
улкан! Ҳали тирикчилик
ўтказиш учунгина яшайтган
кишилар камми?!*

Миллатимизнинг куч-қудрати, имкониётларига шубҳа билан қараётган, аслида на узоқ ва на яқин тарихдан дурустроқ хабари бўлган кишиларга жавобан яна бир-икки далилни келтириш билан чекланамиз.

Биласизки, дунёда “Гиннеснинг рекордлар китоби”ни юритадиган алоҳида ташкилот бор. Каминанинг ожиз фикрича, агар шу муассаса мутасаддиларида озгина инсоф ва адолат бўлса, ўзбек халқи фақатгина XX асрда эришган камида икки беқиёс натижани шу китобга, кечроқ бўлса ҳам муҳрлашлари лозим. Қайси воқеаларни назарда тутяпсиз дерсиз?

Биринчиси: 1939 йилнинг ёзида водий худудида 45 кун ичида қазиб битказилган Катта Фарғона канали қурилиши!

Қарийб 350 километр узунликдаги бу иншоотнинг ҳақиқий кўламини тасаввур қилмоқ учун, масалан, Андижон вилоятининг Куйганёр масканига бориш, каналнинг

ўзи, унинг устига қурилган автомобиль ва темирйўл кўприklarининг маҳобатини кўриш керак. Ва дунё тарихида шу муддат ичида бу қадар катта натижа бошқа қайд этилганми, деган савол устида жиддий ўйласа бўлади. Кейин эса ўзбек халқининг аксар қўл кучи, кетмон, кирка ва белкурак билан амалга оширган меҳнати маҳсулини дунёга донғи таралган Сувайш, Панама каналлари кўламига солиштириб кўриш, охир-пировардида шу қиёслардан адолатли хулоса чиқариш керак. Каминанинг соф шахсий бир хулосаси мавжудки, мавриди келибди, у билан ҳам ўртоқлашай: бугунги дунёнинг манаман деган тўрт-бешта давлати бош қўшиб, замонавий техника, мутахассислар, ишчи кучи ва миллиардлаб маблағ ташлаб ҳам қирқ беш кунда бунча узунлик ва кўламдаги канални қазизи амримаҳолдир.

Иккинчи мисол. Ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек халқи уч-тўрт ой давомида энг оғири беш-олти грамм бўлган миллиардлаб чаноқлардан асосан қўл кучи билан қарийб 6 миллион тонна пахтани йиғиб олди. Бу ҳодиса бир неча йиллар давомида такрорланди. Тасаввур қиляпсизми, “*миллион эгатларга сочилган*” (Абдулла Орипов) халқ граммлаб йиғиб, умумий хирмонни миллионлаб тоннага етказарди!

Айтишингиз мумкин: АҚШ ҳам бир йилда 7-8 миллион тонна пахта етиштилади-ку, деб. Тўғри, етиштилади. Бироқ у юртнинг фермерлари чигит экишдан тортиб яганагача, ўтоқдан тортиб чеканкагача, ғўзани дорилашдан тортиб ҳосилни йиғиб олишгача – барча ишни машина-техника кучи билан бажаради. Ўзбек эса ўша

миллионлаб тоннанинг деярли ҳаммасини тилиниб, қонталаш бўлиб кетган қўллари билан йиққан!

Ушбу натижа дунёнинг бошқа бирор ерида учрайдими? Бу халқнинг меҳнати ва матонати, чидами ва бардоши яна қай бир халқда бор? Биз мозий ҳодисаларини мақтамаётганимиз, аксинча, ушбу жонфи-доликлар айнан она халқимиз томонидан амалга оширилганини таъкидлаётганимиз-ни алоҳида уқтириб ўтиришга ҳожат бўл-маса керак.

Энди айтинг, шундай халқнинг ақлий, руҳий, интеллектуал, жисмоний ҳамда имоний кучи ва имкониятларига қўл сил-таш, бу хусусда шубҳа-гумон урчитиш, халқни ўзидан совитиш, ҳафсаласига дарз етказишдек ҳаракатларнинг энг энгил номи кирдикор – ғаразли ва маразли юмушдир десак, кимнингдир нозик кўнглини оғритган бўламизми?!

Ҳолбуки, биз эсга олган натижалар халқдаги имкониятларнинг бир қисминиги-на ишга солиш эвазига қўлга киритилган. Имкониятларнинг эса, шукрки, чеки-чегараси йўқ. Ҳали онгимизда, дунёқараш ва


кайфиятимизда ислоҳ қилиниши, ўзгар-тирилиши лозим бўлган нуқталар қанча! Ҳали ўзбекнинг маънавияти юксалиши, ўзини таниши ва англаши учун талаб нақадар улкан! Ҳали тирикчилик ўтказиш учунгина яшаётган, Оллоҳ ато этган омонат умрни битта устараю битта қайроққа боғлаб қўйган, ҳақиқий ЯШАШ амалини эгалламаган кишилар камми?

Ҳолбуки, бугунги ҳаёт бизга ЯШАШ ИМКОНИАТИни бериб, ундан қандай фойдаланиш ҳуқуқини ҳам ўзимизга ҳавола этмоқда. Бас, бу имконият беҳуда кет-масин, *“азиз умримизнинг азиз онлари”* ўз қадрига, маъно-мазмунига эга бўлсин. Зеро, *“Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун / Олтindан тарозу, олмосдан тош оз”*.

Биз кимгадир ақл ўргатиш фикридан йироқмиз, албатта. Асл мақсадимиз – мақола бошида айтганимиз: бу дунёга келган ҳар бир инсон қатори зиммамизда бўлган бурч ва мажбуриятларни, бизни ис-сиқ бағрида ўстириб вояга етказган юрт, номини кўтариб юрганимиз улуғ халқ ол-дидаги масъулиятни яна бир карра эслат-моқ, холос.



Абдулла АЪЗАМ



Donish uyi

Мукаддима ўрнида. 80 йиллиги нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шу қадар кенг қамровли илмий муассасаки, уни тўла-тўқис тавсифламоққа ёлғиз қўл ожиз. Аини чоқда, мазкур муассасага дохил қаламкаш ўлароқ инобатли сана муносабати билан табрик йўсинида сўз айтмаслик ҳам нораво туюлади. Фанлар академияси ўзи нима? Ўзбекистонга бундай муассаса керакми? У мамлакат тараққиётига қандай ҳисса қўша олди? Мақоламизда шу каби саволларга баҳоли қудрат жавоб берамиз.

Этимология. Қадимги Юнонистон заминида, Афина яқинида Академия номли боғ бўлган (у бизгача сақланмаган). Буюк Афлотун (Афиналик Платон, туғилган йили аниқ эмас, вафоти – мил. 348/47 йил) ана шу боғда ўз шогирдлари билан давра тузиб илмий мубоҳаса қилган. Шу тариқа “Платон академияси” ибораси пайдо бўлган. У бугунги маънодаги академия, ҳатто университет ҳам бўлмаган, унинг фаолиятини семинар ёки мажозан қўлланадиган “илмий мактаб” дейиш мумкин. Мазкур даргоҳдан етишиб чиққан Арасту (мил. авв. 384 – 322) асос солган

Абдулла АЪЗАМ. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик

илмий мактаб эса “лицей” деб аталган. Тарих гувоҳлик беришича, Аристотелнинг лицейи Платоннинг академиясидан анча катта бўлган. Бу ҳам этимология парадоксларидан бири.

Биринчи академия. Гарчи академия юнонча сўз бўлса ҳам, на қадимги Юнонистонда, на ўша даврдан илм-фани ривожлана бошлаган қадимги Хитой ва Ҳиндистонда расмана академия вужудга келган. Асрлар давомида олимлар илм-фан билан ё яқка ҳолда, ёки илмий тўғаракка уюшиб шуғулланган. Замонавий фанлар академиясига энг яқин тарихий ҳодиса бу – Бағдодда халифа Ҳорун ар-Рашид асос солган “Байт ул-ҳикма”дир (“Ҳикматлар уйи”). У ўз идорасига, маош оладиган “академик”лари ва ёрдамчи ходимлардан (қоғоз таъминотчилар, китоблардан нусха кўчирувчилар, муқоваловчи саҳҳофлар, таржимонлар) иборат жамоага эга бўлган. Швейцариялик атоқли шарқшунос Адам Мец (1869 – 1917) фикрича, “Муслмон Ренессанси” “Байт ул-ҳикма”дан бошланган. Бағдод академияси халифа Маъмун ҳукмдорлиги даврида нашъу намо топиб, умумжаҳон аҳамиятига молик тарихий ҳодисага айланган.

XI асрда фаолият кўрсатган Хоразм Маъмун академияси, XV асрда юлдузи порлаган Улуғбек академияси Бағдодда бошланган ренессанснинг давомчилари саналади. Ўзбекистон Фанлар академияси уларнинг қонуний вориси, бинобарин, энг илғор жабҳаларда тадқиқот ўтказиш аъёнасини давом эттиришга масъулдир.

Биринчи академия “президенти”. Бағдод академиясида юзлаб олимлар фаолият олиб борган бўлиб, улардан энг машҳури, шубҳасиз,



Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийдир. Алломанинг нафақат “Байт ул-ҳикма”даги, балки бутун салтанатдаги мавқеи шу қадар юксак бўлганки, икки халифанинг тахтга ўтириш (инаугурация) маросимида мўътабар шахс сифатида иштирок этган. Маълумотларга кўра, Хазар хонлигига юборилган элчиликка раҳбарлик ҳам қилган. Бу ўрта асрларда кенг тарқалган расм эди – машҳур олимнинг элчи этиб юборилиши дипломатик миссиянинг хавфсизлиги ва муваффақиятида муҳим ўрин тутган. Зотан, у даврларда олимлар, айниқса, кўп тил билган алломаларнинг шуҳрати ҳозирги номдор футболчилар, эстрада ва кино юлдузлариникидан кам бўлмаган.

Муҳаммад Хоразмий асосан математик сифатида машҳур. Аслида у Арастудан кейинги иккинчи универсал олим – математикадан ташқари ислом Шарқида биринчи зиж (тригонометрик ва астрономик жадваллар), географияга оид илк илмий асар (“Сурат ул-арз”), тарих ва этнографияга оид китоблар, мерос тақсимлаш ҳақидаги мукаммал рисола муаллифидир. Афсуски, Хоразмийнинг “Байт ул-ҳикма”даги

раҳбарлик фаолияти тўғрисида маълумот сақланмаган. Бу илм даргоҳида кўплаб атоқли олимлар фаолият олиб борганига таяниб, Хоразмий раҳбарликда ҳам юксак мақомга эришган дея оламиз.

Янги давр академиялари. XVII асргача фан гоҳ у худудда, гоҳ бу ўлкада гуллаб-яшнаб турган, аммо юксалиш муттасил давом этмаган, гуркираш даври инқироз йилларига уланиб кетган. XVII асрда илмий тараққиёт эстафетасини мусулмон Шарқидан Европа олимлари олгач, тўхтовсиз илгарилама ривожланиш рўй берди. Бунда Фрэнсис Бэкон (1561 – 1626) каби мутафаккирларнинг илмий хулосаларни тажриба ва синовдан ўтказиш лозимлиги тўғрисидаги таълимоти муҳим роль ўйнаган. Фанний тажрибалар ўша даврда театр томошаларидай оммада ҳам, ҳукмдорлар саройида ҳам қизиқиш уйғотар эди. Шу тариқа янги давр академиялари пайдо бўлди: 1652 йилда Германия Миллий фанлар академияси (“Леопольдина”), 1662 йилда Лондон Қироллик жамияти, 1666 йилда Париж (Франция) Фанлар академияси иш бошлади. Кейинроқ Петербург Фанлар академияси (1724), Дания Қироллик жамияти (1742), Эдинбург Қироллик жамияти (Шотландия академияси, 1783) таъсис этилди. Бугунги кунда Швецияда ўнга яқин академия ёрлиқли муассаса мавжуд. Улардан энг йириги – Швеция қироллик Фанлар академияси бўлиб (1739), Нобель мукофоти кўмитаси ҳам шу муассасага қарашли.

Осиё қитъасида замонавий академиялар анча кейин, Европадан улги олиб очила

бошлаган: 1879 йилда Япония, 1935 йилда Ҳиндистон, 1949 йилда Хитой ва 1988 йилда Эрон Фанлар академияси ташкил этилган. Корея Республикасида кўп йиллар давомида фундаментал фанга эътибор берилмаган. Иқтисодий юксалиш маълум нуқтага етгандан кейингина мамлакат фундаментал фансиз тараққиётда халқаро рақобатга бардош бера олмаслиги англандан ва 1995 йилда Корея Фанлар ва технологиялар академияси тузилган. Айнан шу ҳолатни Туркия Республикаси мисолида ҳам кўрамыз: гарчи мамлакат иқтисодиёти 1980-йиллардан жадал ривожланиш кўчасига кирган бўлса-да, Фанлар академияси 1993 йилда ташкил этилган.

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси фаолият бошлагани тарихимизнинг ёрқин саҳифаси, ифтихоримиз манбаидир.

Муассасами ё клуб? Бугун фанлар академияси атамаси бир неча тушунчани ўзида мужассам этади. Боя Европада дастлабки академиялар қироллик ҳузуридаги жамият тарзида ташкил этилганини эслаган эдик. Улар “хослар мажлиси” тарзида фаолият олиб борган – академия аъзолари ўз ихтиролари ҳақида маъруза ўқиган, янги тажрибаларини намойиш қилган. Ҳозир ҳам шу йўсинда фаолият юритадиган академиялар талайгина. 1863 йилда тузилган АҚШ Фанлар академияси жамоатчилик асосида иш юритувчи, иқтисодиёт, фан ва таълим муаммолари юзасидан ҳукуматга хулоса ва тавсия беврвчи маслаҳат органидир.

Фанлар академиясининг яна бир тури XIX асрда Майкл Фарадейнинг электромагнетизм, XX асрда Никола Тесланинг электротехника соҳаларидаги изланишлари жамият ҳаётида улкан инқилоб ясагач вужудга келган. Шу даврдан академиялар қошидаги лабораториялар илмий тадқиқот институтларига айлантирила бошлаган. Кейинроқ авиация, материалшунослик, ядро қуроллари ва энергетикаси, ракета-созлик, электроника ва автоматика каби соҳалар шундай масалаларни қўя бошладик, уларни ҳал этмоққа бир-икки олимпинг қурби етмас эди. Бу бир неча соҳага мансуб ўнлаб истеъдодли олимпларни йирик жамоаларга жамлашни тақозо этди. Шу тариқа Фанлар академияси кенгайиб, таркиби тармоқланиб, халқ хўжалигининг алоҳида соҳасига, академия ҳайъати эса ўзига хос “фан вазирлиги”га айланди. Россия, Хитой, Франция фанлар академиялари ана шу турга мансуб.

Нега вазирлик эмас, академия?

Академия маълум маънода вазирлик вазифасини бажарар экан, уни бирийўла вазирликка айлантириб қўяқолса бўлмай-дими? Айрим мамлакатларда шу тарзда иш тутилган, аммо у муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Давлат муассасасининг вазифаси молиялаштириш, бошқарув ва назорат экани маълум. Бундай ёндашув таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, sanoat, ҳатто мудофаа соҳалари учун мақбулдир, аммо уни фанга татбиқ этиш тўғри эмас. Хўш, илм-фан қандай молиялаштирилиши лозим? Ўта мураккаб ва дол-

зарб бу саволга ҳозиргача жўяли жавоб берилгани йўқ. Масалани “Асл фан муаммоларини фақат ҳисобот ёки илмий карьера учун қилинадиган юзаки ишлардан қандай фарқлаш мумкин?” дея аниқроқ қўйиш мумкин. Унга турли рақаму кўрсаткичлар билан жавоб бермоққа интилишлар мавжуд. Бу – сифатни сон билан ўлчашга уриниш бўлиб, бесамар, ҳатто зарарли юмушдир. Ҳарқалай, шу йўсинда молиялаштирилган илмий лойиҳа доирасида бирор жиддий математик муаммо ҳал этилган эмас. Мазкур хулоса Нобель мукофотига лойиқ деб топилган физика, кимё ва физиологияга оид тадқиқотларга ҳам тааллуқли.


Илмий тадқиқотларни грант танлови асосида ўтказиш фанни молиялаштириш муаммоси ечими йўлидаги сўнгги яроқли усул бўлиб турибди. Муаммо – грант қай йўсин ва қандай лойиҳаларга берилиши лозимлигида. Бу ривожланаётган мамлакатлардаги каби бизда ҳам бюрократик усулда амалга оширилмоқда. (Бюрократия деганда, қатъий низом, рақамлар ва кўрсаткичларга асосан бошқариш усули назарда тутилмоқда.) Оқибатда грантлар кечаги, нари борса бугунги кун натижаларига қараб ажратилаётир. Ҳолбуки, фан аслан кечаги кунни диалектик рад этиш асосида ривожланади. Фанни бюрократик усулларда бошқариш ва назорат этиш билан му-род ҳосил бўлмайди, бу ҳатто тескари натижага олиб келади. Илмдаги энг салмоқли ютуқлар узоқ йиллик изланишлар натижа-сида қўлга киритилади. Масалан, 2023 йилда физика соҳасида Нобель мукофоти берилган уч физикдан бири – Энн Люилье



Тoшмуҳаммад ҚОРИ НИЁЗИЙ



Ғани МАВЛОНОВ



Саъди СИРОЖИДИНОВ

лазер импульсларини тезкор фотографияга асос қилиб олиш мумкинлиги ҳақидаги ғоя устида йигирма йил ишлаган экан. Грантбоп лойиҳалар эса асосан қисқа муддатни кўзда тутди, ҳатто ярим йил ўтмай ҳисобот талаб этилади. Бу эса тадқиқотчиларни аввалроқ ишлана бошлаган ёки қисқа муддатда натижа кафолатланадиган мавзуларда лойиҳа тақдим этишга ундайди. Натижаси олдиндан режалаштирилган ёки кафолатланган тадқиқотлар фундаментал аҳамият касб этмайди. Илм-фан хазинасини бойитадиган залварли натижалар аввалдан режалаштириб бўлмайдиган, олимнинг бутун вужуди ила, дунёни унутиб олиб борадиган изланишлари натижасида, гоҳида тилсимли тарзда юзага чиқади.


Академикнинг илмий фаолиятини бошқариш ва назорат қилишни вазирлик ёки бошқа маъмурий орган ходимига топшириш ҳам оқилона иш эмас. **Фанлар академиясининг бош вазифаси – юксак иқтидорли, катта илмий мактабларни кўрган, илм уфқларига назар сола оладиган, фундаментал муаммоларни фундаменталнамо ишланмалардан, чуқур**

илмий натижани саёзидан, ўткинчисини истиқболлисидан фарқлашга қодир, холислик ва ҳалоллик принципларида собит тура биладиган олимларни ягона жамоага уюштириш, тизимга очиқ, танқидий руҳдаги муҳокама ва ҳисобот асосида раҳбарлик қилишдир. Шундай академиягина яшашга ҳақли!..

Калтис савол. Ўзбекистон Фанлар академияси ана шу функцияни бажара оляптими? Бу борада нуқтаи назарлар турлича бўлиши табиий. Камина фикрича, фаолият кўлами талаб даражасида эмас. Бунинг бир неча сабаби бор.

Биринчидан, 1997 йилдан 2017 йилгача академия аъзолиги учун сайлов ўтказилмагани сабабли академикларнинг ўртача ёши 60 дан анча юқорилаб кетган эди. Фонда инқилобий ихтиролар эса аксар ҳолларда 30-40 ёшларга тўғри келади.

Иккинчидан, шўро даврида академия ва академиклар катта имтиёзлар ва мавқега эга эдики, бунинг оқибатида сайловларда тарафкашлик, гуруҳбозлик иллати илдиз отган, муносиб олимларни сайлаш



Иброҳим МЎМИНОВ



Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ



Иброҳим ҲАМРОБОЕВ

ўрнига, савияси ҳаминқадар бўлса-да “ўзига қарашли” кишилар учун овоз йиғиш авж олган, ҳатто фитналар кузатилган. (Бу ҳодиса академик Восил Қобуловнинг кундалигида баён қилинган. Афсуски, у ҳамон нашр этилганича йўқ.) Мисол учун, назарий физика соҳасида дунё эътироф этган олим Фатҳулла Абдуллаев академияга сайловда икки марта “йиқитилган” эди. 2017 йилги сайлов бундай иллатдан деярли холи бўлганини таъкидлаш лозим. Бундан кейин ҳам академия ўз сафини энг иқтидорли олимлар билан тўлдиришга қаратилган низомга оғишмай амал қилади, дея умид билдирамыз.

Учинчи сабаб – 2000-йиллардан “Ўзбекистон учун академия ортиқча ҳашам, дахмаза, бюджетга юк” деган нуқтаи назар устувор бўлиб, тизим кескин қисқартирила бошлади. Бу эса бутун илмий жамоада тушкунлик уйғотди, кучли олимларнинг хорижга кетиши ёки сердаромад соҳаларга ўтишини кучайтирди. Ваҳоланки, академияга бундай муносабат “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” шиорига мутлақо зид эди. Ҳатто Африка мамлакатларида академиялар

ташқил этилаётган эди, ахир. Фан-техника равнақи – юксак тараққиётнинг энг муҳим омилларидан экани кундек равшан.

2017 йилда вазият кескин ўзгарди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг илмга, айниқса, академияга бўлган эътибори туфайли мамлакатимиз фани устидаги “қора булутлар” тарқалиб, мўтабар даргоҳнинг мақом-мавқеи тикланди. Илмий-тадқиқот институтларини молиялаштиришнинг базавий ставкаси бюджетдан қопланиши олимларимизга том маънода фундаментал тадқиқотлар устида ишлашга имкон яратди.

Ҳозирда давлат грантлари кўпайтирилган. Илло грант бўйича лойиҳаларни молиялаштириш инновация учун масъул вазирликка топширилгани баҳсли бўлиб қолаётир. Амалий ва инновацион лойиҳалар учун бу ёндашув тўғридир, аммо фундаментал лойиҳалар учун мақбул эмас.

Фундаментал лойиҳаларни Фанлар академияси томонидан молиялаштириш тизимига қайтиш зарур.

Грант учун тақдим этилган лойиҳаларни ҳам, уларнинг ҳисоботларини

ҳам академиянинг умумий мажлисида муҳокама қилиш – фундаментал тадқиқотлар сифатини таъминловчи самарали йўлдир. Бундай муҳокамалар холис ва принципаал танқидий руҳда ўтиши лозим, албатта.

Фан ва келажак. Агар жамият буғуни ва эртасинигина ўйласа, академияга ҳожат йўқ. Амалий фанлар халқ хўжалиги соҳаларига мансуб илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтларида, назарий фанлар эса университетларда раванқ топаверади. Олий таълимга киритилган сармоя беш-ўн йилда, умумий таълимга сарфланган инвестиция ўн беш-йигирма йилда натижа бера бошлайди. Амалий фанга ажратилган инвестиция ҳам қисқа муддатда самара бериши мумкин. Фундаментал фанга сарфланадиган маблағга келсак, у қачон ҳосил беришини ҳатто прогноз қилиб бўлмайди. Шунга қарамай, келажаги ҳақида қайғурадиган давлат фундаментал фанга эътибор қаратиши шарт. Хўш, бу ерда зиддият йўқми? Бизнингча, йўқ. Адабиёт ва санъатнинг жамиятдаги ўрнини пул билан ўлчаб бўлмагани сингари, Фанлар академияси, умуман, фаннинг миллат салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги ўрнини ҳам моддий харажат билан баҳолаб бўлмайди. Замон шиддат-ла ўзгармоқда, илмий-техник тараққиёт эртага қандай янгиликларга рўбарў қилади – тасаввур этмоққа тахайюл ожиз. Миллатни келажакка ҳозирловчи асосий воситалардан бири эса, дунёнинг илғор илмий марказлари билан бўйлаша оладиган академиядир. Акс ҳол-

да, мамлакат илмий-техник қарамликка дуч келиши мумкинки, унинг қаршисида сиёсий ва иқтисодий тобелик ҳеч нарса эмас. Образли қилиб айтганда, **Фанлар академиясини муносиб тарзда раванқ топтириш – миллат учун фарзи кифоядир.**

Академия ва амалиёт. Албатта, академия фаолияти фақат фундаментал фанлар билан чекланиб қолмайди. Ҳар бир илмий муассаса имкон қадар олинаётган натижалар татбиқи билан, имкон бўлмаган тақдирда тайин амалий масалаларни ҳал этиш билан ҳам шуғулланиши даркор. Бунда ҳаракат “фан – ишлаб чиқариш” эмас, “ишлаб чиқариш – фан” йўналишида юритилиши керак. Чунки ишлаб чиқарувчиларнинг буюртмаси асосида тақдим этиладиган, амалий ва инновацион муаммолар устида тадқиқот олиб бораётган муассасалар билан Фанлар академияси институтларининг ҳамкорликдаги лойиҳалари кўпроқ ва тезроқ самара беради. Интеллектуал мулк агентлиги, инновациялар идораси илмий тадқиқот муассасалари билан халқ хўжалигининг реал секторлари ўртасида кўприк вазифасини ўташи лозим. Бу ишга Вазирлар Маҳкамаси бошқош бўлса айна муддао...

Академия ва “Ўзбек совет энциклопедияси”. Биринчи миллий энциклопедиянинг нашр этилиши (1971 – 1980-йиллар) Ўзбекистон Фанлар академиясининг салмоқли ютуғи бўлди. “Ўзбек совет энциклопедияси” Бош редакцияси айнан Фанлар академиясининг бўлими си-

фатида ташкил этилган, академия Ҳайъати эса нашрга масъул этиб тайинланган эди. Академия вице-президенти Иброҳим Мўминов (то вафотигача) бош муҳаррир бўлган, турли соҳалар бўйича редакцияларга ҳам академия аъзолари раҳбарлик қилган. Бош таҳририятга 150 дан зиёд маҳоратли муҳаррирлар, қилқалам олимлар ва бошқа мутахассислар (безакчи-рассом, техник муҳаррир, фотограф, ретушёр, картограф, библиографлар) жалб этилган. Муштарийлар энциклопедия мақолалари нашрга қандай тайёрланганини тасаввур қилишлари учун биргина далил келтирамиз: математика редакцияси раҳбари, академик Саъди Сирожиддинов таҳририят аъзоларини ойда бир кун ўз хонасига йиғар, тайёрланган ҳар бир мақола ўқилиб муҳокама қилинар, шу тариқа сўзлик тўлдириб борилар эди.

Шўро мафкураси шароитида яратилган энциклопедиянинг ҳар бир мақоласи “Главлит” аталмиш цензура органи чиғириғидан ўтар эди. Масалан, биринчи жилд учун “Амир Темура” деган мақолани шахсан И.Мўминов ёзган эди. Уни ўқиган мафкурачиларнинг капалаги учган. Масала ҳатто Марказқўмда муҳокама қилиниб, бош муҳаррирга ҳайфсан эълон қилинган. Мақоланинг ўзи анча-мунча қайчиланиб, биринчи жилддан бошқа жилдга ўтказилган. Бундай тазйиқларга қарамай, И.Мўминов раҳбарлигидаги Бош таҳририят ЎзСЭга анча-мунча миллий руҳ сингдира олган. Унинг жилдларини варақлаган ўқувчи бунга ишонч ҳосил қилади.

Мамлакат фани ва обрўси учун курашгани сабаб ҳукмрон мафкура қаҳрига учра-

ган Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Саъди Сирожиддинов каби фидойи академиклар – миллатимиз ифтихоридир.

Миллий энциклопедия муаммоси. Ўтиш даври иқтисодий талатўплари шароитида энциклопедия Бош таҳририяти Фанлар академияси тузилмасидан чиқарилиб, Матбуот давлат қўмитаси ихтиёрига ўтказилди, штат жадвали ҳам, нашр бюджети ҳам кескин қисқартирилди. Натижада мустақил Ўзбекистоннинг биринчи энциклопедияси кўп қийинчиликлар билан чоп этилди, “Бобур энциклопедияси”ни тайёрлашга эса нашриётнинг имконияти етмади. Алалоқибат нашриёт ёпиб юборилди. Фанлар академияси таркибида ва унинг раҳбарлиги остида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Бош таҳририяти тикланмоғи даркор. Янгиланаётган Ўзбекистон ҳаётининг ҳамма қирраларини тўлиқ акс эттирадиган миллий энциклопедия таҳририятини йўлга қўйиш, уни мунтазам (ҳар ўн йилда бир) нашр этиш зарур. Бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизнинг халқаро мавқеи, ҳеч шубҳасиз, энциклопедияга ҳам боғлиқ. Қиёслаш учун, АҚШ энциклопедияси (“World book”) ҳар йили қайта чоп этилади, аввалги нашрлари эса хорижий давлатларнинг таълим муассасалари ва кутубхоналарига бепул тарқатилади. Унинг тўлиқ жилдлар йиғмаси Ўзбекистоннинг кўплаб таълим муассасалари ва кутубхоналарига ҳам ҳадя этилган. Гарчи “Дунё китоби” деб аталса-да, унда асосан АҚШ ва Канада ҳаёт тарзи, идеаллари, қаҳрамонлари, сиёсий тузуми ва эришган муваффақиятлари

тарғиб қилинади. Англаш қийин эмаски, бу нашрнинг таъсири ҳаво кemasиникидан кам эмас. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг янги нашрлари ўзбек ва англиз тилларида, бой ва таъсирчан мазмун, юксак полиграфик сифат билан чиқарилиб, мамлакатимиздаги хорижий элчихоналар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда Марказий Осиё тадқиқотлари йўлга қўйилган хориж университетларига тарқатилса қандай соз бўлур эди!..

Халқаро эътироф ва ютуқлар.

Бундан 80 йил муқаддам ташкил топган академиямиз узун йўлни босиб ўтди. У эришган ютуқларни санаб адоғига етиб бўлмаса керак. Намуна келтириш керак бўлса, табиий фанлар йўналишида Тошкентда зилзилабардош иншоотлар механикасининг назарий асослари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борадаги ишланмалар пойтахтимизда метрополитен, кўпқаватли уйлар ва улкан иншоотлар қуришга илмий асос бўлди. Ядро физикаси институти реакторларида тиббиёт учун радиоизотоплар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилгани ҳам катта ютуқдир. 1986 йилда Халқаро Бернулли жамиятининг биринчи конгресси Ўзбекистон пойтахтида ўтказилгани ва унда 50 га яқин мамлакатдан 600 дан зиёд олим қатнашгани эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳасида Тошкент илмий мактабининг жаҳондаги мавқеини яққол намоиш этган эди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқлари сифатида ўзбек шарқшунослари томонидан Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғо-

ний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Тарағай Улуғбек каби алломаларнинг буюк илмий мероси нашр этилганини таъкидлаш жоиз.

Атом энергетикаси ҳақида мухтасар фикр.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот муттасил ўсиб бораётган экан, электр энергиясига эҳтиёж унданда тезроқ ортади. Иқтисодиёт қонуни шу. Юртимизда электр энергияси асосан газ ва кўмир ёқиш йўли билан иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилмоқда. Бу – чекланган усул, зотан, газ ва кўмир қазиб олишни узлуксиз ошириб бўлмайди. Ўзбекистон – серкүёш ўлка, аммо күёш энергиясидан электр олишнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Улардан энг асосийлари – күёш панелларига нисбатан аккумуляторларнинг қимматлиги, ишлаш вақти нисбатан қисқалиги ва муддати ўтаб бўлганларини утилизация қилиш осон эмаслиги. Президент Ш.Мирзиёев Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида ўтказилган учрашувда атом электр станцияси истиқболли соҳа экани, 25 фоизгача электр энергияси АЭСларда олинишига эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Афсуски, физикадан йироқ соҳалар вакиллари ОАВ орқали бу ғояни танқид қилиб келмоқда. Уларнинг даъвосича, “АЭС хавфли, Чернобилдагидек фожиа юз бериши мумкин”. Таасуфки, илмий жамоатчилик, хусусан, физик академиклар “тошбўрон”га учрашдан чўчидими, бу сира иддаоларга жавоб бермади. Бизнингча, АЭСларни бир томонла-

ма танқид қилувчилар ноҳақ. Биринчидан, Чернобиль ва Фукусима фожиалари “АЭС хавфли” экани эмас, балки лойиҳалаштириш ва тасарруф этишдаги хатолар оқибатида юз берган. (Чернобилда ширакайф ходим реактордаги жараёни секинлаштириш тугмаси ўрнига тезлаштириш тугмасини босиб юборган. Фукусима станцияси эса кўрфазда қурилган. Маълум бўлишича, океан тўлқини кўрфазга кирганда кучаяди.) Электр энергияси олишнинг энг кенг тарқалган воситаси ГЭСлар экани маълум. Аммо 2009 йили Россиядаги Саян-Шуша ГЭСида фалокат рўй берди-ку, хўш, ГЭСга қарши ҳам курашиш керакми?! Ёки иссиқлик электр станцияси ходимининг янглиш ҳаракати билан фавқулудда хатарли ҳодиса рўй бермайдими? Юртимиз сейсмик фаол ҳудудда жойлашган, бироқ Япония биздан-да кўп ва кучли зилзилалар ватанидир. Шунга қарамай, Кунчиқар ўлка атом энергетикасини ривожлантиришдан тўхтагани йўқ.

Иккинчидан, юртимизда уран конлари бисёр. Кўмир ва газдан фарқли уранимиз захираси юз йилларга етади. Шундай бойлигимиз бўлатуриб, ундан фойдаланмасак, ҳайҳотдек томорқасига битта чўп суқишга ҳам ярамайдиган деҳқонга ўхшаб қолмаймизми?!

АЭС тўғрисида сўз борганда яна бир омилни назарда тутиш лозим – тўртта блокли станция мамлакатимиздаги газ етишмовчилигини тўлиқ бартараф этиши мумкин. Тўғри, АЭС кўп миқдорда чучук сув сарфлайди. Аммо бошқа томондан у сувни чучуклаштирувчи қурилмалар ичида энг самаралисидир. Ҳудудларимизда шўр-

ланган ерости сув захираси кўплиги ҳисобга олинса, АЭС чучук сув муаммосини ҳал этишда ҳам муҳим ўрин тутати.

Учинчидан, АЭС лойиҳасини танқид қилаётганлар ўзбек ядрочи физикларининг илмий салоҳияти ва тажрибасидан беҳабар бўлса керак. Кўплаб физикларимиз Атом энергетикаси бўйича халқаро агентликда мутахассис бўлиб ишлаган. БМТ қошидаги мазкур тузилма айнан АЭСлар тасарруфи ва хавфсизлигини назорат қилди. Академик Беҳзод Йўлдошев эса етакчи олимлар қаторида Европа ядро тадқиқотлари марказининг (CERN) Ҳиггс заррасини аниқлаш тажрибасида иштирок этган.

Сираси, Ўзбекистонда ядро физикаси ва ядро энергетикасини ривожлантириш учун кадрлар ва хомашё базаси етарли.

Академия салоҳиятининг тимсоли. Мақолани академиямиз илмий салоҳиятини кўрсатувчи рамзий далил билан яқунлаймиз. Геологларимиз томонидан Ўзбекистон тоғларидан фанга аввал маълум бўлмаган нодир минераллар топилган. Жумладан, **хамрабаевит** – академик Иброҳим Ҳамробоев (1920 – 2002), **мавляновит** эса академик Ғани Мавлонов (1910 – 1988) номи шарифи билан аталган. Бундан ташқари, Самарқанд яқинидан топилган яна бир минералга **авиценнит** деган ном берилган. Ўзбек фани шон-шуҳратини оламга ёдиган бу каби далиллар бошқа йўналишларда ҳам оз эмас. Ютуқлар йил сайин кўпайиб бориши шаксиз. Ёш олимларимиз устозу салафлари ишини давом эттиришига ишончимиз комил.

Наргиза ОДИНАЕВА

Dard totini aytib bering, shoir-oy

Отаяорт

Бобом айтган дostonлардай тўлиб келдим,
Бойсунчинор шохларига рўмол илдим.
Алтомишининг болалари ўсган юрт бу,
Дўмбиранинг ўркачидан қараб билдим.

Тунларига ой эргашар бахт бергани,
Қалдирғочлар эшик қоқар исингани.
Қуёш кулиб мўралайди Боботогдан,
Бунда бир эл қуёшлар бор исингани.

Одамзоднинг тугилиши бир тўй, момо,
Осмон гумбаз, замин асли бир уй, момо.
Айтсам, шеърим жўр бўлади чанқовузга,
Тўлқинида юрак оққан қай куй, момо?

Адоги йўқ согинчларга бўлдим сингил,
Яшил қушман, яшил уфқлар томон кўнгил.
Чанқаб турсам, Амударё чайқалади,
Нур узатар Термизийдек уйгоқ бир дил.

Томирлари томиримга туташ диёр,
Мен шеър айтай, осмон бўйи гуллаб юбор.
Ўнг елкамда ўтирибди алпомишлар,
Юрагимда кишнаётган Бойчибор бор.

Кулочингни шамолларга озод қўйгил,
Бедор ўтсин шоир зоти, шеърга тўлгил.
Кўёш билан сўйлашиб юр ва то абад
Алпомишнинг авлодига Ватан бўлгил.



Гунг қўшиғи

Ўн беш кун тўлган ойнинг дардларини тилайман,
Оққанот турналарни юрагимга берайман.
Чўғ босган раққосига қисмат тутган коинот,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Уфққа оққан куйлар остонамда бўй етган,
Жавдирайди юрагим, ҳар тун азоб тўй этган.
Йўл теролмай кўнглимнинг сарҳадига ўт кетган,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Шамолдай чопиб кўрдим, бир нуқтада қотиб ҳам,
Тошлардан қутулмайсан минг осмонга отиб ҳам.
Кўзларим кулиб тургай оловларга ботиб ҳам,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Йил думалаб йилларнинг борар шоми қорайиб,
Ёрилган пешонамни шабнамларга қўй чайиб.
Бобоси гунг атторнинг савдосида не айб,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Ёмгир – согинч исими, шоир гамга эрками,
Дунё огиб кетарди бўлмаганда бир ками.
Хайқираман чўғ босиб: “Азоб – руҳнинг байрами!”
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Шоир-эй

Бугдой бўлиб кўкарайми, райҳон бўлиб гуллайми,
Дилни ёмгир аллалаган баҳор қайта келгайми?
Юрагимнинг тўлгогини учган турна билгайми,
Бу баҳорнинг чин отини айтиб беринг, шоир-эй.

Айвондаги мусичанинг кўзларида жимлик бор,
Ерни босган ҳар одамнинг қисматида “ким”лик бор.
Кўёш чиққан тўрт томонда яҳудий бор, римлик бор,
Ватан деган дард тотини айтиб беринг, шоир-эй.

Куз йўлини бошлаганда шафтолининг баргидан,
Мен тўзимлар тилагайман дарахтларга Тангридан.
Асл қўшиқ бошланади борлиқнинг қай рангидан,
Кўнгил адабиётини айтиб беринг, шоир-эй.

Сафари йўл шамолнинг, тош ўрнидан жилмайди,
Дор ўйнаган мардум ҳали мардлигини билмайди.
Шеър дунёга сигмай борар, кўнглим шеърга сигмайди,
Туйгуларнинг меҳробини айтиб беринг, шоир-эй.

Умр умр бўлгай ҳануз ой-йилларга ўраниб,
Осмонларга тикиламан қизгалдоқдек тебраниб,
У тобора кўринади капалакка айланиб –
Бу эртақнинг муродини айтиб беринг, шоир-эй.



Хуршид АБДУРАШИД



О'ша мен эдим-ку, о'ша мен эдим

Ҳижронга илк қадам

Кўзёшлар мавзуси эскириб қолди,
бошланар лаҳзада айрилиқ дарси.
Худди ҳар галгидек кетишинг олди
бирор калима айт видога қариши.

Йиртилар муҳаббат варақалари,
сочлар қўл изидан бўлади халос.
Сени кўп севардим, ҳаддан ташқари,
билмам, бу айрилиқ кимдан иқтибос?

Гарчи тўхтамагай бешафқат умр,
шовуллаб кунларни қумдай тўқади.
Васлинг кўзни юмиб очгулик зумдир,
кўзларинг селида кўнглим чўқади.

Ҳижронга биринчи қадам ташлайсан,
кетасан, руҳимда сокин бир аҳвол.
Нега тушиларимга кира бошлайсан,
менинг ҳаётимга кирмаган аёл?!

* * *

Деразанг ёнига қўнди кабулар,
Илкида ўроглиқ мактуб бор эди.
Сенга боқиб турган маънос кўзлари
Шу онда недандир умидвор эди.
Сен эса пардани ёпиб қўйдинг жим,
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Кўчага чиқдинг сен боғ айлангани,
Дайди шамоллардай хаёлинг тарқоқ.
Боғ кезиб юрардинг, шунда ногаҳон
Оёгинг остига тушиди бир япроқ.
Ўша япроқ каби сочилганди ким?
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Боғда гуллар тердинг авайлаб аста,
Ногоҳ қўлларингга санчилди тикан.
Нозик қўлинг билан сугурдинг уни,
Дединг: "Шундай гулда тикан бор экан..."
Сенга талпинганди шу тикан, гулим,
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Сўнг қайтдинг уйингга ўй суриб сокин,
Дераза ёнига қўйдинг гулларни.
Тин олмоқ дардида чўкдинг тўшакка
Ва йиглаб ўқидинг "Ўткан кунлар"ни.
Кимнидир ўйладинг, кўзлари сим-сим,
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим...

Ёлгон зарур

Корнинг оч-у, кўркам шаҳарда
Сим қоққанда онанг ногаҳон
Шунда бир оз ёлгон зарурдир
Демоқ учун: "Тўқман, онажон!"

Қарар экан умидбахш кўз-ла
Севгилингдан сен кетар чоқда,
Шунда ёлгон нақадар зарур,
"Қайтиб келаман", деб айтмоққа.

Ишонмасанг дўстларингга ҳам,
Манфаатин қўйсалар устун,
Бирор ёлгон уйлаб топ, тамом,
Дўст мақомин сақламоқ учун.

Бизни, ахир, қандай чўчитар
Бор виждоннинг элас излари.
Ҳадик солар, шоир айтгандай:
Ҳақиқатнинг мудҳиш кўзлари.

Кун кўрамиз шу ёлгон билан
Ҳақиқатни ямламай ютиб.
Ватанни ҳам алдаб севамиз,
Алдовларга мукофот кутиб.

Мен ҳам гоҳо тонсам рост сўздан,
Ёлгончи деб босмангиз муҳр.
Алданиб ҳам бахтлидир инсон,
Бахтга ёлгон нақадар зарур...

Наҳот қўшигинг йўқ

Раҳматжон ҳофиз хотирасига

Айтилмасдан қолган қўшиқдир юрак!
Чалинмасдан қолган куйдир бу кўнгил.
Сегоҳнинг иккинчи бандида ногоҳ
Ўт кетди вужудга,
Куйди бу кўнгил.

Ҳофиз саси битди.
Тинди мусиқа.
Сукутга эврилди қадим нолалар.
Наҳот, куйнинг умри шу қадар қисқа,
Ўлим мангу сафар куйини чалар...

Оҳиста ўрмалаб чумоли каби
Қулогинга кирар сирли бир овоз.
Дунё ўзга энди – бу дунё ажиб,
Табиб сувратига кира бошлар соз.

Лазгига уланди. Юксак парда, оҳ!
Бирдан тинди қўшиқ. Мусиқа битди.
Ток ўчмади. Йўқ, йўқ. Сукунат ногоҳ.
“Олағўз, гал бари...”
Келмади, кетди.

Қай мақом ичига беркинди ҳофиз,
Қайси авж пардадан қўним топди ул?
Тор ўз соҳибидан қолдими ёлғиз,
Бу богдан бош олиб кетдими булбул?

Сен ҳам маҳзун,
мен ҳам гамнишин бўлдим,
Кўксимни ушлайман, бир лахча чўғдир.
Нега титрамайсан, эй далли кўнглим,
Наҳот, айтадиган қўшигинг йўқдир?!



*Сўнган юлдузларнинг энг сўнги шуъласи
бизга миллион йиллардан сўнг етиб келади.*

Чингиз АЙТМАТОВ

Катэна,* бир кун келиб сизга ичимда борини тўкиб соламан, деб кўнглимга тугиб қўйган эдим. Бундан мени нима тўхтатиб турган, нени кутганман – айна дам бу саволга жавоб тополмаяпман. Балки кўнглингизни оғритишдан андиша қилгандирман; ҳарҳолда, мен Сизни тик қарашга мажбур этмоқчи бўлганим – бир қизалоқни эрта улфайтирган ҳақиқатлар...

Ўзининг айтишича, Моҳирахон элликка яқин ҳикоя ёзган. Вой-бў! Таптайёр ёзувчи! Ахир, беш-ўнта нарса машқ қилган ҳаваскор ҳадеганда ўрнини тополмаса, бу машғулотни тарк этади, четга чиқади. “Курашга тўймаслар”дан эса кўрқинг, бир кун келиб улар барибир кучини кўрсатади ёки умр бўйи куйдиради – ўзини ҳам, китобхонни ҳам.

Лекин, муаллимиз таъбирича, ёзилган ўша эллик ҳикоянинг кўпчилиги “бўлмағур”. Тўғриси, ана шу мардона эътироф менга маъқул келиб, улардан айримларига (“Катэна”, “Қайтиш”, “Олов рақси”) кўз югуртириб билдимки, қолганлари ҳам жуда унчалик “бўлмағур” эмас – ўқиса, дастурхонга кўйса бўлгулик.

* Катэна – буйи (шева)

Катэна, Сиз энди йўқсиз.

Авваллари қачондир келиб бу ҳаётда бўл-маслигингиз мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлама-ганман. Бугун тонг саҳарда яна қаттиқ бақириб уйғониб кетдим (бу касаллик Сиз ва аямгагина маълум ўша фалокатдан бери менга ҳамроҳ). Тушимни эслаёлмайман, нега бақирганимни ҳам. Кейин эса доимгидек эрталабгача мижду қоқмай чиқдим...



Мархумлар билан сўзлашиб бўлмас, аммо уларга истаганча гапириш мумкин. Улар – жавоб қайтармайдиган тингловчи. Илгари айтмоққа журъат этмаган бўлсам, демак, ожиз бўлганман. Ожизлар эса бориб-бориб аламзадага айланади. Айни дақиқада қоғоз қоралаётган эканман, бунга ўша – уйқусизлик касалим сабаб, мақсад эса кўнгилдаги тугунни ечмоқдир. Мактубим сизга етиб боришига жавоби келмаслигига ишонганим каби ишонман, катэна!

Бугун ҳақиқатни ёзмоқчиман (ахир, ҳаммининг ўз ҳақиқати бўлади-ку!). Кўнглимдагиларни ҳеч бўлмаса бир марта оқ қоғозда ошкор этай. Сўздан – ҳис қилаётганларимизни, ўйларимизни яшириш учун фойдаланамиз аслида. Биз, инсонлар шунчалик худпарастмизки, ҳатто кимдир-бирова кузатиб турмаган қоғоз қаршисида ҳам қалбимиз дарчасини охиригача очмаймиз...

Катэна, Сиз мени ўзингиз тўғри деб билган қолип ичида катта қилдингиз. Аммо менинг ўй-хаёллариму фикрларим қолипнингизга сира-сира тушмади. Хайриятки, ҳаёт ўзи ва бошқа Одам болалари каби мени ҳам иккиюзламачиликка ўргатган. Шу мунофиқликлар ичида камёб бўлгани – ҳақиқатни Сизга атадим.

Бу машқларнинг эътиборни тортган асосий жиҳати – аксар ёш қаламларга (уларнинг ном таратган баъзи ака-опаларига ҳам) ҳос китобийлик ва услубда чучмал, серҳашамликдан қочишу ҳолатлар тасвирида чинсўзликка, моҳиятга интилиш. Ҳа, хонадон анъанаю арконларини қўлида маҳкам тутган буви ҳақидаги “Катэна”дек биргина ҳикояни аввал элликта “бўлмағур” нарса қоралаб кўрмаган одам ёзолмайди.

Адабиёт ишида башоратгўйлик ҳар доим ҳам ҳосиятли эмасдир. Ундан кўра умид қилган ўнғайроқ. Умидки, Моҳира Эшпўлатова ҳали бундай ҳикоялардан кўпини ёзиб бизнинг ишончимизни оқлагай!

Э. А.

Катэна, яхшиямки... ўлгансиз. Акс ҳолда, мен Сизни яхши кўришимни, яхши кўргандаям кўрқув, мутелик билан яхши кўришимни англаб етмасдим. Худди бандилиқда туғилган қуш ўз қафасини севгани каби...

Афсуски, одамлар бизни тарк этгачгина ҳаётимиздаги ўрни қай даражада муҳим бўлганини англаймиз. Катэна, сизга мактубим етиб бормоғи учун уни ёқиб юбормоқчиман. Бу дунёда аввал бор, сўнг йўқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси у дунёга йўл олишига инонаман. Зеро, бу ҳаётда ишончу умиддан бошқа бисотим йўқ.

Менинг исмимни сиз қўйгансиз. Нега айнан шу исм – буни билмайман. Ҳеч сўрамаганман. Ва туғилиш гувоҳномасига дадамнинг эмас, аямнинг фамилиясини ёздирганингиз сабабини ҳам суриштирмаганман. Нега? Чунки Сиздан кўрқардим. Ҳа, катэна, мен Сиздан ҚЎР-ҚАР-ДИМ! Бунинг ҳам боисини билмайман. Балки, оиламиздаги ҳамма Сиздан кўрққани ёки ҳурмат қилгани учундир. Ҳамма набираларингиз бобомнинг номини олган, нега менга буни раво кўрмагансиз? Эҳтимол, аям билан тез орада кетишимизни билгандирсиз? Қайдам...

Ҳа, мен эсимни ота уйимда эмас, она томондан бобомникида танидим. У ерда ҳамма менга меҳрибон эди, оиланинг эркаю арзандаси эдим. Бироқ доим дадамга кетгим келарди. Киноларда кўрганман: қизча отаси томон югуради, ота эса қизалоғини қучоғига олиб, кейин осмонга отади. "Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари ёдимга тушади", деб ёзган эди бир адиб. Мен эса болалигимни эсласам, Сиз ёдимга келасиз. Олам ҳақидаги илк тасаввурим қачон уйғонганини билмайман, лекин энг биринчи эслайдиганим – Сиз.

Эсингиздами, оч яшил, енги калта, майдақавиқ чопонингиз бор эди. Ўшани менинг устимга ёпиб, оёғингизда аллалаб ухлатардингиз. Оёқ учида ёстиқ, кўрпачам – оёғингиз, кўрпам – ўша чопон... бу менинг илк хотирам. Бешик эмас, онамнинг кўкраги эмас, уйимизнинг ёғоч шифти эмас, сизнинг оёқда аллалаётганингиз! Шу манзарани эсласам, қулоғим остида аллангиз жаранглайди: "Аллооо, аллооо, алла, ҳей, Талқооон, талқооон, талқон туй..." Бу сўзларнинг маъносини набиранингиз анча кейин англаб етди, катэна. Эслолмайман-у, аммо аям айтган эди: кичкиналигимда оғзи ёпилмайдиган қиз бўлган эканман. Жим бўлмаганим учун "талқон туй" деган экансиз. Талқонни оғзига олган одам жим бўларкан. Аммо ҳозир ҳам ўшандайман, мен оғзимда талқон туя олмай ўтиб кетсам керак, катэна!

Аям билан дадамни ажрашиб кетишдан мен сақлаб қолганман – ўзингиз шундай деган эдингиз. Ўша воқеалар кечагидек ёдимда, лекин ҳозир ёзгим йўқ. Чунки ёзиш – у кунларни қайтадан яшаш, ҳаммасини, ўзингникига қўшиб аянгнинг ҳам изтиробларини ҳис этиш дегани. Сиз буни қаердан ҳам билардингиз?!

Аям – эпсиз келин, унинг бундан-да катта “гуноҳ”и – ўғлингиз уни севгани эди. Сиз ўзингиз танлаган оилалар билан қуда бўлиб келгансиз, ҳамма фарзандингиз тақдири шундай ҳал этилган. Биргина дадам “муқаддас” анъанани бузмоққа журъат қилган. Ва бутун ҳаёти давомида унинг товонини тўлаб яшади. Наилож, кемага тушганнинг жони бир деганларидек, бу бадални оилавий, бирга тўладик.

Сиз на аямни ва на мени хушладингиз. Ҳали тилиям чиқмаган гўдак – мени бошқа набиралар қаторида кўрмаслигингизни ичичимдан сезар эдим. Аямнинг бошидан кўп оғир кунлар ўтганини сочларига эрта қўнган қировлар сўйлаб туради. Сиз ўшанда кун келиб бировнинг эшигида сағира бўлмаслигим учун онамни қайтариб келишларига кўнгансиз. Бу менга қилган энг катта яхшилигингиз бўлгандир, эҳтимол.

Эсингиздами, катэна, кичкиналимдан телевизор жинниси эдим. Битта сизнинг даҳлизли хонангизда телевизор бўларди. Мен эртдан-кечгача ўша оқ-қора қути тагида ётардим. Бу Сизга ёқмасди. Бирон ёққа кетсангиз, телевизор “қулоғи”ни беркитиб кетардингиз. Уйни ағдар-тўнтар қилиб бўлса ҳам уни топардим. Сиз буни пайқамасдингиз. Кечалари кино кўриб ухлаб қолсам, соат неча бўлишидан қатъи назар, елкангизга опичиб, дадам-аямнинг ётоғи остонасида қолдирардингиз. Кўзимни очмасдим-у, аммо юрагингизнинг дук-дукини ҳис этардим. Ва қулоғим остида қолган кавушингизнинг тақ-туқи...

Кавуш! Сизнинг кавушингиз кўп эди-а, катэна? Қаерга борсангиз, мосини оёғингизга илардингиз. Мен эса уларни кийишни яхши кўрар, кавуш судраб катта бўлган эдим... (Аммо менга сизнинг кавушингиз тегмади.) Ишонасизми, тушларимга киради кавушнинг бир меъёрдаги тақ-туқ овози. Тақ-туқ, тақ-туқ, тақ-туқ... Тизза букмай қадам босишингиз, гавдани тик тутишингиз, қўлингизни орқада чалмаштириб юришларингиз кўз олдимга келади... Ооо, кимлар ҳавас қилмасди сизга! “Қарисам, Саломат момодек бўламан” деганлар ҳам бор эди. Мен эса сизни ёмон кўрардим...

Ҳовлимиздаги анорзор эсингиздами? Таърифи етти маҳаллага кетган эди у анорларнинг. Ҳар туридан бор эди ўзиям. Сув эмас,

анор шарбати ичиб катта бўлдим десам ҳам бўлади. Анорларнинг энг сарасини омборхона шифтига илиб чиқардик. Бу юмушни эринмай қилар эди янгаларим. Урилган, “тиржайган”, майда – бир сўз билан айтганда, ўзимиз ейдиганни ёғоч чорпоя устида қолдирардик. Мен ҳеч қачон уларни емасдим, катэна! Бензиндан бўшаган “бак”ни думалатиб келиб, устига чиқардим; айри чўпда шифтдан анорларнинг энг сарасини олиб ердим. Қўлим етадиган жойда ҳам бор эди, лекин мен бўйим етмайдиганига осилардим. Катэна, сиз буни билмасдингиз, билсангиз хивич билан қувардингиз! Аммо мен ўша кезлардаёқ қийин йўлдан юришни маъқул кўрган эканман. Бўйдан баланд дорга осилиш қўндоқда теккан экан. Агар ўшанда кўриб қолиб, таёқлаганингизда, балки бу одатимни ташлармидим?..

Янги йил байрамида бутун оила хонангизда йиғилардик. Сиз вафот этган йилнинг байрам кечасида мен болалигим ўтган уйга кириб бордим. Борингизда базўр келган мени йўғингизда нимадир судраб келди, катэна. Хонага киришга шошмадим. Ҳовлини, тандирхонани, омборхона томонларни, чорпояни, дарахтларни томоша қилиб ташқарида қолдим. Ҳаво совуқ, осмон қоп-қора. Шунда бир манзара – аввал сира бу ҳақида ўйламаган эканман – эътиборимни тортди: кўмиб қўйилган анор дарахтлари қабрларга ўхшаркан, катэна! Сизсиз ҳовли-жой қабристонга айланаркан. Мен эса... мен эса Сизни ёмон кўрардим! Бунга сабаблар бор эди, албатта.

Неча ёшда эканим эсимда йўқ (Сиз мени ўзингиз билан ҳеч қаерга олиб бормасдингиз, аммо набирангиз ҳам ўзига етганча қайсар: ортингиздан қолмасди), ҳарқалай, туғилган куним эди. Куз. Октябрь. Ҳаво ажойиб. Ота юртингизда тўй. Қариндош-уруғ машиналарга ўтириб тўйхонага отландик. Мен йўлни яхши кўраман. Қанча узун бўлса, қанча нотаниш бўлса, шунча соз. Сизлар билан бирга тўйга кетаётганимдан шунчалар хурсанд эдимки, буни туғилган кунимга Сиз томонингиздан берилган совға деб қабул қилдим.

Машинада ёш болалардан мен ва аммамнинг қизи Райҳон бор эди, холос. Ҳали ёқимли ифори кетмаган янги “Дамас” дамиз. Аммам “Райҳон орқада ўтиролмайдди, кўнгли айниши мумкин”, деб қолди. Мен байрамона кайфиятдан маст эдим, “Маили, менинг ўрнимга ўтақолсин, менинг кўнглим айнимайди”, дедим. Райҳон билан ўрин алмашдик. Буни аммам табиий қабул қилди. Сиз эса:

– Ҳа, энди сен икки уй арасида энанг билан боровриб-келовриб йўлга кўникиб кетгансан-да... – дедингиз.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Назаримда, ҳатто машина ҳам менинг устимдан кулаётгандек бўлди... Сизлар маза қилиб кулардингиз, мен эса ёлғизлигимдан, ҳимоясизлигимдан, бошқаларга ўхшамаслигимдан, набираларингиз ичида фақат мени ёмон кўришингизу камситишингиздан хўрлигим келиб йиғлар эдим...

Катэна, ўшанда мен бора-боргунча йиғлаб кетганман. Аммо буни ҳеч ким, ҳатто ўта синчков бўлган Сиз ҳам сезмадингиз. Мен овоз чиқармай, юрак-юрагимдан йиғлардим... Тўй ҳам, туғилган кун ҳам, юрагимда олов бўлиб ёнган байрамона кайфият ҳам учди-кетди. Ҳатто октябрнинг мафтункор манзаралари энди кўзимга телевизорингиз каби оқ-қора кўринарди. Сизни шунчалар ёмон кўриб кетдимки!..

Навоий шаҳрида – ўқишда эдим. Зинадан йиқилиб, юролмай қолганингизни эшитдим. Саксон беш ёшда ўжарлик қилиб, узун зинадан ўзингиз тушмоқчи бўлибсиз. Сиз доим ҳамма нарса менинг назоратимда бўлади, деб яшаб келдингиз. Ҳолбуки, вақт ва кексалик мутлақо бўйсунмайди. Буни тан олмадингиз. Токи йиқилиб тушгунингизга қадар...

Сизни кўргани бордим. Пастак эшикли, кичик даҳлизли хонангизга бош эгиб кирдим. Вассажуфт шифт печкадан чиққан тутундан қорайган. Уй деворлари тутун изини яшириш учун оқлангани билиниб турибди. Кирарканман, кўзим дастлаб рўпарадаги деворга дидсизларча осиб қўйилган учта расмга тушди. Уларнинг бири кататам* бўлса, қолганлари Сизнинг ота-онангизнинг суратлари эди. (Улар ҳозир ҳам ўша жойда, фақат ҳозир рамкалар боғланган ипларга вақт ўз ҳукмини ўтказган – улар аста-секин чириб бораётир.)

Хона тўрида икки сандиқ бор. Болалигимиздан буюмларингизга қўл теккизмасликка ўрганганмиз – қўрқармидик... Аммо қўш сандиқ мени ҳаммиша сирли тарзда ўзига тортиб турган. Болалигимда уларнинг бирини Зумраднинг, иккинчисини эса Қимматнинг сандиғига ўхшатардим. Калит буралса, қопқалари ёқимли куй чалиб очиларди. Уларнинг ичида нима бор, буни ҳеч-ҳеч билмаганман. Ўша куни эса, устига кўрпа-кўрпача йиғилганига қарамай, сандиқлардан бирининг оғзи қия очиқ, чамамда, ичидаги нарсаларнинг кўплигидан ёпилмаган эди.

Каравотда ётган экансиз, эшиқдан киришим билан кўзларингизни қисиб, менга узоқ тикилдингиз. Салом берганимдан кейингина танидингиз, юзингиз қувончдан порлаб кетди. Хира тортган нигоҳларингизда ҳам табассум жилва қилди. Мени кўрганингиз-

* Кататам – бобо

дан хурсанд эдингиз ўшанда, катэна! Ҳар доимгидек уйдагилар, қўни-қўшни, курсдошлариму устозларимгача – ҳамма-ҳаммани сўрадингиз. Хотирангизга ҳавас қилса арзийди: ҳеч кимни, ҳеч нимани ёддан чиқармайсиз. Мен бир оз пастроққа, кўрпачага ўтирдим.

“Мана мунда кел” деб ёнингизга чақириб, ўзингиз ўтиришга уриндингиз. Орқангизга эски, оғир парёстик қўйдим. Кўрпача чети-ни кўтариб остидан ниманидир қидираётганингизни кўриб:

– Нимейди, катэна? – деб сўрадим.

– Жилопимни* ечиб шу ерларга қўйгандим, қара, сени кўзинг кўряптими? – деддингиз.

Бир-бирига кийдириб, коптокча қилинган пайпоғингизни топиб, кийдирмоқчи бўлсам, қўймадингиз...

Кўришмаганимизга анча бўлган эди. Кексалик белгилари аён бўла бошлаганини сездим. Назаримда, Сиз ўлим билан юзлашиб, у ҳақда ўйлай бошлаганингиздан сўнгина қарилик ўз ҳукмини ўтказишга тушган. Ҳол-аҳвол сўрадим, Сиз эса доимги табассум билан “Яхшиман, мана, Худо деб ўтирибман”, дея жавоб бердингиз. Кўнглим бир оз жойига тушди, аммо кўзингизни юпқа, сийрак тумандек парда қоплаганини кўриб турардим. Чўкиб қолган эдингиз.

Ўша куни Сиз билан биринчи марта чин дилдан суҳбатлашаётганимдан ўзгача бир роҳат, хотиржамлик туйганман, катэна! Орзумдаги меҳрибон, мулойим, самимий, ҳазилкаш бувига айланиб қолгандингиз. Аёл киши учун оила биринчи ўринда экани, қолган юмушлар, ўқиш, иш, карьера (бу сўзни айтолмай мени роса кулдирдингиз) – ҳаммаси мавриди билан бўлаверишини уқтирддингиз. “Ҳаётим аямникидек бўлмасин дейман, шунинг учун турмушга чиқишга шошмайман”, дедим. Айрича муносабатингиздан ўзимни йўқотиб қўйдим шекилли, кўнглимдагини Сизга, умуман айтмаслигим керак бўлган инсонга айтиб юбордим. Икки кучли аёл зиддиятидан жабр кўрган учинчи аёл... буни Сиздан яширишда ҳеч бир маъни кўрмадим. Ўшанда кўзларингиз бошқача – ҳув авваллари менга танбеҳ берган кезлардагидек ёнди.

– Энанг ёшлик қилган. Тезоб эди. Мен уни одам қилмоқчи бўлдим. Ҳаммаси бекор, агар ўзингда, қонингда бўлмаса... Лекин томирингда бизнинг қон оқяпти. Сен аянга ўхшамайсан, бизларга тортгансан. Эҳ-ҳэ, ота-бобонг қандай бой, қандай ўқимишли одамлар ўтган! Мозийдан гап очиб бошингни шиширмоқчимасман. Лекин билишинг керак...

* Жилоп – пайтоқ

Ўша куни менга гоҳ ўзингиздан, гоҳ бошқалардан эшитган шонли ўтмишимизни айтиб бердингиз. Аммо негадир мен улардан фахр ҳиссини туймаганман. Ҳарҳолда сизчалик.

– Тўйингни кўргим келяпти, – дедингиз аллатавр мунг билан. Буткул бошқа мавзуда гапираётгандингиз, бу гап ҳам, оҳанг ҳам менга ғалати туюлди. Уй тўридаги сандиқларга ишора қилдингиз:

– Менинг сепимдаги сандиқ, ичидагиларни сенга атаб йиққанман. Қара, ана, оғзи ҳам ёпилмай қолди. Бу сени сотадиган пайт келди дегани!

Ёйилиб кулдингиз.

Шундай дилдан суҳбат қуришимизни қанчалик орзу қилганман, катэна!

Одам одамга бериши керак бўлган энг осон, энг арзон неъмат – меҳрни нега бунча кеч топдим Сиздан? Нега бунча эрта йўқотдим? Ўша суҳбат мени қаттиқ ларзага солди. Дафъатан Сиз ҳам омонат бўлиб қолганингиз, олдинги гиналарни унутиб, ёнингизга тез-тез келиб туришим кераклигини ҳис этдим. Ўша лаҳзада менга яна бир нарса аён бўлди: нимаики хаёлимга келса, у ҳаётимга ҳам кириб келади!

Омонат экан, катэна, ҳамма нарса омонат экан!

Омонатим! Ростини, шу гапларни ўйлаётганда, роппа-роса бир ҳафтадан сўнг – жума куни эрталаб жонингиз узилиши хаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтмаган.

Ҳаммамиз ғамга ботдик. Ҳатто қора сандиқни ҳам қайғунинг қора ҳарир пардаси ўрагандек эди. У ярим очиқ оғзи билан гиря айтарди гўё. Унсиз йиғлардим. Азада айтиб-айтиб йиғламоқ расм экан, мен – кўзёшларини ичига оқизиб, жим яшаган қиз эса ундай қилолмадим...

Ўлимни кўп ўйлайман... Биз албатта юзма-юз кўришамиз. Сизга олдин айтолмаган, мактубимга ҳам сиғмаган бир дунё гапларим бор, катэна! Унгача эса менга тухфа этилган ҳаётни муносиб яшаб ўтишим керак. Худди сиз каби!..

Мирзоҳид МУЗАФФАР



IZHORLAR

VA

IQRORLAR

Ўзимдан уялдим...

Икки йилдан бери Telegramдан бошқа бирор ижтимоий тармоқ воситасини фаол ишлатмайман. У ҳам асосан уйдагилар билан гаплашиш ва “Бобил кутубхонаси” канали учун. Facebook, Instagram, Twitterда саҳифа очганман, лекин фақат бир нима ёзиш учун кираман, холос. Деярли ҳеч кимни узлуксиз кузатмайман. Нега? Пайтида Facebookка танда қўйган йигитча қайси сабабга кўра у ердан бош олиб кетди?

Икки йилча аввал шундай бир ҳақиқатни тушуниб қолдим: мен аслида бошқа-

лар учун фикрлаётган эканман. Масалан, жамиятда бирор воқеа рўй беради, қандайдир масала омма эътиборига тушади. Мен дарров шу бўйича нимадир ёзиб, Facebookка қўймоқчи ё Twitterда сарказмга бой изоҳ қолдирмоқчи бўлардим. Кейин бирдан миямга урди: аслида мен мазкур воқеа, хоҳ у контракт нархи бўлсин, хоҳ газсиз ўтирган халқнинг аҳволи бўлсин – чинакамига қизиқмас эканман. Шунчаки овозимни бошқалар ҳам эшитсин деган мақсадда ёзаётган эканман. Бу ҳақиқат сабаб ўзимдан уялиб кетдим.

Мирзоҳид МУЗАФФАР. Анқара университети (Туркия) талабаси

Таппи ёқаётган оиланинг шароитини чуқур билмайтуриб, у ҳақида қулоч-қулоч пост жойлаш ўрнига ёлғиз қолган ҳолда нимадир ўйлашим, шахсий фикрим, қарашимни ўстиришим мумкин. Ва буни ижтимоий тармоқда эълон қилишим ҳам шарт эмас.

Мени қийнаган нарса айнан шу – самимиятнинг йўқлиги эди. Биз жамият муаммолари ҳақида гапиратуриб, қанчалик самимий муносабат билдираимиз? Ким учун фикрлаймиз? Ўзимиз ва муаммонинг ўзгигини ташкил қилган объект учунми ё бизни кузатаётган интернет муштарийлари учунми?

Интернетда бирон нарса ёзатуриб, унга қолдириладиган изоҳларни-да ўйлаймиз. Бу ҳам самимиятимизга қаттиқ зарба беради. Эшмат ундай ўйласа-чи, Тошмат тош отса-чи, деймиз. Ишонинг, бундай танқид ва сазойидан энг дангалчи блогерлар ҳам ҳайиқади.

Ҳа, энди нега “Бобил”га ёзаяпсан, десангиз, бу саҳифа менинг шахсий хонамдек гап. У ерда саҳнадагидек гапираман. Facebookда эса саҳна деган нарса йўқ, сиз ҳам фикр билдираётган улкан хордаги битта хонандасиз, холос. Хорда куйлаётган одам хорнинг қолган аъзоларига ҳам мослашиши керак ва бу унинг шахсий потенциалини ҳам ер билан битта қилади. Шахсий канал, яъни шахсий саҳнада эса сиз яккахон бўласиз, қилган хатонгизни тузатишингиз, ибрат олишингиз мумкин.

Боз устига, жамиятдаги ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалалар сизни қизиқтириши шартмас. Албат-

та, муносабат ва сергаклик ўта зарур, аммо кўлингиздан ўзгартириш келмаган жараёнга тиқилиш орқали фақат ўзингизни чарчатасиз, холос. Ва шуни унутмангки, бирор воқеа ё масала сизнинг асаб толаларингиздан кўра қадрлироқ эмас.



Ўзбекча ёзаман десангиз...

Менимча, мактабларимизда ҳам ўзбек тили худди IELTS тизимидек ўргатилиши керак. Албатта, грамматика ва фонетикани билиш муҳим, бироқ гап фақат бунда эмас.

Халқимизда ўз фикрини оғзаки ва ёзма етказиб бера олиш ҳамда ўқиганини тушуниб, идрок этиш кўникмаси тўлиқ шаклланмагандек. Эшитганини таҳлил қила оладиган одамлар ҳам ниҳоятда кам. Буни оддийгина Telegram постлари ёки Youtube видеолари остидаги изоҳларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, жамият ҳақидаги матнларда бир оз мураккаб сўзлар ишлатилса, дарров соддалик талаб этилади. Ё ўзига мослаб тушуниб оладия дарров қарғашга тушади. Худди шундай одамлар IELTSга тайёрланганида эса негадир инглизча изоҳлари бамаъни бўлади.

Бундоқ ўйлаб қаралса, халқимизнинг катта қисми А2 ё Б1 даражада ишлатади холос ўзбекчани. Б2 даражасидаги матн

ва нутққа келганда эса сўз бойлиги ва таҳлил қобилияти депсиниб қолади. Бу масалани чуқур ўйлаш керак, назаримда.

Чарльз Диккенснинг ўқисам инглизчама яхшиланади дегандек, “Ўткан кунлар”ни ҳам ўзбекчамаизни ўстириш учун худди ўша жиддият билан ўқийлик. Шунда тил борасида умум ҳолатимиз дурустроқ бўлса ажаб эмас.

Маҳобат замиридаги маҳорат

Менга архитектурада энг кўп ёқадиган услуб – брутализм. Унда бинолар цемент ва металлдан бир қарашда кўпол, аммо маҳобатли тарзда қурилади.

Брутализмнинг шундай фалсафаси бор: биз готика ё бароккодек ўта безанган, гўзал ва серҳашам бўлмаслигимиз мумкин, бироқ биз шу ердамыз, бизни кўришга, овозимизни эшитишга мажбурсиз!

Бруталистик бинолар кутилмаганда чиқади қаршингизга. Бу жой манави бионинг ўрни эканми дейсиз-у, барибир унга тан берасиз. Уларнинг айнан мана шу “овози” мен учун муҳим. Ундан аллақандай жимжимадор эстетикани ҳам талаб қилолмайсиз. Сизга ёқса-ёқмаса, у мавжуд.

Бруталистик биноларга Тошкентдаги давлат цирки, “Ўзбекистон” меҳмонхонаси, “Туркистон” санъат саройини мисол қилиб келтирса бўлади. Дипломатия университети биноси ҳам менга неоконструктивизм ва брутализм қоришувидек туюлади.

Бугун дунёда бу йўналиш янги босқичга кўтарилган. Қизиққанлар Заҳа Ҳадид асарларини кузатиши мумкин.

Ифорлардан илҳом олиб

Бугун Пруст кайфиятидаман. Кичик буюмлар катта хотираларни яратадиган фаслда...

Икки йилдан бери турли ифорларга бўлган сезгиларимнинг хотирамга таъсирини ҳис этиб юрибман. Масалан, ҳар гал димоғимга мушки анбар ифори урилганида бобомни эслайман.

Ҳар бир китоб учун алоҳида ифор танлайман. Масалан, “Кирка”га ўтиришдан аввал, оқшомлари Jean Paul Gaultier, “Нью-Йорк трилогияси”да Chanel Blue L’Homme каби ифорлардан илҳом олар, уларни ҳидлагачгина ўша кайфиятга кирар эдим. “Тахтлар ўйини”да Shea Butter & Almond қўл кремини танладим. Унинг иси ҳар димоғимга урилганида Винтерфеллнинг совуқ кечаларию Ёз оролларининг намхуш чошгоҳлари тушади эсимга.

Ҳидлар хотирамизни бунчалик таъсир остига олиши яхшими-ёмон – билмадим-у, лекин ёқимли экани аниқ.

Фақат янги танишингиз эски севгилингиз ишлатадиган атирдан сепганида ер билан битта бўлишингиз ёмон... Йўқса, ифорлар ва изҳорлар аро яшаш қанчалар гўзал, шундай эмасми?

Мангу яша, мағрур тилими!

Ўзбекчанинг туркий тилга хос ёвқурлиги, жанговар сўзларга бойлиги, айниқса, уруш саҳналарида қўл келади.

“Тахтлар ўйини” таржимаси жараёнида саройдаги юмшоқтабиат суҳбат саҳналарида бир оз қийналган бўлсам, жанг саҳналарида ўзбекчанинг кенг имконияти

қанотида эркин ҳис этдим ўзимни. Аслида, сарой лисонида қийналганим ҳам ўзимнинг айбим. Ҳолбуки, бизнинг минг йилга бориб тақалган “оқсуяк” атамаларимиз бор.

Инглизчада фақат “they fought” (“жанг қилдилар”) деб берилган жойларда бемалол ҳолатга қараб “олишдилар”, “курашдилар”, “урушдилар” каби ўнлаб сўзларни ишлатиш мумкин. Яна отлар, қурол-яроқ турлари, жанг чоғи янграйдиган ҳайқириқлар ҳам жуда ажойиб етказилади ўзбекчада. Масалан, аскарларнинг муҳораба вақти руҳланиш учун “урҳо-ур” деб бақиришини инглизчада ифодалаш амримаҳол. Ё жанг пайти байроқларни улар фақат “flag” деб берганда, биз “туғро”, “санжоқ” каби энг тоза туркийча сўзларимиз билан ифодалай оламиз.

Ўзбекчани, тилимизни шундай пайтларда яхши кўриб кетаман. Бўлади-ку, бола кезларингиз дадангиз ҳамманинг кўз ўнгида кучини кўрсатади ва сиз у билан самимий фахрланасиз, айнан ўша туйғу руҳимда уйғонади.

Яша, ўзбекча! Яша, туркийнинг бўйин эгмас мағрур тили!

Талқин ҳуқуқи

Кимга қанақа, билмадим, лекин мен “Алпомиш” дostonидаги Ултонтозни айблаш олмайман. Отаси уни шунчаки никоҳсиз туғилгани учун бир четга итқитади, ҳар қандай ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Мен унинг онаси Бодом бекачани ҳам қоралаш фикридан йироқман. Бойсари у билан айшини суриб, шунчаки ташлаб ке-

тади. Бу ҳолатда Ултонтоз ва Бодом бекачнинг қасос олишга ҳаққи йўқмиди?

Албатта, Ултонтознинг қилмишларини оқлай олмайсиз. Бироқ ота жароҳати ҳақида ўйлаб кўрсак, унга бахшилар берган жазо оғир туюлмасмикан?

Мен Алпомиш кетгач, синглиси Қалдирғочнинг ҳоли нима кечганини кўп ўйлайман. Аввалига Ултонтоз уни канизагига айлантириб олгандир, дердим. Йўқ, она бошқа бўлса ҳам ўз синглисини қандай қилиб канизагига айлантурсин? Бироқ чўри қилишга ҳаққи йўқмиди?

Отасининг сояи давлатида малика бўлиб юрган қиз падарининг айбини ювмоқ учун қасоскорга чўри бўлиши жуда қизиқ ҳолат. Бу ерда иккинчи планда қолиб кетган қўш қаҳрамон ўзаро таъсир доирасига тушади.

Умуман, роману дostonларда бош қаҳрамон биринчи планга чиққан вақтда иккинчи даражали қаҳрамонлар нима билан банд бўлгани ҳақида ўйлаш менга доим қизиқ туюлган.

Дейлик, “Сариқ девни миниб”да Ҳошимжон қочиб кетгач, онаси қай аҳволга тушганини кўрмаймиз. Бу бўйича жиллакурса кичик тушунтириш ҳам йўқ. Бунда ёзувчини ҳам айблаш нотўғри. Ҳикоянинг умумий қоидалари ўша – ғордаги ибтидоий даврлардаёқ суратлар орқали ёзиб бўлинган. Бироқ биз бу суратларга қараб ўқувчи ё умуман асарни қабул қилиб олувчи сифатида ўзимизга яраша изоҳ яратишда эркинмиз.

Ғор деворидаги буқа тасвирига қараб ўзимизча “Биз кеча қабиламыз билан кат-

та буқа овладик” қабалидаги турли ҳикояларни ярата олганимиздек, Алпомиш каби чинакамига халқимизнинг ибтидоий зеҳниятига тегишли асарларни ҳам ўз қарашларимиз орқали шакллантиришимиз мумкин. Майли, Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и ё Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”и бобида бунга ҳаққимиз йўқдир, чунки уларнинг эгаси маълум. Аммо адабиётнинг суд залида Ултонтозга адвокатлик қилиш, Бойсарини айбдор столига ўтқозиш бу – бизнинг авлодлик ҳаққимиз, ҳатто мажбуриятимиз. Модомики мифларни боболаримиз яратган экан, биз ҳам уларни ўзимизга мослаб келажак наслларга қолдиришимиз шарт.

Постмодерн адабиёт айнан шунинг учун яшаётир, айнан шунинг учун биз оригинал ғояга асосланган романларга истеҳзо ила ёндашамиз.

Оригинал? Шу замонда-я? Ҳамма нарса ёзиб бўлинган дунёда, изоҳини, янгича талқинини кутиб ётган минглаб асотирлар дунёсида оригинал асар ёза оламан, деб ўйлаган бўлсангиз, жуда содда экансиз. Лекин... сиз яна ёзаверинг, балки бирон кун мурод ҳосил бўлар...

Вестеросда туя яшамайди

Таржимада барибир маҳаллий шароит ва мантиқ инobatга олиниши керак. Тан оламан, баъзан буни унутиб қўяман. Масалан, “Тахтлар ўйини” асарининг уч юз эллигинчи бетиде миямга шундай фикр келиб қолди: старклар шимолда яшаса, туя деган ҳайвонни кўрмаган бўлса, болаларини эркалата туриб “бўталоғим” дея олмайди-ку?! Мен эса ҳамма жойда бўталоғим

деб ёзгипман. Асарда қўй ҳам йўқ, демак кўзичоғим ҳам деёлмайман. Ҳа, от бор, лекин тойчоқ деган сўз фақат ўғил болаларга ишлатилади. Ё “sweetheart”ни ширинтойим шаклида ифодаласаммикан? Лекин ҳамма ўзбек ҳам боласини ширинтойим деб эркалайвермайди. Бошим қотди ва охири ҳамма ўринда “болажоним” деб ёзақолдим.

Таржимага янги киришганлар, менинг хатомни такрорламанглар. Арабистонда оқ айиқ бўлмаганидек, Вестеросда ҳам туя йўқ. Эркалатиш, қарғаш ё бошқа ўта миллий, лисоний вазиятларда маданий тарих инobatга олиниши керак.

Маҳрамиятга дахл

Капиталистик жамиятда жинсият муайян сиёсий ва ғоявий воситадир. Буни биз “body politics”, яъни бадан сиёсати деб атаймиз.

Мэрилин Монродан то бугунги шоколад этикеткасиғача аёлнинг бадани реклама объектига айлантирилди. Ҳатто ўзбек наشريёт тизимида ҳам муқовага чиройли қизнинг расми қўйилса, китоб яхшироқ сотилади деган гап юради. Ноҳақ ҳам деб бўлмайди уларни.

Ҳозир эса кўпгина рекламалар, фильмларда, таъбир жоиз бўлса, эркак вужуди ашёлаштириляпти. Энди фақат аёл эмас, эркак ҳам жинсий объектга айлантирилгандек. Бўлган-бўлмаган жойда эркакнинг мускулдор вужудини кўряпмиз. Бу Ғарбдаги “ортиқча вазн ҳам чиройли” деган қарашга жавоб тариқасида пайдо бўлмадикан?

Билмадим, лекин эркак сифатида шахсан мен вужудимнинг маҳрамияти-

ни бундай дахл этилишига чидаёлмаган бўлардим. Аёлларга эса Худо тўзим берсин – уларга тамаддуннинг ибтидосиданоқ жинсий объект сифатида қараб келинади.

Ким билади, балки бу ҳам патриархатнинг ўзини еб битираётганидан далолатдир?

Мутолаа ва... долчинли димлама

Нега охири вақтларда китоб тавсия қилмай қўйдим?

Биринчи сабаб – китоблар ҳақида гапиршдан уларни ўқишни афзал кўра бошлаганим. Иккинчи сабаб эса бир оз жиддийроқ.

Сиз ҳеч маъсумона тавсия сабаб бир кишини мутолаадан совитиб қўйишни хаёлингизга келтирасизми?

Мен бу саволни таом тайёрлайтириб бердим ўзимга.

Рецептга кўра, долчинли товук димлама пишираётган эдим. Товук қирқ дақиқа долчинли зарчава ичида димланиши кераклиги ёзилган эди. Мен эса чалғиб, уни эллик дақиқа димладим ва товук бир оз тагига олди. Натижада овқат рецептдагидек чиқмади. Лекин, қарангки, менга товукнинг айнан шундай ҳоли ёқди. Биласиз, тагига олган овқатлар нордонроқ бўлади баъзан... Ким билади, тўлиқ рецепт бўйича пиширсам, балки овқат ёқмас ва мен уни қайта пиширмасдим?

Хўп, бунинг мутолаага қандай алоқаси бор дейсизми?

Кўпчилик китоб дунёсига кириб келганлар бу дунёнинг эски пирларидан тавсия сўрайди. Тавсиялар одатда шундай бўла-

ди: ҳазми енгил, тили содда, саргузаштларга бой китоб ўқи.

Менимча, бу нотўғри. Масалан, мен китоб ўқишни фантастикадан бошлаш тарафдориман, аммо тасаввурни ёқтирмайдиган миллионлаб одам бор. Улар тавсия қилган китобимни ўқиб зерикаши ва шу билан умуман мутолаадан кўнгли совиши мумкин. Унинг миясида, демак, китоб ўқиш шундай зерикарли машғулот экан, деган янглиш тушунча ҳосил бўлади. Бу эса виждонимни қийнаши аниқ.

Ўртоқлар, кимгадир китоб тавсия қилишдан аввал у одамни яхши танишингиз ва унга нима кераклигини билишингизга ишонч ҳосил қилинг. Таомлар рецептдагидек бўлиши темир қонуният эмас, янги китобхонлар ҳам доим “Сариқ девни миниб”дан бошлаши шарт деган гап йўқ. Эҳтимол, биратўла Достоевскийдан бошлаш маъқулроқдир?

Инсон психологияси ҳақидаги сийқа тушунчалардан воз кечиб, одамларни чинакамига танишга ҳаракат қилайлик. Бу китобларни танишимизга ҳам ёрдам беради. Ахир, китобларни ҳам сизу биздек башар фарзанди ёзади. Уларни муқаддаслаштириб юбориш эса дуруст эмас.

Енгилни оғир қилган технология

Сунъий интеллект дегани аниқ фанлар ва амалий бўлимлардаги талабаларнинг ҳам бошини қотирди, лекин бизга ўхшаш, имтиҳонлари эссе ва мақола билан боғлиқ ижтимоий фан талабаларига кўпроқ зиён келтирди.

Аввалига ҳаммаси бинойидек эди, сунъий интеллект дастурларидан маълумот манбаси сифатида фойдаланардик. Сунъий интеллект шахсий фикрга эга бўлмагани сабаб ҳеч ким унга вазифасини бажартиролмайди деб ўйлардим. Аммо адашган эканман!

Олтмиш кишилиқ гуруҳ. Домла матншунослик якуний имтиҳонида ўттиз беш кишига “ноль” қўйди. Донг қотдим. Албатта, битта домла синфнинг ярмидан кўпини қайта топширишга қолдирса, деканатда ҳисоб бериши керак, ҳатто ойлиги кесилиши ҳам мумкин. Тўғри-да, ахир шунча талаба ўзлаштирмаса, домла ҳам айбдор бўлади. Лекин бу ерда масала сунъий интеллектда! Бутунбошли баҳолаш системасини ўзгартириб юборди у.

Ўқитувчилар эсселаримизни юрак ҳовучлаб плагиатни аниқлайдиган сайтларга киритади, бу ёқда биз игна устида ўтиргандекмиз. Қизиғи ва энг ёмони, сайтлар баъзан ўзингиз ёзган матнда ҳам сунъий интеллектнинг қанчадир фоизини чиқариб беради. Масалан, мен шунчаки синаш учун ҳали бундай гаплар йўқ пайти, биринчи курсда ёзган матнимни ўша сайтга киритиб кўрдим. Ўттиз фоизини сунъий интеллект ёзган, деб чиқариб берди. Куласизми, кужасизми?!

Минг азоб билан ёзган ишимга матншунос домла олтмиш беш балл қўйди. Камидасаксон балл кутаётган, жаннатмонанд Чинозда туғилган Мирзоҳид дарров деканатга югурди. Эссени ўз қўллари билан ёзганини исботлаб, тўқсон балл олди. Лекин гуруҳда ноҳақлик сабаб шундай паст балл

олган, лекин деканатга боришга кўрққан ё эринган ўнлаб дўстларим бор. Ўқитувчининг жиғига тегсангиз, эртага қийнайди, дейишади. Орқангизда қалъадек деканат турганида нега кўрқасиз? Қолаверса, муассаса ичида даъво очиб, академик судга ҳам торттиришингиз мумкин домлани.

Баҳо учун талашадиган талаба эмасман. Сунъий интеллект бўлмаса эди, домла ўн балл қўйиб берса ҳам индамай кетаверардим, лекин жоним айна ўша лаҳзада ҳиқилдоғимга келди-да!

Технология оғиримизни енгил қилиш учун яратилган, деган гап баъзан ўзини оқламайди. Модомики, у бугун баҳо қўйишда ҳам адолатсизликни келтириб чиқараётган экан, демак, эртага янада жиддий муаммоларга доялик қилиши мумкин. Шу сабаб сунъий интеллект даврида таълимнинг асосий мақсади, баҳолаш ва имтиҳон каби тартиб-низомларини қайтадан таҳлил қилиш, керак бўлса, қайтадан ёзиш керак.

Кошки Фрейдни ўқимасам эди

Баъзан илм-фан кучини ортиқча бўрттириб юборяпмизми, деб ўйлаб қоламан. Бугун биз яшаб турган дунёимизни ва танамизни кашфиёт, ихтиро ҳамда илмий изланишлар орқали таниб борамиз. Бироқ қайсидир нуқтадан сўнг ҳамма нарсанинг илмий исботи, асоси ё мантиғини излаш одамни чарчатади. Бир нималарнинг мавҳум, сирли ҳолида қолишини истайсиз. Масалан, севган инсонингизга боққан пайтингиз туғиладиган шодлик аслида миядаги гормон сабаб юзага келаётгани,

бу гормонни оддий таблеткадан ҳам олишингиз мумкинлигини билиш гоҳида малол келади.

Баъзан кошки Фрейдни ўқимасайдим, кошки Маркс ё Фукони, ижтимоий тадқиқотларни титиб юрмасайдим, дейман. Онгости мавзусини ўрганганимдан, инсон туйғулари инстинкт ва рефлекслар сабаб юзага келишини билганимдан бери шеърият ва адабиёт мен учун сеҳрини буткул йўқотди.

Бундан ўн йил аввал интернет унчалик ривожланмаган эди. Машхур актёрларни фақат экранда ё саҳнада, муайян даврлардагина кўрардик. Бу эса уларга нисбатан мухлислик туйғусини кучайтирарди. Бугун машхурларнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасига кириб ҳамма сирларидан воқиф бўламиз: нечта боласи бор, нима овқат ейди, камерадан ташқарида не юмушлар билан банд... Энди кинонинг ҳам қизиғи қолмагандек. Чунки бизга сеҳрли кўринган санъаткорларнинг “номаи аъмоли”дан хабардормиз.

Қайсидир китобда шундай саволни ўқиган эдим: “Нега академик тушунча бунчалар такаббур? Нега у ўзи бўлмаса дунё тўхтаб қолади деб ўйлайди?”

Борхес ё Маркеслар ҳам илм-фандан, Фрейдун Марксдан хабардор бўлгани аниқ.

Бу тушунчаларни мендан минг марта яхши билганига ҳам шубҳам йўқ. Лекин шунча билимдан кейин ҳам ҳаёт қаршисида сеҳрлана олиш, адабиётнинг қудрати қаршисида, ижобий маънода эсанкираб, маҳлиё бўлиб қолишни қандай эплашган экан?

Мен шоир Жонтемирнинг шеърларини психоанализ чиғириғидан ўтказишга кўп уринганман. Бир куни ўтириб ўйладим: шу керакмикан? Юзлаб ўқувчини шеър сеҳридан маҳрум қилиш тўғрими? Одамлар, сиз илоҳий деб атаётган бу дарвешона оҳанглар аслида колорит ва оила травмасининг меваси, десам кимга фойда бўлади?

Истанбулга янги келганимда деразасидан денгиз кўриниб турадиган бир уйда тунаган эдим. Уй эгаси денгизга ошиқ эди. Бу қайси денгиз деб сўраганимда “билмасам” деб жавоб берган. Йигирма йилдан бери қараб тўймайдиган баҳри унга балки айнан ўша мавҳумот сабаб жозибадор туюлар? Унга “Бу Қора денгиз, Мармар денгизи эса Истанбулнинг Осиё тарафидан”, десам бутун хаёлотини синдирган бўлмасмидим?

Шундай, ўртоқлар, билмоқ доим зарур, аммо мавҳумотнинг буюк қудратини ҳам писанд қилмаслик ярамайди. Ахир, Худога у айнан мантиқий шууримизга сиғмагани учун ошиқ эмасмизми?..



Зигмунд ФРЕЙД

San'atkor va ta'xayyul

Биз, ҳавасмандлар мудом бир нарса-ни билгимиз келади: санъаткорлар, бу ажойибу ғаройиб зотлар мавзунни қаердан олади (бу худди Ариостога аллақайси кардинал берган саволга ўхшайди); улар қандай қилиб одамни ўзига қаттиқ боғлаб-сеҳрлаб қўяди; асарлари шу қадар туғёнга соладикки, нега биз бу даража ҳаяжонланишга ўзимизни табиатан ноқобил деб ўйлаймиз? Қизиқишимизни чандон оширадиган яна бир ҳол бор: башарти санъаткорга бояги саволлар билан мурожаат қилсак, унинг ўзи ҳам қаноатланарли жавоб беролмайди. Адабий материални танлаш қоидалари, адабий ижод моҳиятига оид пухта билим ва шу сира жиҳатлардан хабардорлик одамни ижодкорга айлантириб қўймайди – биз буни

якши биламиз, лекин барибир бу ҳам ўша қизиқишимизни сўндиролмайди.

Ўзимиз ёки ўзимизга ўхшаган одамларда (психотерапевтик фаолияти руҳий хасталар билан боғлиқ бўлган муаллиф бу ўринда соғлом одамларни назарда тутмоқда – **Н.О.**) кошки ижодий фаолиятга дахлдор зарра-учкун топа олсак! Уни тадқиқ этиш адабий ижодни илк шарҳлаш бобида муваффақиятга умид туғдирган бўларди. Бундай умид, хоссатан, бор ҳам – чунки ижод кишилари ўзларидаги хослик билан оддий одамлар ўртасидаги тафовутни камайтириб кўрсатишни якши кўрадилар. Улар бизни “Ҳар бир инсон қалбида бир ижодкор яшайди, охириги ижодкор охириги одам билан бирга ўлади” деган гапга зўр бериб ишонтирадилар.

* Италиян шоири Лудовико Ариосто “Ғазабнок Роланд” (1516) поэмасини кардинал Инполито д’Эстега бағишлаган. Кардинал шоирга “Бунча кўп кечмишларни қаердан олсан, Лудовико?” деб хитоб қилган (таржимонлар Ю. Архипов ва А. Гугнин изоҳи).

Ижодий фаолиятнинг илк белгиларини балки болалардан излаш керакдир? Боланинг энг қизгин, энг суюкли машғулоти – ўйин. Айтиш мумкинки, ўйин пайти ҳар бир бола ўзини худди ижодкордек тутуди, яъни ўз дунёсини яратади. Ёки, янада аниқроғи, ўз дунёсидаги нарсаларни янгича, ўзига мақбул тартибда жойлаштириб чиқади. Ўша вазиятда бола шунчаки ўйин билан банд бўлади дейиш тўғри эмас; билъакс, у бутун борлиғи билан берилиб, ўша эрмакка ўта жиддий муносабатда бўлади. Ўйиннинг зидди жиддият эмас, балки реал воқелиқдир. Берилиб кетганига қарамай, бола ўйин билан воқелиқнинг фарқини аниқ-тиниқ идрок этади, тасаввурдаги объектлар ва ҳолатларни реал дунёдаги моддий (кўринарли) нарсалар билан боғлашни яхши кўради. Боланинг ўйини билан санъаткор тахайюли ўртасидаги фарқ мана шунда.

Ижодкор ҳам ўйнаётган болага ўхшайди: у ҳам, гарчи реал воқелиқдан ажратиб-иҳоталаб олса-да, бутун борлиғини бағишлаб, ниҳоятда қадрли тахайюлий дунёсини яратади. Тил ҳам бола ўйини билан бадий ижод ўртасидаги қариндошликка ўзига хос тарзда ишора этади: воқелиқдаги моддий нарсалар воситачилигига таянадиган асарларга “ўйин” (*spiel*) деб ном берганки, санъаткор фантазиясини сахнада комедия (*олмонча lustspiel – сўзма-сўз “қулгили ўйин”*), трагедия (*олм. traurspiel – сўзма-сўз “момам ўйини”*) сингарии шаклларда жонлантириш эҳтиёжи шу сўзни талаб қилади. Ижрочилар эса актёр (*олм. schauspieler – “момоша, шоу ўйинчиси”*) деб аталади. Аммо бадий ижод

дунёсининг ғайритабиийлигидан санъат техникаси учун ниҳоятда муҳим хусуслар келиб чиқади. Дейлик, ҳаётда роҳат бермайдиган кўп нарсалар тахайюл ўйинида роҳат манбаига айланади, моҳиятига кўра изтиробга соладиган кечинмалар эса тингловчи ёки ўқувчига лаззат бағишлаши мумкин.

Келинг, воқелиқ ва ўйин ўртасидаги қарама-қаршиликнинг яна бир нуқтасига тўхталайлик. Бола катта бўлади, ўйнашни бас қилади, узоқ йиллар давомида руҳий зўриқиш билан ҳаёт ҳақиқатларини чуқур ва жиддий қабул қилмоққа уринади. Кунлардан бир кун шундай руҳий ҳолатга тушадики, у ўйин ва воқелиқ ўртасидаги қарама-қаршиликни қайта майдонга чиқаради. Вояга етган одам бир вақтлар болалик ўйинларига нақадар жиддият билан берилганини хотирлаб, ўзининг ҳозирдаги жиддийга монанд машғулотларини тифл ўйинлари билан чоғиштирар экан, ҳаётнинг оғир юкини елкасидан итқитиб, юмрдан олам-олам завқу шавқ ахтаради.

Кўпчилигимиз бола вояга етгач, ўйин берадиган лаззатдан воз кечгани учун уни бас қилади деб ўйлаймиз. Бироқ одамнинг руҳий дунёсидан хабардор киши биладики, бу дунёда бир марта тўйилган лаззатдан воз кечишдан мушкулроқ иш йўқ. Дангал айтадиган бўлсак, биз бирон одатдан воз кечишга қобил эмасмиз, шунчаки бирини бошқаси билан алмаштирамиз, холос. Воз кечиш бўлиб кўринган жиҳат, аслида, ўриндошига алмаштириш ёхуд суррогат ҳосилладир.

Шундай қилиб, бола вояга етар ва ўйнашни бас қилар экан, шунчаки реал ҳа-

ётдаги нарса-ҳодисаларга таянишдангина воз кечади, энди у ўйнаш ўрнига тахайюлга берилади. Муаллақ қасрлар қуради, “ўнгадаги тушлар” деган уйдирмаларни ихтиро қилади. Аминманки, ҳаётининг қайсидир палласида ҳар бир одам тахайюлида уйдирмалар туғилади. Айнан мана шу факт узоқ вақт эътибордан четда қолди ва шу боис аҳамияти етарлича баҳоланмади.

Болалар ўйинидан кўра катталарнинг тахайюлини кузатиш қийинроқ. Тўғри, бола бир ўзи ҳам ўйнайверади ёки ўйнаш учун тенг-тўшлари билан ёпиқ психик доира ясаб олади. Катталарга ўзини кўз-кўз қилишга-ку қилмайди, лекин ўйинини улардан бекитмайди ҳам. Катталар эса ўз тахайюлотидан уялади, уни яширади ва худдики муқаддас сирру асрор каби асраб-авайлайди. Катта одамга ўша хаёлий уйдирмаларини бошқалар билан баҳам кўришдан кўра қилмишларига иқрор бўлиш афзалроқ ҳатто. У ўзини хаёлий ихтироларга қобил яккаю ягона одамман деб ўйлаши ҳам мумкин. Зикр этилган “ихтирочилик” ҳаммага бирдай хос экани хаёлига-да келмайди. Бола ва хаёлпараст одамнинг ўзини тутишидаги тафовут бир-бирининг давоми бўлган икки фаолиятнинг ранг-баранг мотивларига йўғрилган.

Боланинг ўйинини хоҳиш-истаклар бошқаради, аниқроқ айтганда, уни тарбиялашга – катта одам бўлишга ёрдам берадиган хоҳиш-истаклар. Болалар доим “катталар” ўйинини ўйнайди, уларнинг тутумларига тақлид қилади. Бинобарин, болада ўз хатти-ҳаракатини яширишга зарурат йўқ. Катталарда эса бундай эмас: бир тарафдан, бошқалар ундан энди ўйин

ёки хаёлий уйдирма эмас, аксинча, амалий саъй-ҳаракат кутишини яхши билади. Бошқа тарафдан эса фантазиялари қисман яширмоқ тақозо этиладиган хоҳиш-истаклардан туғилган. Мана, у нима учун ўз ўйларидан болаларча хаёл ёки ман этилган қилмишдек уялади.

Одамлар тахайюлотини шу қадар маҳрам тутар экан, унда бунча аниқ маълумотларни қаердан олдингиз деган савол туғилиши мумкин. Начора, шундай одамлар тоифаси борки, худо десак-ку бўлмас, қаҳрли маъбуда, яъни зарурат уларга “Нимадан азият чекаётганинг ва нимадан завқланишингни айтиб бер!” дея буйруқ беради. Булар – невротиклар, улар руҳий шифо топмоқ учун хаёлидаги уйдирмаларни шифокорга айтиб бериши шарт. Бизнинг ишончли маълумотларимиз ана шу манбадан олинадики, “Бул хасталар ҳам соғлом одамлардан эшитишимиз мумкин бўлган жиҳатларни айтади” деган ниҳоятда асосли хулосага келамиз.

Энди хаёлий уйдирмаларнинг айрим қаҳрамонлари билан танишиб ўтсак. Таъкидлаш жоизки, бахтли одамлар ҳеч қачон фантазияга берилмайдилар, бу хил хаёлпарастлик фақат қониъ топмаганларга хосдир. Амалга ошмаган хоҳиш-истаклар – тахайюлотга даст бергувчи куч, ҳар бир фантазия эса хоҳиш-истакларнинг рўёби, нораво воқеликнинг таҳриридир. Хоҳиш-истаклар хаёлпараст кимсанинг жинси, характери ва ҳаёт шароитига боғлиқ бўлади. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: шахсиятни камолга етказадиган шуҳратпарастлик хоҳиш-истаклари ва шаҳвоний хоҳиш-истаклар. Ёш қиз-жувонларда истис-

носиз иккинчиси ҳукмиронлик қилади ёхуд уларнинг шуҳратпарастлик хусуси, одатда, ишқий интилишларга кўмилиб кетади. Йигитларга эса униси ҳам, буниси ҳам бирдай хосдир. Шунга қарамай, тазодга урғу бермай, билъакс, аксар ҳолларда бу иккиннинг ўзаро уйғунлигини таъкидламоқчимиз.

Меҳробдаги аксар тимсолларнинг бир бурчида уни ҳадя этган кишининг сурати кўриниб тургани каби, шуҳратпарастликка оид кўпгина хаёлий уйдирмаларнинг хилват бир кунжида ҳам аёл сиймосини кўриш мумкин. Хоҳиш-истаклар соҳиби ўша дилдор учун қаҳрамонликлар қилади, қўлга киритганларини унинг пойига тўқади. Кўряспизки, бу манзараларда фантазияни пинҳон сақлаш учун тоши оғир келадиган мотивлар етарли, чунки тарбия кўрган аёлга севги-муҳаббат эҳтиёжи бобида ҳаминқадар даражадагина рухсат берилади, йигит киши эса ўзига ўхшаган даъвогарларнинг қанча-қанчасини жойига ўтқазиб қўйган жамиятга бўйлашмоқ учун болалигидан сақлаб келган ўз-ўзига кучли ишончли жиловлаб туришга мажбур.

Ушбу хаёлий фаолият маҳсулини, хусусий фантазияларни, муаллақ қасрлар ёки ширин хаёлларни қотиб қолган ва ўзгармас деб бўлмайди. Аксинча, улар ҳаётнинг ҳар бир зарбасига мослашади, турмуш шароитининг ўзгариши билан эврилади, Вақт ҳар бир унутилмас янги таассурот ортидан унга ўз муҳрини босади. Умун олганда, фантазия ва вақтнинг ўзаро алоқадорлиги ниҳоятда муҳим. Фантазия гўё бизнинг тасаввуримиздаги уч муваққат лаҳза оралаб, уч замон оралаб сузиб юради. Руҳий фаолият ҳозиргина туғилган жонли таассурот-

га, одамнинг улўғвор орзуларидан бирини уйғотган воқеага боғлиқ-у, айна чоқда, илк хотираларга – одатда, хоҳиш-истаклар тезгина амалга ошган гўдаклик тажрибаларига таянади. Ва энди келажакка дахлдор – боя айтилган ҳозирдаги таассурот-туртки ва гўдаклик хотираларидан ибтидо олган, ҳар иккисини мужассам этган истак, орзу ёхуд ширин хаёллар амалга ошган манзарани яратади. Шу тариқа ўтмиш, ҳозир ва келажак узлуксиз хоҳиш-истак занжирида бирлашади гўё.

Сийқаси чиққанроқ мисол фикрларимни бирмунча ёрқин тасаввур қилишингизга ёрдам беради. Мана, қаранг: етим ва камбағал йигитчага бир иш берувчининг манзилини айтасиз. Йигитча йўл бўйи мушкул вазиятдан қандай чиқиб кетиш ҳақида ўйлаб боради. Бу хаёлларнинг тахминий манзараси бундай: ишга қабул қилинади, хўжайин уни қўллаб-қувватлайди, секин-аста беназир ходимга, хўжайиннинг оиласида ҳам “хос одам”га айланади, унинг офатижон қизига уйланади ва бора-бора ҳамраис сифатида бошқарувни қўлга олади, пировардида эса бор бисотга меросхўр бўлади-қолади. Хаёлпараст йигит болалигидаги тасаввурни хаёлан бошқасига алмаштиради: тайин бошпана, меҳрибон ота-она ва илк муҳаббат. Мазкур мисолда орзу-истак ўтмиш намунаси асосида келажак манзарасини яратиш учун айна фурсатдаги имкониятдан фойдаланаётганини кўриш мумкин.

Фантазиялар ҳақида яна кўп гапириш мумкин-у, бироқ мухтасар чизгилар билан чегараланиш етарли деб ўйлайман. Уларга берилиш ҳам, уларни тийиш ҳам невроз

ёхуд психозга шароит туғдиради. Хаёлий уйдирмалар бизнинг беморларимиз шикоят қиладиган азоб-уқубат аломатларининг руҳий даракчиларидир. Шу ердан патологияга олиб борадиган ёндош сўқмоқ пайдо бўлади.

Фантазиянинг орзулар билан алоқадорлигини ҳам эътибордан соқит қилолмайман. Чунки тунда кўриладиган тушлар фантазиядан бошқа нарса эмас – тушларни таъбирлаш орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Беназир донишманд бўлмиш лисон хаёлпараст кимсаларнинг ҳавойи “ижод”ига “ўнгдаги (кундузги) тушлар” дея ном бериш орқали тушларнинг табиатини аниқ-тиниқ белгилаб қўйган. Шунда ҳам тушларимизнинг таъбири кўпинча ноаниқ бўлиб қолавериши сабаби: тунда одамни хижолатга соладиган хоҳиш-истаклар пайдо бўладигани, уларни ўзимиздан ҳам яширамиз, яъни онг остига ҳайдаймиз. Қувилган хоҳиш-истаклар ва уларнинг ҳосилалари учун аслидан ўзгача – тимсол шаклида гавдаланишдан бошқа йўл қолмайди. Илмфан тунги тушларнинг тимсолий характерига ойдинлик киритишга муваффақ бўлгач, улар ҳам ўнгдаги тушлар каби қадрдон орзу-истакларнинг, фантазияларнинг рўёби эканини тушуниш қийин эмас.

Мана энди хаёлий уйдирмалардан ижодкорга ўтаммиз! Хўш, шоирни куппа-кундуз куни ўнгида туш кўрадиган хаёлпарастга, ижод маҳсулини эса ўнгдаги тушга ўхшатсак бўлмайдимиз? Хаёлга дарҳол шу гап келади: қадимги эпосчи ва фожианавислар сингари тайёр материалдан фойдаланадиганлар билан мустақил сюжет ўйлаб топадиганларни фарқлаб олишимиз

керак. Биз иккинчи тоифага тўхталамиз ва танқидчилар томонидан юксак баҳоланганларни эмас, балки роман, қисса ва ҳикоялари кўпсонли иштиёқманд ўқувчиларига эга бўлган, ўзига унчалик талабчан бўлмаган ёзгувчиларни танлаймиз. Бу қиссагўйларнинг асарларида бир қарашда ярқ этиб кўзга ташланадиган жиҳат бор: диққат марказида мудом ягона қаҳрамон бўлади, бутун диққат-эътибор шунга қаратилади, қаҳрамонига нисбатан ҳамдардлик уйғотмоқни кўзлаган муаллиф уни ўзгача иштиёқ билан ҳимоя қилади. Агар романнинг бир боби қаҳрамоннинг оғир жароҳатларидан қон оқиб, беҳуш ҳолда ётгани билан тугаса, кейинги бобда уни албатта бутунлай саломат ҳолда ёхуд соғайиш арафасида кўрамиз. Боб мабодо тўфон ва қаҳрамонимиз тушган кеманинг ғарқ бўлиши билан якун топса, аминманки, навбатдаги қисм унинг мўъжиза туфайли омон қолгани билан бошланади. Бусиз, ахир, роман давом этиши мумкин эмас-ку!

Қаҳрамонимизга хавф-хатар тўла тақдир йўлларида ҳамроҳлик қилар эканман, қалбимда чўкаётган одамни қутқариш учун ўзини сувга отган ёки ўқ ёмғири остида душман галасига ҳужум қилган ҳаётдаги ҳақиқий қаҳрамон қалбидаги эминлик ҳиссини туяман. Етук адибларимиздан бири шавқ билан “Сенга ҳеч балоям урмайди!” дея тавсифлаган қаҳрамон қалбидаги туйғунинг айнан ўзгинаси бу. Ўйлайманки, дахлсизлик билан характерланадиган мазкур “сотқин” ишорадан барча ширин хаёлларнинг, бинобарин, барча романларнинг қаҳрамони бўлмиш олиймақом “Мен”ни осонгина таниб оламиз.

* Людвиг Анценгрубер (1839 – 1889) – австриялик носир ва драматург

Эгомарказли бу асарларнинг бошқа типик белгилари ҳам худди шу муносабатга ишора қилади. Агар романдаги барча аёллар ўша қаҳрамонни севиб қолса, буни ҳаёт ҳақиқати деб-ку бўлмайди, лекин ширин хаёлнинг зарурий рукни деб ҳисобласак, уни тушуниш осонроқ. Шунингдек, персонажларнинг ижобий ва салбийга кескин ажратилиши ҳақида ҳам (ҳаётда эса бундай бўлиши асло мумкин эмас) шундай дейиш мумкин: “ижобий”лар – ҳар доим қаҳрамон ўлароқ майдонга чиққан “Мен”-нинг ҳомийлари, “салбий”лар – душман ёки рақиблари.

Биз кўплаб бадиий асарларда ширин хаёлларнинг зикр этилган содда моделидан анча узоқлашиб кетилганини биламиз; аммо ҳалқама-ҳалқа боғланишлар изидан борилса, ўта узоқлашиб кетганлари ҳам ўша ибтидога бориб тақалишига шубҳа қилмайман. Кузатишимга кўра, кўпгина психологик романларда фақат битта одам – бош қаҳрамон ичкаридан туриб тасвирланади, муаллиф худдики ўша одамнинг нигоҳига жойлашиб, бошқаларни кузатаётганга ўхшайди. Психологик романнинг ўзига хослиги, эҳтимол, замонавий ёзувчининг ўз-ўзини тафтиш қилиш орқали “Мен”ини бўлақларга ажратиб юбориш, натижада ботинидаги қарама-қарши интилишларни бир неча қаҳрамонда воқелантиришга мойиллигидан келиб чиқади.

“Ширин хаёл” типидagi романларга эксцентрик романлар зид келади. Иккинчи тоифадаги романларда бош қаҳрамон унчалик фаол эмас, у, аксинча, бошқа персонажлар фаолияти ва изтиробларининг кузатувчиси бўлади, холос. Эмиль Золянинг охириги

романларини шу сирага киритиш мумкин. Аммо таъкидлашим лозим: ижодкор саналмайдиган, баъзан ҳатто меъёрий ўлчовларга тушмайдиган антиқа кишиларни таҳлил қилиш бизга “ўнгдаги тушлар”нинг “Мен” томошабин ролини ўйнайдиган бир неча варианты билан танишиш имконини берди.

Ижодкорнинг хаёлпараст билан, ижод маҳсулининг “ўнгдаги туш” билан бу таҳлит ўзаро қиёси маълум қимматга эга бўлиши учун, аввало, қайсидир маънода натижа кўрсатиши лозим. Келинг, боя айтиб ўтилган фантазиянинг уч замон билан ҳамда узлуксиз хоҳиш-истаклар билан алоқадорлигига оид қويدани ижод маҳсулларига татбиқ этишга, шу асосда ижодкор ҳаёти ва асарлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга ҳаракат қиламиз. Аслида, бу муаммони тадқиқ этиш билан нимага умид қилаётганимизни ҳам билмаймиз, чунки мазкур муносабатлар кўпинча ўта оддий бўлиб кўринган. Фантазияни кузатишдан келиб чиққан билимларимизга таяниб қуйидагиларни айтиш мумкин: кучли кечинмалар ижодкорда ўтмишга оид хотираларни уйғотиб юборади, уларнинг асосий қисми гўдаклик чоқларига дахлдор бўлади, ўша хотиралардан бадиий шаклда воқеландиган хоҳиш-истаклар туғилади. Асарда буларнинг ҳар иккиси – янги воқеа ва эски хотиралар инъикос этади.

Мазкур формуланинг мураккаблигидан чўчиманг. Менимча, у унча зўр эмас, жўнроғ-у, лекин моҳиятга етиш сари қўйилган илк қадам бўла олади. Бир неча маротаба татбиқ этгач эса, адабий асарлар таҳлилининг мазкур усули самарасиз эмас, деган хулосага келдим. Унутмангки, ижодкор ҳа-

ётидаги болалик хотираларига қаттиқ урғу бериш, эҳтимол, охир-оқибатда қуйидаги тахминга бориб тақалади: адабий ижод худди ўнгдаги тушларга, ширин хаёлларга ўхшаб болаликдаги ўйинларнинг давоми ва ўриндошидир.

Энди эркин тўқиб чиқарилган ҳикоялардан тайёр ва машҳур мавзу-сюжетлар қайта ишланган асарларга қайтайлик. Ижодкор ҳатто ўшанда ҳам муайян эркинликка эга бўлади, бу эркинлик материал танлаш ва уни хоҳлаганча ўзгартира олишда мужассам. Лекин ўша асарнинг илдизлари барибир халқ ижоди хазинасига – мифлар, сагалар ва эртакларга бориб тақалаверади. Зикр этилган маданий-психологик мерос қай тарзда шаклланган – бунинг тадқиқи ҳозирча итмомига етган эмас, лекин таҳлилларга суяниб айтиш мумкинки, мифлар – бутун-бутун халқлар хоҳиш-истакларию ширин хаёлларининг, навқирон инсоният асрий орзуларининг рудименти, ўзгаришга учраган қолдиғи, холос.

Сиз менга “Маърузангиз сарлавҳасида биринчи бўлиб санъаткор деган сўз турган бўлса-да, шоирдан кўра тахайюл ҳақида кўп гапирдингиз-ку” деб таъна қилишингиз мумкин. Таънангиз ўринли, лекин маъзур тутинг, мен илм-фаннинг ҳозирги даражасидан келиб чиқдим. Мен сизга фақат фантазияни ўрганишдан тортиб, адабий материални танлаш муаммосигача – шуларгина дахлдор бўлган туртки ва мотивларни кўрсатдим. Ижодкор қандай воситалардан фойдаланиб бизни ниҳоятда қаттиқ сеҳрлаб қўяди, ўз асарига ром этади – бу масалага дахл қилмадик. Шу билан бирга хаёлий уйдирмаларга оид мулоҳазаларимиз-

дан адабий таъсирчанлик муаммоларига олиб борадиган йўлни кўриш мумкин.

Боя “Хаёлпарастлар хижолат бўлганлари учун ўз хаёлларини бошқалардан қаттиқ яширадилар” деган эдим. Энди шунга қўшимча қилишим мумкин. Башарти, яширмай очиқ-ошкор айтганларида ҳам, бу бизга ҳеч бир завқ бермас, эшитганларимизни ўзимиздан нари ҳайдар ёки уларга нисбатан совуққон муносабатда бўлар эдик. Лекин ижодкор одам хаёл ўйинларини биз билан бўлишса ёки биз “Бу менинг хаёлларим-ку!” дейдиган даражада ҳикоя қилиб берса, шу қадар юксак завқ туямизки, ул завқ, эҳтимол, бир неча манбалардан оқиб чиқади. Айни даражадаги натижага қандай эришади – бу барибир ижодкорнинг сири бўлиб қолаверади. Юқорида эслатиб ўтилган, ҳар бир индивидуал “мен” ва бошқалар ўртасидаги тўсиқлар билан боғлиқ ўзаро бир-бирини нари итариш ҳодисаси қандай воситалар ёрдамида бартараф этилади – сўз санъатининг бутун сири (Ars Poetica) мана шунда мужассамдир. Ушбу воситалардан фойдаланишнинг икки усулини айтиб ўтишимиз мумкин: санъаткор ўзгартириш ва ниқоблаш орқали ўз орзу-хаёлларининг худбинона таврини юмшатади ва бизни шартлилик билан, яъни хаёлий уйдирмаларини эстетик гўзаллик шаклида ифода этиш ила маҳлиё қилади. Кейинчалик чуқурроқ, психологик асосланган лаззат олишга имкон берадиган бундай гўзалликдан туғиладиган завқни жазба бонуси ёки дастлабки завқ деб аташ мумкин.

Мен бундай фикрдаман: санъаткор бизга тақдим этадиган бутун эстетик завқу шавқ ўз қалбимиздаги оғир босимдан қу-

тулиш туфайли пайдо бўладиган олий даражадаги лаззатнинг дебчасидир. Санъаткорнинг ютуғи айнан мана шу нуқтада бўлиши ҳам мумкин: у бизга хаёлий уйдирмаларимиздан ўзимизни маломат қилмай

ва уялмай лаззатланиш имконини тақдим этади. Биз эса айна шу жойда, жиллақурса мана шу гал мунозараларимиз якунида бошқа янги, қизиқарли ва мураккаброқ изланишлар сари қадам қўямиз.

Франкфурт-Майн, 1907 – 1908 йиллар



Foniyluk

Ёз кунлари мен бир камгап дўстим ҳамда ёш, лекин анча танилиб улгурган шоир ҳамроҳлигида табиатнинг ниҳоятда мафтункор гўшасини айланиб юрган эдик. Шоир теварак-атрофдаги табиат гўзаллигига маҳлиё-ю, лекин ундан завқланмаётган эмиш. Унга шу ўйлов халал бераётган экан: бу ҳашамат қиш келиши билан, худди инсон яратган ва яратиши мумкин бўлган барча гўзаллик ҳамда улғуворликлар сингари барбод бўлишга маҳкум. Устига-устак, ниманики севган ва нимаданки ҳайратга тушган бўлса, ҳаммаси ўткинчи бўлгани важдан шоирнинг назарида бирпуллик қимматга эга эмас экан.

Маълумки, ҳамма гўзал ва мукамал нарсаларнинг бебақолиги одамда икки хил туртки уйғотади. Бири менинг ҳамроҳим бўлмиш ёш шоир туяётган умидсизлик ва маҳзунликка олиб келса, иккинчиси воқеликка қарши исён туғдиради. Йўқ! Табиат ва санъатга, таассуротларимиз дунёси ва ташқи дунёга дохил бу ҳашаматларнинг ҳаммаси йўқликка юз тутиши мумкин эмас. Бунга ишонмоқ ўта маънисизлик ва

манманлик бўлур эди. Ҳалокатли таъсирлардан халос бўлиб, яшаб қолмоқнинг недир бир илож-имкони бўлиши керак.

Айтиб ўтганимизга ўхшаган мангулик талаби биздаги хоҳиш-истакларнинг шоён ҳосиласидир – улар шу тахлит реалликка айланмоқ даъвосида бўлади. Биз учун аламли бўлган жиҳат ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин-ку! Мен на заминий нарсаларнинг мўрт ва ўткинчилигини инкор этишга, на “бунда гўзал ва мукамал нарсалар учун истисно бўлиши керак” дейишга журъат қила оламан. Бироқ тушкунлик домидаги шоирга эътироз қилдимки, гўзалликнинг омонат экани унинг қимматига таъсир қилмайди, аксинча, фонийлик ва мўртлик унинг баҳосини оширади!

Ўткинчи нарсаларнинг қиммати вақт кесимида уларнинг камёблиги билан шартланади. Лаззат олиш имконининг онийлиги унинг қадрини фақат оширади. Ўйлайманки, гўзалликнинг ўткинчилиги ҳақидаги фикр ундан завқланишимизга халал берса, бу янглиш бир ҳолдир. Табиат кўркاملигининг хусуси шу: ҳар гал қишда барбод

бўлган гўзаллик кейинги йил яна қайта уйғонади. Бизнинг ҳаётимизга нисбатан олганда эса мазкур қайта туғилишни абадият деса ҳам бўлади.

Умр ўтиб борган сари одам вужудию юзининг гўзаллиги сўна боради, лекин шунинг ўзиёқ уларга ўзгача мафтункорлик бахш этади. Фақат бир оқшом очилиб турадиган гулни қисқа фурсат очилгани учунгина у қадар чиройли эмас деб бўлмайди. Бинобарин, санъат асари ёхуд тафаккур маҳсулининг жозибаторлиги, мукамаллиги вақт билан чегаралангани учунгина ўз кадр-қимматини йўқотади дейдиганларни ҳам ёқламайман.

Дарҳақиқат, шундай даврлар келиши мумкинки, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликнинг бугун бизни лол қолдирган намуналари тупроққа қоришиб кетади; ёки бизнинг ўрнимизни бугунги шоир ва мутафаккирлар яратган асарларни англашга қобил бўлмаган авлодлар эгаллайди; ёхуд Ер юзидаги ҳаётнинг ўзи буткул барҳам топадиган геологик эра бошланади. Бироқ биз гўзал ва мукамал деб ҳисоблайдиган ҳар бир нарса фақат бизнинг ҳиссий ҳаётимиз учунгина кадр-қимматга эга. Шу сабабли улар биздан кейин яшаб қолиши, демакки, вақт оқимида дахлсиз бўлиши ҳам шарт эмас.

Ҳамроҳларим бу мулоҳазаларимни асло рад қила олмайди деган қаноатда эдим. Лекин улар на шоирда, на дўстимда бирор таассурот уйғота олди. Бу муваффақиятсизликдан шундай хулосага келдим: демак, ҳамроҳларимни чалкаштириб қўяётган қандайдир ғайриихтиёрий омил бор. Кейинроқ уни албатта аниқлайман, дея кўнглимга тугдим.

Икковлоннинг гўзалликдан завқланишига халал берган жиҳат – қайғу-изтиробга қарши ички исён бўлса керак. Кўриб турганимиз гўзалликлар ўткинчи деган ўй туфайли икки ҳассос қалб уларнинг барбод бўлишидан туғиладиган ғам-қайғуни олдиндан ҳис этмоқда эди. Ақл – ғам-алам келтирадиган барча воқеликларни туғма савқ билан рад этади, инчунин, гўзалликнинг фонийлигига оид фикр ҳамроҳларимнинг ундан завқланишига ғов бўлаётган эди.

Яхши кўрган ёки завқ уйғотган бирор бисотдан маҳрум бўлиш туфайли қалбда туғиладиган қайғу оддий одамга шу қадар табиий бўлиб туюладики, у буни одатдаги ҳол ўлароқ қабул қилади. Рухшунос учун эса қайғу-изтироб – тушунтириб бўлмас, айни чоқда, бошқа мавҳумотларни келтириб чиқарадиган улкан жумбоқдир.

Бизнингча, ҳаммамизда муайян даражада севиш қобилияти бор, биз уни “либидо” деб атаймиз. Бу қобилият илк босқичда ўзимиздаги “Мен”га қаратилган бўлади. Кейинроқ, ҳали гўдакликдаёқ либидо “Мен”дан чекинади ва биз ўз “Мен”имизга муайян даражада қабул қилган нарса-ҳодисаларга юзланади. Ўша нарса-ҳодисалар барҳам топса ёки улардан ажралсак, биздаги севги қобилияти яна озод бўлади. Йўқотилганлар ўрнига у ёки бошқасини қабул қилади, ёки вақтинчалик “Мен”га қайтади. Хўш, либидонинг объектдан жудо бўлиши нега ўта оғриқли кечади – бу ниҳоятда сирли. Биз ҳозирча мазкур ҳолатни ойдинлаштириши мумкин бўлган бирор илмий фаразни майдонга қўя олганимиз йўқ. Билганимиз шуки, либидо ўз объекти-

га маҳкам ёпишиб олади ва у барҳам топгандан кейин ҳам – ҳатто ўрнига бошқаси тап-тайёр турган бўлса-да – воз кечмайди. Мана сизга бошоғриқ!

Шоир билан ўша суҳбатимиз уруш бошланишидан олдинги йили ёзда кечган эди. Йил ўтиб бошланган жанги жадал дунёни гўзалликдан мосуво этди. Уруш нафақат ўз йўлида учраган табиат гўзалликлари ва санъат асарларини, балки цивилизация ютуқларидан туғилган ғурур-ифтихоримиз, кўплаб мутафаккир ва санъат арбобларига бўлган ҳурматимиз, охир-оқибатда ирқий ва миллий айирмачилик устидан мутлақ ғалаба қозонмоққа бўлган ишончимизни ҳам барбод қилди. Илм-фаннинг мислсиз холислигига соя солди, хоҳиш-майллариимизни тўлиқ фош этди ва ичимиздаги ёвуз руҳларни уйғотиб юборди. Ваҳоланки, биз ёвуз руҳларни асрлар мобайнида маърифат ва маданият (unserer Edelsten) воситасида абадулабадга жиловладик деб ўйлаган эдик. Уруш ватанимизни яна қайтадан торайтириб, ўзга юртларни биздан олислаштирди. У биз ардоқлаган бойликларнинг кўпини тортиб олди ва биз ўзгармас деб ўйлаган кадриятларимиздан қанчаси бебақо, омонат эканини кўрсатиб қўйди.

Хийла қашшоқлашган либидомиз ботинимизда сақланиб қолган бор шахту шиддат билан шундай ҳаракатга келдики,

Ватанга бўлган муҳаббатимиз, яқинларга бўлган меҳр ва ғурур туйғуси кучайгандан кучайиб кетгани ажабланарли эмас. Лекин йўқотилган бошқа барча бойлик-кадриятларимиз бебақо ва омонат бўлгани сабабли энди қадрсиз бўлиб қолдимиз? Кўпчилик шундай ўйлаши мумкин, бироқ бу хил ёндашув хатодир. Аминманки, шу хил ўйлайдиган ва эътимод қўйган кадриятлари ўткинчи, мўрт бўлиб чиққани учун тақдирга таслим бўлишга тайёр турганлар маҳрумиятлари учун аза очиб ўтираверади.

Ғам-қайғу, маълумингизким, ҳар қанча изтиробли бўлмасин, фурсати келиб ўтиб кетади, у йўқотишларга тан бергач, ўз-ўзини еб битиради. Ва либидомиз бой берилган объектларни, қанчалар ёш ва ҳаётий қувватга эга эканимизга қараб, янгисига – олдингисига тенг ёки унданда устунроғига алмаштириш учун яна озод бўлади. Уруш бошимизга солган маҳрумиятлар ҳам бундан бошқача якунланмайди дея умид қилиш керак. Куни келиб қайғу-аламларни енгиб ўтганимиздан сўнг аён бўладики, маданий кадриятларнинг қиймати, уларнинг омонатлигига амин бўлганимиздан кейин ҳам, мутлақо ўзгармабди. Биз уруш барбод қилган дунёни қайтадан, эҳтимол, мустаҳкамроқ заминда, олдингисидан чидамли ва барқарор қилиб бунёд этажамиз.

Вена, 1915 йил

**Рус тилидан Нодира ОҒОҚ
таржимаси**



Виктор АЛИМАСОВ

YASHAMOQ – YARATMOQ

Бахтли бўлишга қонунлар кафолат бермайди, улар бахтли яшаш имкониятини тухфа этади. Парадокс шундаки, бирор бир қонунда бахт сўзи тилга олинмаган.



Бахтли яшашингизга ҳам, бахтсиз бўлишингизга ҳам ўзингиз сабабчисиз. Аммо омад қуши бошингизга бир сония қўнади, холос. Бутун умрни ана шу сонияга бахш этмоқ ғоят ҳайратли.



Мулкка, бойликка ўч бу ҳаётда уларсиз бахтли яшаш имкони бормикан? Менимча, ҳатто Ҳорун ар-Рашид ҳам бу саволга “ҳа” деб жавоб беролмасди.



Бахт ваъда қилган ваъзхондан қоч!



Омад қидирма, омадли бўлишга имкон қидир.



Бахтли яшаш – ҳаммининг ҳуқуқи, аммо бу,
ҳамма ҳам бахтиёр яшамоққа тайёр, дегани
эмас.



Бахтли бўлиш сирини бахт тарк этгандан
сўра.



Тахт тилаган – бахт тилаган эмас.



Бахт тахтга эмас, балки тахт бахтга эргашиб юради.



Қалбнинг эзгуликка мойиллиги, эзгуликка интилиш ва эзгу
амаллар бахтиёрликка элтишини йигирма аср олдин Марк
Аврелий айтган. Шунга яқин фикр кейинчалик Нақшбанд
тилида ҳам янграйди. Минг афсуски, одам эзгуликдан бахт
изловчи мавжудот эмас. Бир кун, ҳатто бир соат бетўхтов
ўзини бахтли билган инсонни кўрсатинг, мен унга таъзим
қиламан.



Қадимги юнонлар тирик одамни бахтли атамаганлар.



Эҳтирослардан бахт қидирган эҳтирослар қурбонига айланади.



Эҳтироссиз киши йўқ. Банданинг тирик жон экани эҳтироси
туфайли, аммо унга эҳтиросларини жиловлаш салоҳияти ҳам
берилган-да.



Эҳтиросларини жиловлаган инсон ақлу иродасига ҳайкал
қўяди.





Сертуйғу ва беирода кишини эҳтирослар тўфони судраб
кетади.



“Ўзини бахтиёр сезмаган – бахтиёр эмас” (Сенека). Ушбу
оддийгина хулосага келмоқ учун одам умр бўйи бахтни четдан
қидиради. Аслида бахтиёрлик мудом у билан бирга, унинг
ботинида.



Ташқаридан топилган бахт ташқариники, уни осонгина тортиб
олишлари мумкин, илло ичингдаги – сеники!



Ичдан бахтиёрман, лекин нигоҳу ўйларим ташқарига
қадалган – аросатдаман...



Зоҳидона яшаб ўзингизни бахтиёр сезишингиз мумкин, бироқ
бахтиёр яшашингиз мумкин эмас.



Бахт нималигини билмайдиган – чин бахтиёрдир.



Бадииятни севиб ҳаётни, буддуғни (борлиғ) эъзозлаймиз,
уларнинг маҳобатига мадҳиялар тўқиймиз. Шундай бўлса-да,
ҳаёт ва буддуғ қизиқиш уйғотадиган сир, англашга ундовчи
армон бўлиб қолаверади. Инсоннинг барча ҳаракатлари ҳаёт ва
буддуғга ожиз тақдидир.



Ҳаёт ва буддуғ олдида онг ожиз, амал ожиз, одам ожиз.
Инсонга умр ушбу ожизликка, жиндек бўлса-да, куч, ишонч ва
умид қўшмоқ учун берилган.



Инсон ўз ожизлигини унутиш, орзуларига қувват бахш этиш
учун маданият ва санъатни кашф қилган.



Яратмаган – яшамаган.



Маданият ва санъат инсонни боқийлик остонасига етакловчи
воситадир.



Тақлид – англаш аввали. Тақлиддан кейин яратишнинг
қувончу ўқинчлари, завқу изтироблари келади.



Илмий унвонингиз билан эмас, саводингиз билан керилинг!
Ҳа, чаласаводлар кўпайган бугунги замонда саводли бўлмоқ –
маънавий жасорат.



Фикрингиз бисёр-у, уни пишиқ-пухта ифодалаш қобилиятингиз
сузлиги фожа эмас. Фикр бўлса, уни ифодалаш усули
топилади.



Забон йўқлигидан эмас, фикр йўқлигидан қўрқиш керак.



Инсоннинг ҳар бир сўзи, нигоҳи ва ҳаракатидан ибрат,
ғўзаллик топиш мумкин. Аммо уларни топиш, ифодалаш ва
манзур этиш мушкулдан мушкул. Бу сирада ижодкор танқидга,
сукутга, ҳатто лаънатга учраши мумкин.



“Ҳаёт – ўйин” (Йоҳан Ҳейзинга). Театр, кино, томоша,
нимаики ҳаётга тақлид қилса – ўйин, сирли ва жозибали ўйин!



Барча фикрни ҳам сўз билан ифодалаш қийин, бундай пайтда
ибтидоий усуллар – мимика, қўл, кўз, қош, гавда ҳаракатлари
ёрдамга келади. Демак, гап фикрда!



Одам яшайтуриб ўйнаётган ролини ижро этади. Бу ҳаётда
нимаки жиддий қабул қилинса, интиҳо уни ўйинга
айлантиради. Боқийлик – ширин орзу...



Суврат ҳам ўткинчи, сийрат ҳам; ҳаётни яратувчилик боқий
қилади. Ҳаётни боқий этмоқ учун ижодкор баъзан сувратидан
ҳам, сийратидан ҳам воз кечади.



Ром эт сувратинг билан, севдир сийратинг билан.



Гўзал суврат – ярим омад, аммо ундан кишининг тез бешиши
ҳам рост.



Тарих – гўзал аёллар ёдномасидир. Аёллар қатнашмаган жангу
юришлар қуруқ қиргин, аёллар қатнашмаган ислоҳот қуруқ
тўнтариш бўлиб кўринади. Лекин бу – тарих аёлларга тўқилган
мадҳия деганим эмас.



Севганингизда руҳингиз, орзу-умидларингиз боз каби самога
кўтарилмаса, тез орада адашганингизга иқрор бўласиз.
Севган киши барру баҳрни илғамас, мағрур лочиндек кўкда
учар.



Ижод – эркин ҳаёт остонасидир.



Одамдан нафратланмоққа қанча асос бўлса, уни севмоққа
янада кўпроқ асос бор.



Ёзув столи билан кунда ораси бир қадам.



Яшаш эрки – яратиш эркидир.



Сўзинг – ўзинг. Кимлигини билмоқчимисан, сўзига боқ.



Исо пайғамбар “Ўликни тирилтиришга қурбим етди, аммо нодонни даволамоққа ожиз қолдим” деганида сўзнинг қудрати ва аъмонинг (сўқир, нодон) гафлатини назарда тутган. Сўз тирилтириш қудратига эга, аммо нодоннинг кўзини очмоқ осон эмас.



Дунё миллатлари амалдорлардан “буюк шахслар”, “даҳолар” яратишдан воз кечмагунча автократизм ёки тоталитаризмда яшаш тақдири бўлиб қолаверади.



Даврга банди фикр давр билан бирга ўлади.



Ғофил туғиласиз, лекин бу умр бўйи ғофил яшашингизни оқламайди.



Кўрлар жамияти, соқовлар жамияти, ногиронлар жамияти...
Наҳот, энди калтафаҳмлар жамияти тузсак?..



Раҳмга энг муҳтож мавжудот – одамзод.



Парадоксни қарангки, бу дунёда энг камёб ва арзон матоҳ меҳрдир.



Яратган – яратадиган тарафида.



Бахтсиз бахтсизлигини ўзгаларга юқтириб ўзини бахтли сезади.



Пойимга чўккан рақибим кўкрагимга қахрамонлик нишонини
тақмайди.



Мендан аввал лафзу иқроримни сев!



Бир бирига рақиб икки аёлни яраштиришдан бир бирини
қиринишга шай икки лашкарни яраштириш осон.



Муҳаббат билан муаббад ўртасида сирли яқинлик мавжуд. Бу
сир фақат аёлга маълум.



Пилтанлар кўп, аммо орифлар қани?!



Йигирмадан зиёд фан доктори, эликдан ошиқ фан номзоди
тайёрлабман. Минг ваҳқи, улар ичида ҳаёт ва санъат сирларини
англашда жасорат кўрсатаётгани учрамайди. Демак, илмий
унвон билан инсонни олим ҳам, жасоратли фикрловчи ҳам
қилиб бўлмас экан.



Бугун безовта уйғондим, тўғрироғи, уйғотишди. Муҳим
нарсамни йўқотиб қўяётгандек кўз очдим. Сабаби...

*Қайтсанг агар қалбда галаён,
Нафис ҳислар уйғонар яна.
Синган сабр, этилган вайрон
Пок умидлар тикланар яна.*



Амалдорни мақтадингизми, тамом, унда ўзини улуғлаш
инстинкти пайдо бўлади.



Қонунлар севиб ўқиладиган бадий асар эмас, унутган
заҳотингиз улар сизни жазолайди.



Қонунларни ахлоқшунослар ёзадиган давр келишига
ишонаман.



Ахлоқий императивлардан йироқ қонундан деспотизм ҳиди
келади.



Ҳуқуқ ва бурч – қонуннинг икки қаноти. Ҳуқуқ унутилса –
зўравонлик, бурч унутилса – масъулиятсизлик юзага келади.



Ҳуқуқ бурчга пропорционал кенгайди.



Борлиқ “Бўл” деган амрдан яралган. Энди навбат “Инсон
бўл!” га келди.



Фикрим кескин бўлса-да, айтай, яратиш учун яшаш керак.
Биз яшаш учун яратамиз деб ўйлаймиз. Бу авом учун тўғридир,
аслида эса яратишни ҳаётий мақсадига айлантира олган
мардум яратади. Издошларимдан умидим шу!



ROSTIN AYTAMAN SIZGA

*Adabiyotshunos Shahnoza NAZAROVA
mutolaa qiladi*

СОЧИЛГАН БУҒДОЙ ДОНАЛАРИ

Фёдор Достоевский. Ака-ука Карамазовлар. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2021.

Фёдор Достоевский “Ака-ука Карамазовлар” романини азоб, оғриниш, чексиз дилгирлик ва қўққисдан келиши мумкин бўлган қисмат зарбаларидан таҳликада ёзган. Роман худо, озодлик ва ахлоқ, айни бугунги кунимиз, навқирон умримиз ҳақида.

Асарга Юҳанно Инжилидаги “Рост, рост айтаман сизга: магар-ким, буғдой донаси ерга тушиб ўлмаса, бир ўзи қолажак; агар ўлса, унда кўп ҳосил беражак” сўзлари эпиграф қилиб олинган. Бу, нас-

ронийча эътиқодга кўра, Исо алайҳиссаломнинг ўлиб-тирилиши ва инсоният бахти учун ўзини қурбон қилгани ҳақидаги ақидага бориб тақалади.

Мен сизга асарда сочилиб ётган буғдой доналарини кўрсатсам дейман.

Ота Зосима хузурида суд қилинган, азиз зотнинг ўзига бош эганидан тонгриққан Дмитрий Карамазовни эсланг. Азоб-уқубатни бўйнига олаётган Дмитрий ўзини ерга кумаётган буғдой дони каби эди. У кўп ҳосил бериш учун ўзига ўзи ҳукм ўқийди. Ўзига азобни ҳозирлаш унга кимдан мерос бўлиб ўтган?..

Дмитрий – мардона эр, аммо толесиз аёлдан туғилган пастарин фарзанд. Хотинини таҳқирлаб чарчамаган отанинг ғзабига нишон ўғил. У “ўзи



учун тайёрлаётган нарсани” онаси бир замонлар ўзи учун ҳозирлаган, жамият рад этган тубан кимсани унга турмушга чиқиш орқали шарафламоқчи бўлган. Дмитрий ана шу “меросий ҳақ-ла” ҳиссиётларни жиловлай олмаслик, аммо тубан кетолмаслик ўртасида муаллақ..

Иван ва Алёша ҳам ўша тубан эрнинг ва муте, хўрланган, муттасил зулм оқибатида эсдан оғиб, асаб касаллигига йўлиққан аёлнинг фарзанди. Улар онасидек худога, динга ташна, недир ички тараддудга чўмган йигитлар. Иван ва Алёша бошқа-бошқа кутбда-ю, лекин бир-бирини тақозо этади. Иван Алёша орқали ўзини поклаши, Алёша Иван орқали чинакам ҳаракат майдонларига кириб бориши керак. Асарда Иван ҳаммадан ҳам кўпроқ динга ташна ва ҳаммадан ҳам кўпроқ худога яқин. Ахир, нақ иблис билан сўзлашган у эмасми?

Алёша Карамазов – бола ёшида вафот этгач, асар заминига экилган ва униб чиққан Алексей Достоевский. Алёша бировга малол келтирмайдиган, уятчанлиги ҳатто сурбет ва кирланган одамларга ҳам оғир ботмайдиган, ўзи кириб борган даврада маънавий ўзгариш ясай оладиган йигитча. У ота юртга волидасининг қабрини излаб боради. Чунки хотирасининг бир нуқтасида онаизор азиз фарзандини Биби Марям паноҳига узатаётган тасвир муҳрланиб қолган. Шу сабаб роҳиблар дунёси тоза гўшадек уни ўзига тортади. Қария Зосимага эса “ташнаком юрагининг қайноқ биринчи муҳаббати ила боғланган”. Аммо бу ҳам бир синов. Негаки, одамни сиғиниш даражасида севиш хатарли. Агар у қари бўлса ва ўлимни муносиб тарзда қарши ололмаса-чи? Ёмон гумонларни ҳайдаб солиш учун буғдойдек нақ ер остига киришинг, чириб битмай униб чиқишинг керак...

Ичингдаги иблисни, тубанликни ўлдириш ва покланиш азобида ўзингни ислоҳ этиш қанчалар оғир! Достоевский фарзанддан айрилиш азобини ва барча алам-изтиробларини буғдой донасидек ерга кўмди ва янги инсон бўлиб кўз очмоқни, эзгуликлар яратмоқни истади.

Роман марказида фалокат, жиноят – ота Карамазовнинг ўлдирилиши туради. Долғали замоннинг ваҳимага берилган, аммо сохта тантанаворлик ва гўлликдан воз кечолмаган илмилик кишилари ҳақида роман ёзиш учун уларни ҳар нарсага эгилавермайдиган бир одамга боғлаб қўйиш керак эди, йўқса ҳаммаси тариқдек сочилиб кетади. Бу, идеал десангиз идеал, Достоевский айтганидек, арбоб десангиз арбоб – кенжа Карамазов. Одамларнинг тавба-тазаррусини тинглайдиган ва узрхоҳликларни бир-бирларига етказиб турадиган тимсол. Таъбир жоиз бўлса, фожиа-кулги, ахлоқсизлик-бузуқлик ва васвасага тўла чиркин ўрада униб чиққан бир гул!

Дмитрий – ахлоқан ўлган, лекин унга муҳаббат билан, янги азоб ва сарсонгарчиликлар билан қайта туғилмоқ учун умид йўллари очилган. У шу жиҳатдан “Иблислар”даги Ставрогиндан фарқ қилади. Роман монастирь ҳужрасида Дмитрий устидан суд билан бошланиб, суд билан тугаши бежиз эмас. У бошдан-охир ҳам ўзи, ҳам жамият томонидан сўроқ-тергов қилинади.

Ўртанча ўғил (Иван) оғир саволлар, етилмаган улкан мушоҳадаларни ўзида ифода этади. У фикр эгаси, файласуф. Шу жиҳати билан ғоя ижроси Раскольниковдан мураккаброқ ва фожеий қиёфага эга. Зеро, унинг учун дунё издан чиққан, лаънатланган, иблисона тартибсизлик домида қолган.

Муқаррарлик уч ўғилни бир нуқтага олиб келади. Бу нуқтада бадхоҳ ва ҳиссиётчан ота туради. Аммо нутмангки, асар бош қаҳрамони Алексей эмас. Достоевскийнинг барча романларида бўлгани каби “Ака-ука Карамазовлар”да ҳам...

зовлар”да бош қахрамон – ғоя. Кўп чўзиб нима қилдим, бу – ўлган, йўлдан озган одамнинг қайта тикланиш ғояси. Одамнинг ер остига кирган ва қайта унган буғдой доналарига айланиши ғояси.

Бутун асар давомида муаллиф уста дорбоздек мангуликка тортилган дор устида у ёқдан-бу ёққа ошиб ўйнайди: дин – динсизлик, ихлос – дахрийлик, ҳақ – ҳақсизлик, жиддият – масхарабозлик, ота – ўғил, шараф – топталиш... Тадқиқотчи Константин Тюнькиннинг куйидаги фикри ғоят эътиборли: “Романнинг ички сюжет ҳаракатидаги чўққи – “биринчи кун” – Дмитрийнинг тазарруси бўлса, ҳал қилувчи дақиқа – “иккинчи кун” – Иваннинг тавбасидир”.

Асарнинг авж нуқтаси, шубҳасиз, “Буюк инквизитор”. Достоевский Данте, Гёте каби илоҳни ерга олиб тушади. Фақат бу мутлақо бошқача тушиш, ҳатто тушиш ҳам эмас. Бу сотқин шогирд томонидан эгалланган дунёга гувоҳлик бераётган устознинг яна бир юриши. Шогирд – Буюк инквизитор сўнги дамда ишончини бой берган саҳронишинлардан. Мураккаб образ бу. Шунчаки қабиҳ дахрий, “кичкина шайтонвачча” ҳам эмас, у доно, шафқатли, улуғвор ва фожеий қиёфага эга. Асосий масала – эрк ва ҳокимият, замонавий социализм васвасалари. Тадқиқотчилар фикрича, унда қибласини йўқотиш, социализм қуриш жазавалари ифодаланган. Бу шарпа Зосима отанинг хотираларида, Иваннинг хаёлотида лопиллаб-силкиниб туради.

Инквизиторни бир нарса кўрқувга солади. Бу асло Устознинг, Халоскорнинг тушиб келиши, яъни пайдо бўлиши эмас. Ҳамма ваҳшат шундаки, оломонга айланган одамлар энди худосини ҳам юрагига сиғдирилмайдиган даражада кичрайтирилган, майдалаштирилган. Уларга эрк энди ортиқча ва огир туюлади. Заминий нон – самовий эрк, самовий ризқдан кучлироқдир, ахир, одам боласини тўйдирмоқ керак... Иван суҳбатни болалардан бошлаган эди, унинг Инквизитори бутун инсониятни болаларга айлантиришни ва баҳолатга етиб бормайдиган умр фаслида сақлашни истайди...

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, асарда XIX асрнинг 60 – 70-йиллари рус ҳаёти қомуси – реформадан кейинги огир, доғули, алаҳлаётган Россиянинг туриш-турмуши қаламга олинган. Барча ижтимоий қатламлар – айниган зодагонлару юксак “маданият” соҳибларидан тортиб йўқсил мужикларгача; турли жамоалару янги суд тизимигача; насронийча утопиядан исён қилаётган худосизликка қадар ёйилган ғоявий зиддиятлар, авлодлар ўртасидаги душманлик ифодаланади. Достоевский мана шу талатўп ичида инсонни излайди: йўлдан озган, аммо нажот йўлига қайтган инсонни. Ҳар ким худо елкасига юклаган вазифани адо этиши керак. Йўқса, бахт ато этилмас...



ТУБАНДА ЎЛМАК, ЮКСАҚДА ТУҒИЛМАК

**Фёдор Достоевский, Анна Достоевская. Переписка.
Москва, “Наука”, 1979.**

Тўплам Фёдор Достоевский ва Анна Достоевская 1866 йил 9 декабрь – 1880 йил 13 август оралиғида бир-бирига ёзган хатлардан иборат. Мен бу китобни “Ака-ука Карамазовлар” романини нашрга тайёрлаш асносида ўқиб чиқдим.

Россиялик адабиётшунослар Достоевский асар устидаги расмана ишни 1878 йилда бошлаган, дейди. Шу жиҳатдан адиб ва унинг рафиқаси ўртасида 1866 – 1877 йиллардаги ёзишмалар эътиборимни тортди...

Достоевский ўз қахрамони Мишкиннинг беғубор ва бахтиёр эгизагидек тасаввур уйғотади, хатларга “сенинг бахтиёр Ф. Достоевскийинг” дея имзо қўяди. Ўз ҳоли-аҳволини зўр бериб тушунтиришга уринади: *“Мени ўшшайган, асабий, ахлоқсиз кўрарсан, лекин бу фақат зоҳирий хулоса, ичдан бошқачаман, ишон, ишон бунга”*. Ўша кезларда адиб қиморга муккасидан кетган эди. Муттасил қайтиш, қуюқ ваъдалар ва “мени сев” деган чексиз илтижолар ичида ўзини азобларди. У гуноҳдан ҳам, гуноҳкорлик азобидан ҳам ўзини тиёлмасди: *“Мен жиноятга қўл урдим, барини ютқаздим, Аня, сен жўнатган охирги крейцергача – барини кеча олдим уша заҳоти бой бердим... Биргина ваҳшат мени эзади: нима дейсан, нима ўйлайсан энди мен ҳақимда?! Энди иш ва меҳнат, иш ва меҳнат, мен ҳали кўрсатиб қўяман, мен адо этаман... Мен ҳақимда пастарин хаёлга борма. Ахир, мен инсонман! Ахир, менда олам-олам одамийлик мужассам”*.

Бу вақтларда Достоевский Моцарт, Россини куйларини, Бетховеннинг “Фиделио” операсини, Мендельсон Бартольдининг “Никоҳ марши”ни тинглашни севарди. Уларда юксак полифония қайнаб тошарди. Вагнерни эса ҳеч хушламасди. Уни тинглаб совқотарди. *“Аня, Аня, ёдинда тут, мен аблаҳ эмасман, бор-ўғи бедаво қиморбозман”*. Кейинроқ Дмитрий Карамазов “Сенинг қошингда аблаҳ бўлсам-да, ўғри эмасман!” дея ҳайқиради.

Ниҳоят, патологияга айланган қиморда ютишдек қабиҳ хаёлот Достоевскийни тарк этади. Аммо тутқаноқнинг қўққис бошланишидан кўркув асло йўқолмайди. *“Аня, тутқаноғимни аввалгидек деб ўйлаётгандирсан, лекин мен биламан, эндигиси мени ўлдиради. Оғир зарба бўлади. Мен уни эшитялман, мен уни сезялман”*. Қаттиқ қичқирик, сўнг инсон қиёфасидан чиқиб, хириллаётган мавжудотга айланиш. Кўзда, юзда нурнинг сўниши, бу хорликдан жирканиш. Ҳодисага гувоҳларнинг энди сенга тўлақонли инсон сифатида қарамаслигини аён кўриш ва руҳингни таҳқирлаётган нигоҳлардан мудом қочиш. Минг тавалло ила яқинини ўзини севмоққа кўндираётган инсон. Суюкли инсонларнинг тасодифий укубати ёки ўлиmidан таҳлика, уйқусизлик, дилгирлик...

Унга қувонч берувчи ягона куч – оиласи, фарзандларининг муҳаббати эди. Аммо ҳаддан ортиқ севилишни истаган инсоннинг битмас-туганмас ёзғиришларию шикоятлари-чи? Дилгир, асабий, хаста ва юксак муҳаббатига жавобан айна шундай муҳаббатни талаб қилиш-чи? Аннанинг Достоевскийни шу ҳолида шарафлаши, севиши, авайлаши унга энг катта куч – эртанги кунга умид ва қувонч тухфа этарди: *“Мен сен билан тириламан, Аня. Мени бир марта ҳам тушингда кўрмадингми?”* Дунё кўпол ва дағал, шовқин-суронга тўла. Дағаллик, кўполликдан оғринган юрак шу инжалик ичида ҳаловат топади: *“Ҳеч кутилмаганда олийҳиммат, юксак, пок, номусли, азиз бир инсон мени севди. Билмайсан, Федя, сенинг севгинг ва унинг юксаклигидан қанчалар ғурур туяман! Сенга доим айтганман: “Менинг қуёшимсан тоғ чўққисидаги, мен бўлса тубанда ётибману фақат юқунаман”*.

Адибнинг бошқа ҳамкасбларига нисбатан жуда кам қаламҳақи олиши ва доимий етишмовчилик, Анна Григорьевна таъбири билан айтганда, “Достоевский учун чинакам бахтсизлик” эди. Ҳар бир асарни пул топиш илинжида ёзиш, шунга кўра вақтни белгилаш, руҳан, жисмонан зўриқиб ишлаш машаққатини тасаввур қилинг! Ахир, бу мутлақо толстойча ёки тургеневчасига ижод қилиш эмас эди. *“Кеч тушганда ғамгинлигу зикрлик юрагимни тўлдиради, тонгда ҳарқалай енгилроқ, шунинг учун ҳам субҳ*

маҳали ишга тутинаман". Бу қорахаёл одамнинг ёруғликка адоқсиз интилиши эмасми? Унинг қахрамонлари ҳам борлиқ зулматга чўкаётганда нақ телбага айланади: Алёша шарафнинг "топталиши"дан тунда титроққа тушади, Иван кечда ичидаги иблис билан олишади, Дмитрий тун аввалида кўксига уриб шармандалигига иқрор келтиради.

Асар қоғозга туширилаётган вақтда, хатлардаги таассуротларга кўра, оила бундай ҳолатда эди: Анна Достоевская туғилажак фарзандлари эгиз бўлар дея тахмин қиларди, ўғил туғилади. Аммо Алексей уч яшарлигида, 1878 йил тутқаноқ зўридан жон беради. Кутилмаган ўлим (эҳтимол, кутилгандир, зеро, Достоевский ҳамиша тасодифан бостириб келувчи фалокат ваҳимаси билан яшаган) ёзувчи руҳини абгор этади. Рафиқасининг маслаҳати билан ёзувчи дардни бир оз энгиллатмоқ учун Калугадаги машҳур монастырь – Оптина хилватхонасини зиёрат қилади. "Уқубатли сафар"дан сўнг охири романи бўлмиш "Ака-ука Карамазовлар"ни ёзишга ўтиради. Уни рафиқаси Анна Григорьевнага бағишлайди.

Романнинг "Художўй аёллар" бобида озгин, силласи қуриган, афт-ангори худди куйгандай сўхта бўлиб кетган бир аёл Зосима отага "Ўғилчамга ачинаман, отагинам, уч йилгина умр кўрди..." дея зорланади. "...у тиз чўкиб турар ва қариядан кўзини узмасди. Кўзларида қутуришга ўхшаш бир ифода зухурланарди". Достоевскийнинг ўзи мана шундай ҳолатда етиб борган эди хилватхонага, қалбига юпанч ва мадор изларди. Ғоялар куртаги оиладаги машҳур йўқотишдан сўнг расмана асар сифатида етила борди. Бола Алексейнинг вафоти бу муҳташам асар туғилиши учун экилган уруғ эди. Роман бошдан-охир тубанда ўлиш ва юксакда туғилишга бағишланган. Бу Шарқнинг "ўлимдан аввал ўлиш, ўзингда ўлиш ва Ҳақда тирилиш" ғояларига мос. Кўҳна Шарқнинг қаландарлик, маломатия тариқатларига қанчалар яқин келган Достоевский! Инсон ҳар қаерда инсон экан-да!..

Анна Достоевская ўз хотираларида романдан Зосима отанинг "Дуода ёд қилгайман, эй онаизор, ёд айлагайман сенинг ғам-андухингни, дуо қилгайман, завжингни ҳам сиҳат-саломатлигини сўрагайман" сўзларини келтирар экан, бундай ёзади: *"Бу сўзларни менга 1878 йил Оптина хилватгоҳидан қайтар чоғида Фёдор Михайлович жўнатган. У ерда у Амвросий ота суҳбатида бўлган, ўғлимизнинг вафотидан қон йиғлаб, ўртаниб-ёнаётганимиз ҳақида сўзлаб берган. Амвросий ота Фёдор Михайловичга "Алёшанинг ва менинг азобларим ҳаққи илтижо қилиш, биз ҳамда болаларимиз соғлиғи учун дуода бўлиш"га ваъда қилган. Фёдор Михайлович руҳоний отанинг суҳбатидан ва ҳаққимизга дуода бўлиш ҳақидаги аҳдидан қаттиқ ҳаяжонга тушган эди*". Роман тадқиқотчилари мана шу манбаларга таяниб, Зосима отани Амвросий отанинг прототиби, монастыр билан алоқадор саҳналар Оптина хилватгоҳи таассуротлари дея баҳолайдилар. Достоевский ёзади: *"Бу чол елкамда жуда узоқ ўтирди..."* Ушбу тасвирлар биздаги тариқатлар, тафовутлар, адашишлар ва тобла нишларга қанчалар яқин.

Оилавий йўқотишдан сўнг Анна Достоевскаянинг хатлари ҳажман қисқарган. Адибда эса уйқусизлик, совқотиш, зеркиш, соғинч, босим остида ишлаш, очиқ-ойдин ва меҳр билан хатлар ёзишга ундаш кучая борган: *"Газеталардан фақат бутун Россиядаги қотиллик, талон-торожлар ҳақида ўқийсан. Шубҳа-ғумон эгаллайди, сизларга бирор кор-қол бўлди-микан деб ғамгин тортиб қоламан"*; *"Болаларга мен ҳақимда бирор кўнгилга ҳуш ёқувчи нарса айтиб бер"*; *"Бўйнимда "Карамазовлар" турибди,*

қойилмақом қилиб яқунлашим керак, гарчи оғир ва таҳликали, бор қувватимни олиб қўйса-да! Аммо бу муқаррар бир иш: у билан мустақкам оёққа туришим керак, ундан бошқа бирор умидим йўқ... қаламҳақиға бўлса ер сотиб оламан"; "бу бешинчи китоб – "Pro et contra", назаримда, романнинг авж нуқтаси, энг пухта ишланган мукамал қисми бўлиши керак. Бунда мутлақ куфрга кетган давримизнинг, Россиянинг, ёшлар ҳаётидан узиб қўйилган муҳитнинг издан чиқишидаги бош сабаб тасвири бор, бошбошдоқлик ва шаккоклик билан бир қаторда – уларнинг раддияси ҳам, бу жон бераётган қария Зосиманинг сўнги сўзларида акс этади".

Хатларда акс этган Пушкин таваллудига бағишланган нутқ хотиралари ҳам алоҳида қимматга эга. Достоевский уйга қайтишни ва романни охирига етказишни истарди, аммо таваллуд кунлари уни қўйиб юборишмайди. "Танаффус вақти залда сон-саноксиз одамлар – ёшлар, кексалар ва аёллар мени ўраб олиб айтишдики: "Сиз бизнинг халоскоримизсиз, "Карамазовлар"ни ўқир эканмиз, сиз бизни яхшироқ қилиб қўйдингиз..." Кейин бутун оломон зинада менга ёпирилди ва устки кийим-бошларини унутиб, ортимдан кўчага отилишди, мени извошга ўтқазиб қўйишди. Сўнг бирдан кўлимни ўпгани интилишди – бир эмас, ўнлаб одамлар, фақат ёшлар эмас, ёши улуғлар ҳам. Тургеневники ёлланган олқишловчилар бўлса, булар чинакам иштиёқманд-ихлосмандлар эди... Чиқиб келганимда зал қарсақлардан ларзага келди, узоқ, жуда узоқ вақт ўқигани имкон бермадилар. Таъзим қилдим, ўқишга имкон беришларига ишора бердим – фойдасиз: завқ-шавқ, ҳаяжон (ҳаммаси "Карамазовлар" шарофати билан!). Ниҳоят, ўқий бошладим... Мен баланд овозда, ёниб ўқидим. Яқунда умумжаҳон бирлиги ҳақида тантанали иқрор келтирганимда, залда жазаво бошланди. Яқунлаганимда – мен буни тўлиқ ифодалаб беролмайман, ҳаяжондан додлаб юборишди: оломон орасида йиғи бошланди, ҳўнграб йиғлашди, нотаниш одамлар бир-бирларини қучишди ва бир-бирларига яхшироқ бўлиш, бундан буён бир-бирларидан нафратланмаслик, аксинча, севиш аҳдини беришди... "Соҳибкаромат, халоскор!" дея қичқирарди оломон... "Сиз даҳосиз, сиз даҳодан ҳам ортиқроқ" деди Тургенев билан Анненков менга... Аня, бу келажак учун қафолат, ҳаммаси учун қафолат, ҳатто мен ўлсам ҳам".


Сизга мактублардаги ўзим учун муҳим деб белгилаган ўринларни ва айрим хулосаларимни келтирдим. Уларда Достоевский гоҳ хаста, дилгир, камситилгандек, гоҳ жўшқин, тажанг ва ўта ҳассос қиёфада боқади...

КОИНОТДАН ТАШҚАРИДА

Эжен Ионеско. Носорог. Пьесы. Санкт-Петербург, "Азбука-классика", 2008.

"Эркин яшамоқ, тарихдан-да ташқарида бўлмоқ, дунё тартибига дохил бўлмаслик, оркестрдаги бир чолғу, симфониядаги бир нота бўлиб қолмаслик. Саҳнада қолиб кетмаслик. Залдан туриб ҳаммасини кўрмоқ ва эшитмоқ. Гўё Коинотдан ташқарида тургандек. Агар саҳнадагина қолиб кетсанг ёки оркестрда чекингга тушган куйнигина чалсанг, бор-йўғи шовқинни эшитасан, илғаганинг диссонансларгина бўлади".

1968 йилда ўз тутуми ва маслагини шу тарзда ифода этган Эжен Ионеско (1909 – 1994) – руминиялик драматург, носир, абсурд театри асос-



чиларидан. Ўттиздан ортиқ пьеса, талай ҳикоя, романлар муаллифи. У ҳам Артур Адатов, Беккет, Камю, Кафка, Сартр каби абсурд дунёни реализмдан ҳам реалроқ ҳодиса сифатида қабул қилган. Унингча, “Реализм, соцреализм бўладими ёки бошқасими, воқеликнинг фақат бир томонини ифода этади. Реализм бизнинг асл ҳақиқатларимиз ва васвасаларимиз: севгимиз, ўлим ва ҳайратимиз билан ҳисоблашишни истамайди, чеклайди, ўзича юмшатади, бузади”. Шу боис унинг қаҳрамонлари, Кафкада суваракка айлангани каби, каркидонга дўнади; Сартрдаги каби ўзларини жаҳаннамда тасаввур қилади, Беккетдаги каби мангу кутиш чегарасида тўхтаб қолади. Ақлий бўлсин, руҳий бўлсин, жисмоний бўлсин – ўлим бу дунёнинг бош қаҳрамони ўлароқ талқин этилади. Унинг атрофидаги қайсидир персонаж эса замонавий дунёни ютаётган омма васвасаси ичида инсонийлик тугаб битгунига қадар бунга қаршилиқ қилади.

Китобдан жой олган пьесалардан бири – “Каркидон” 1958 йил ёзилган, 1959 йил саҳналаштирилган. Тадқиқотчилар уни нафақат фашизмга қарши ёзилган, балки ҳозирги омма онги тадқиқ этилган асар деб баҳолайди. Пьесадаги суҳбатлар, ҳаракатлар, қаҳрамонлар худди сув юзасида гирдоб ясаётган-у, лекин унинг тубига чўкмайдиган хас-хашакдек тасаввур уйғотади. Одамлар каркидонга айланаётган бир вақтда, улар каркидон янчиб кетган мушукни тантанали дафн этадилар. Одамлар каркидонга айланаётган бир вақтда, каркидоннинг қайси тури бир шохли, қайси тури икки шохли бўлиши ҳақида баҳс қиладилар. Бу ерда инсондан бошқа ҳамма нарсанинг қиймати бор. Бу ерда одамлар сийқа ва ҳиссиз тарзда муносабатга киришади. Бу ерда инсонийликни сақлаб қолган ягона қаҳрамон (Беранже) ерга урилади, унга – ягона ИНСОНга инсондек яшашни “ўргатадилар”. Ягона инсонийлик эски, чиркин кийимларда, кечаги сархушлиқдан дилтанг ҳолда юради, чарчоқ ва зеркишнинг қалин кўрпаси остида бўғилиб нафас олади, атрофдагиларда ирганч туйғу уйғотади. Унга “Аъло одам бу – шунчаки ўз бурчини адо этаётган... ўз қарзини... яъни хизмат вазифасини адо этаётган одам” дея тушунтирмоқчи бўладилар. У эса эътироз билдирмайди, эснайди, холос: “Ҳаёт бу – туш”. Уни “маданийлаштирмоқ”қа уринадилар, музейларга бориш, адабий журналлар ўқишга чақирадилар. Оқибатда ўз ҳаққини ҳимоя қила олмайдиган бу одамдан воз кечадилар. Мантиқсизликка айланган мантиққа бориб бош урадилар. Чириган миялар ҳаракатдан тўсади ва вақт йўлагини банд қилиб қўяди.

Одамлар каркидонга айланар экан, аввал бу жирканч ботқоқ махлуқини хушламаганлар уни бора-бора ёқтириб қолади, бурни тумшукка айланишини орзу қилади, хуриллаган овозга ошиқ бўлади. Шу тариқа ўзи ҳам каркидон қиёфасига киради. Беранже уларни инсон ҳолида сақлаб қолмоқни кўзлайди. Аммо унинг ёнида фақат гўзал машинкачи қиз Дэзи қолади. У Дэзи билан худди Одам ва Ҳаво каби Ер юзида инсон наслини қайтадан давом эттиришни истайди. Аммо қиз ҳам хуриллаётган, ҳўриллаётган, қичқираётган каркидонлар шовқинини бора-бора дилхуш куйдек қабул қилади, ҳатто уларни илоҳлар дея атайди ва ўшалар ёнига кетади. Боёқиш Беранже ҳеч кимни, инсон наслини давом эттириши мумкин бўлган сўнги аёлни ҳам инсон шариф экани, энг гўзал суратда халқ этилганига ишонтира олмайди. Қаҳрамоннинг “Мен охириги инсонман ва инсон бўлиб қоламан охиригача!” деган ҳайқириғи билан парда ёпилади. У мана шу мангу кутиш, мангу ҳайқирик ичида қолиб кетади.

Менга ҳам негадир ён-атрофим каркидонларга тўлаётгандек туюлади. Дағаллик, фикрsizлик, ҳисsizлик, инсонлик шарафидан тониш асносида қандайдир махлуққа айланиш – Ионеско огоҳлантираётган таҳлика нақ инсоният боши узра осилиб тургандек. Ионеско номи собиқ Иттифоқ ҳудудларида тақиқланган эди. Социалистик ватан кенгликларида каркидонлар югуриб юганини тан олишни ким ҳам истарди?! Бизнинг XXI асрда ҳам метро, автобус эшикларидан, телеэкран, радио тўлқинлари, газета-журналлар саҳифаларидан каркидонлар чиқиб келади гўё... Эски дунёга эркинлик етишмаган бўлса, замонавий дунёга эркинлик оғирлик қилмоқдами?!

Эжен Ионеско “Реалликдан ошиб, унинг чегараларини ёриб ўтиб, биз энди абсурд чегараларига кирдик ва ҳатто ундан ташқарига ҳам чиқиб бордик”, дейди. Бу сўзлар мағзини чақишга тиришаётган вақтимда ташқаридан каркидоннинг шовқини эшитилгандек бўлади...

ЮРАК УСТИДА САҚЛАНГАН КИТОБ


Сабззор. Баёз. Тошкент, Ильин босмаҳонаси, 1914.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ кўлэмалари хазинаси асосий фондида 12891 рақами билан “Сабззор” номли китоб сақланади. Кўпчилик, ҳатто анча-мунча адабиётшунос олимлар ҳам у ҳақда билмайди, билса-да, жуда оз маълумотга эга. Бу асар деярли 110 йилдан бери ўз ўқувчисини кутади.

Китоб 21x13,5 см ўлчамда бўлиб, муқоваси оч яшил тусли картондан ишланган. Ҳижрий 1332, милодий 1914 йилда Тошкентдаги Ильин босмаҳонасида нашр этилган. 49 саҳифадан иборат ушбу тошбосма китобни Мунавварқори тўплаб нашрга тайёрлаган. Баёз анъанавий тарзда басмала, ҳамд ва наът билан бошланади. Сўнг Васлий, Сўфизода, Авлоний, Хислат, Тавалло, Сиддиқий Ажзий, Холид Саид Хаёлий, Мискин, Ҳамза, Мирмулло Шермуҳаммад ўғли, Аҳқарий, Ахтарий, Лайлихоним, Ғофил каби ижодкорларнинг таҳририятга йўллаган табриклари, ғазал, мухаммас, мусаддаслари берилади. Яъни тўплам жадид зиёлилари таъсис этган “Садойи Туркистон” газетасида эълон қилинган материаллар асосида тартибланган.

“Сабззор” бошдан охир миллатга, халққа мурожаатдан, миллий огоҳлик даъватидан иборат. Замонавий китоб дунёсидаги бу илк миллий нашрлар Туркистон халқлари учун ёруғлик, нажотдек қабул қилинган. Кўкрак чўнтакларда, юрак устида сақланган. Тақиқ замонларида шеърлар юракларга кўмилган, китоблар чордоғу қабристонларга яширилган. Кўрқув замонида ер остига кирган китоблар ҳали ҳам замин қатларидан садо бериб туради.

Шу кунларда Уйғониш маърифати ҳақида кўп сўзланяпти. Ахлоқий безаниш, илмларни ўзлаштиришигина эмас бу. Уйғониш маърифати – уйғониш оғриқларига чидамоқ ҳамдир. “Сабззор” айнан миллий уйғониш маърифати, миллий оғриқлардан нақл этади. Чўлпон юз йил аввал “Ёзилмоғонми бу тунлар сўнгинда тонг отмоқ?!” дея ҳайқирган эди. Тонг отди, аммо бу шеърлар бугун ҳам юрагимизни ёқади, миллатни маърифат ва ҳушёрликка даъват этади. Уларнинг ҳеч бири эскирган эмас. Мирмулло Шермуҳаммад ўғли баёзда ёзганидек, барчаси руҳан, маънан қадни тик тутиш ҳақида. Қолаверса, Ватан йўлидаги мангу ташналик, мангу безовталиқ ҳақида. Зотан, мангу ташналик, мангу безовталиқ биздан ташқарида эмас.





Siyosiy madaniyat qanday shakllanadi?

Сиёсий иштирок атамаси сиёсатшунослик ва сиёсий социологиянинг муҳим тушунчалари сирасига киради. XX асрнинг ўрталарига қадар асосан фуқароларнинг сайловлар ва давлат бошқаруви жараёнида қатнашуви маъносидан изоҳланган. 1963 йилда Габриэль Алмонд ва Сидней Вербаларнинг “Фуқаролик маданияти” номли дастурий асари чоп этилган, кенг маънода талқин этила бошлади (Almond G., Verba S. *The Civic culture. Political attitudes and democracy in five nations. Princeton. 1963*).

Олмон сиёсатшуноси М.Каазенинг фикрича, “Сиёсий иштирок бу – фуқароларнинг сиёсий тизимнинг турли даражада қабул қилинадиган қарорларига таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширадиган кўнгилли фаолияти” (Kaase M. *Partizipation. Staat und Politik. Bonn, 1991. S. 251-252*). Каазе фуқароларнинг сиёсий жонбозлиги уларнинг манфаатлари ифода топишининг воситаларидан бири эканини таъкидлайди.

“Сиёсий иштирок – фуқароларнинг сиёсий жараён ва сиёсий тadbирларга жалб этилганидир... Бироқ реал ҳаётда фуқароларнинг бир қисми ўз иштирокининг самарасига ишонмайди ва сиёсий жараёнда қатнашишни истамайди. Бошқалар эса сусткашлиги туфайли иштирок этмайди. Учинчи гуруҳ фуқаролар ўзи жиддий деб билган сабабларга кўра сиёсий тadbирларни рад этади. Шунингдек, бу жараёнда иштирок этиш учун имконият ва воситаларга эга бўлмаган фуқаролар тоифаси мавжуд” деб ёзади россиялик социолог Г. Козирев (Козырев Г. *Основы социологии и политологии. Москва, “Форум”, 2008. Стр. 110*). Муаллифнинг сиёсий иштироки фуқароларнинг жалб этилгани тарзида талқин этиши, бизнингча, ноўрин. Чунки жамиятнинг сиёсий фаол вакиллари юксак онг ва маданиятга кўра амалга оширадиган хатти-ҳаракатлар бундай талқинда инобатга олинмайди.

Олима Т. Болховитина сиёсий иштирокнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтган: 1) кенгайтирилган

модель (бунда фуқаролар ҳокимият структураларига ҳар томонлама таъсир кўрсатади, сиёсий институтлар жадал фаолият юритади, манфаатларни намоён қилишнинг изчил тизими, фуқаролик назорати институти амал қилади); 2) чекланган модель (сиёсий хоҳиш-иродани намоён қилишнинг шакл ва усуллари чекловга учрайди); 3) мобиллашган модель (ижтимоий-сиёсий фаолликни кучайтириш мақсадида сиёсий институтларнинг марказлашган таъсири билан характерланади (Болховитина Т. *Модели политического участия: проблемное поле теоретического анализа // Научные ведомости. Серия История. Политология. Экономика. Информатика. 2012, №13. Выпуск 23. Стр. 161*). Илгари сурилган моделлар, бизнингча, замонавий жамият воқелигига тўлиқ мос келмайди. Зеро, сиёсий фаоллик субъектлар томонидан теран анланган эҳтиёж ва манфаатларни давлат сиёсати даражасида рўёбга чиқаришга қаратилган мунтазам хатти-ҳаракатлар бўлиб, улар мавжуд тартиб-қонунлар доирасида кечади.

Тадқиқотчи В. Барсегянга кўра, маданий, маъмурий, ижтимоий ва бошқа турдаги ресурсларнинг кишилар сиёсий фаоллигига таъсирини ўрганишга кўпроқ эътибор бериш лозим (Барсегян В. *Формы и факторы политической активности молодежи: классические концепции и современные исследования // Гуманитарные и социально-экономические науки. 2014, № 4. Стр. 121*). Зикр қилинган сиёсий иштирок шакллари маълум жамиятлар шароитида қисман ўз ўрнига эга, бироқ улар соф ҳолда амал қилмайди, балки кўп ҳолларда ўзаро кесишади, бир-бирини тўлдиради. Шу маънода, интеграцион моделни таҳлил қилиш истиқболли ҳисобланади.

Сиёсий фаолликнинг субъектлари бу – ижтимоий бирликлар ва ташкилотлар, шунингдек, алоҳида шахслардир. Ҳуқуқий асосларга кўра, у икки турга бўлинади: 1) қонуний сиёсий иштирок (фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбурият-

лари асосида амалга оширилади); 2) ноқонуний, норасмий сиёсий иштирок (тақиқланган шакл ва воситаларга таянади: қонунни бузган ҳолда намойиш ва митинглар ўтказиш, сиёсий мотивларга кўра очлик эълон қилиш, норозилик сифатида ўз жонига қасд қилиш, қонунларга бўйсунушдан бош тортиш кабилар).

Мақсадга мувофиқлик даражасига кўра сиёсий иштирокнинг инструментал (аниқ чора-тадбир ва мезонларга таянадиган) ва ноинструментал (аниқ чора-тадбир ва мезонлари ишлаб чиқилмаган, стихияли табиатга эга) турлари мавжуд.

Сайловлар – давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларини овоз бериш йўли орқали шакллантириш воситасидир. Фуқароларнинг сайловда иштироки умумийлик, тенглик ва яширин овоз бериш тамойилларига асосланади. Референдум ҳам демократия институтларидан бири бўлиб, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини билдиришини англатади. Намойиш, митинг, йиғилиш, пикет, иш ташлаш, петиция кабилар сиёсий иштирокнинг қонуний шакллари саналади.

Фуқаролар фаоллигида сиёсий кучларнинг ўзaro мувозанати, жамиятнинг сиёсий маданияти каби объектив омиллар, шунингдек, кишиларнинг бошқарув тизимига нисбатан муносабати, қадриятлар, эҳтиёжлар, билим ва хабардорлик даражаси каби субъектив жиҳатлар муҳим ўрин тутлади.

Сиёсий иштирок қандай шаклда намоён бўлмасин, унинг ғоявий асослари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аниқроқ айтганда, шахс, ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг фаоллиги қандай мазмундаги ғоялар ва қадриятлар таъсирида юзага келгани ва қандай мақсадларга қаратилгани жамиятнинг на-

фақат сиёсий ҳаётини, балки ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий тараққиётини белгилаб беради.

Сиёсий иштирок муайян маданиятни тақозо этади. Бу, бир томондан, қонунларга бўйсунушда кўринса, иккинчи томондан, фаол фуқароларда қадриятлар, ижтимоий ва сиёсий мўлжаллар асосида шаклланган мотивациялар тизими билан белгиланади. Бу, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллигида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ёшларнинг бирор ижтимоий гуруҳга мансублигини теран англаб етиши, атрофида ўзи каби қадрият ва идеалларни қўллаб-қувватлайдиган ҳамфикр кишиларни топиши улардаги сиёсий иштирок рағбатини кучайтирувчи омил ҳисобланади. Ёш авлод қалбидаги рағбат ҳисси индивидуал ёки гуруҳий миқёсдаги, ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар билан уйғун келганда таъсирчан кучга айланади. Бошқа томондан, жамиятда сиёсий фаоллик учун имкониётлар қанча кўп ва қулай бўлса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ҳам шунча ортиб боради. Демак, давлат ҳокимиятининг ҳам, фуқаролик жамияти институтларининг ҳам муҳим вазифаларидан бири – демократик жамиятни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ёшларнинг фаол иштироки учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Умуман олганда, сиёсий иштирокнинг қонуний асосларга таяниши жамиятда комплекс вазифаларни самарали ҳал этишни тақозо қилади. Бунда сиёсий ва ҳуқуқий маърифат тизими самарадорлигига эришиш, жамият аъзолари маънавий-ахлоқий ва ижтимоий савиясини мунтазам юксалтириб бориш муҳимдир.

Алишер ШОИМОВ,

*Термиз давлат университети
катта ўқитувчиси*

Temir izdan chopar po'lat tulporlar

Бугунги кунда транспорт-коммуникация тизимида темирйўл транспорти алоҳида ўринга эга. Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли ва самарали боғлайдиган, халқaro транспорт тармоқларига чиқишни таъминлайдиган, мустақил ва яхлит темирйўл транспорти коммуникациялари тизими барпо этилгани, ҳеч шубҳасиз, шу йўналишда эришилган тарихий ютуқ бўлди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг темирйўл тизимида унинг барқарор ишлашига тўсқинлик

қиладиган қатор муаммолар мавжуд экани кўзга ташланиб қолди. СССР парчаланиб кетганидан сўнг республикаимиз юклари денгиз бандаргоҳларига чиқиши учун бир неча мамлакатларнинг ҳудуди орқали ўтишга тўғри келмоқда. Бу ҳолат давлатимизнинг иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятини чегаралаб, юкларимиз транзит тарзида ўтадиган мамлакатларга қарам қилиб кўяди. Иккинчидан, собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги божхона тартиб-тамоийилларининг мукамал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар

товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг катта қисмини беҳуда йўқотмоқда.

Осиё тараққиёт банкининг 2019 йилдаги маълумотига кўра, Ўзбекистон Темирийўллари тармоғи кенг калибрли (1520 мм) рельслар тизимига эга. Операцион тармоқ узунлиги 4718 км (шундан 54 фоизи электрлаштирилган) бўлиб, умумий электрлашган темирийўл излари 2530 километрни ташкил қилади. Темирийўл линиялари яхши таъмирланган бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Термиз шаҳарлари оралигида тезорар “Талго” йўловчи ташув поездлари қатнови йўлга қўйилган.

2018 йил охирида Ўзбекистон Темирийўллари-нинг хизмат кўрсатувчи парки 98 та магистрал электровоз, 82 та магистрал тепловоз, 21 та электровоз ва 172 та манёвр локомотивидан иборат эди. Тармоқ таркибидеги кўпгина локомотивларнинг хизмат муддати туғаша яқин. Келгуси йилларда уларни алмаштириш талаб қилинади (*Uzbekistan Railways SWOT: opportunities and challenges after reforms. Retrieved from <https://centrefor.org>*).

2018 йилда Ўзбекистон Темирийўллари АЖ мамлакат ички транспорт юк ташиш айланмаси ва ҳажмининг қарийб учдан икки қисмини ўз зиммасига олган. Темирийўллар транзит юк ташиш ҳажмининг 10 фоиздан камроғини амалга оширган бўлса, юк айланмасининг қарийб 20, импорт ҳажмининг 19 ва импорт айланмасининг 13, экспорт ҳажми ҳамда айланмасининг 9 фоизи темирийўллар орқали амалга оширилган. Ўзбекистон бўйлаб транзит ташиш бўйича ўртача темирийўл масофаси (540 км) ички ташиш (227 км), экспорт (258 км) ва импортдан (163 км) икки баравар кўпроқ бўлган.

Совет Иттифоқи қулагандан кейин ўтказилган миллий чегаралар Бухоро ва Бейнеу (Қозоғистон) ўртасидаги тахминан 1000 км шимоли-ғарбий темирийўл коридорини икки давлатга бўлиб юборди. Ўз даврида бу Марказий Осиё ва Россия ўртасидаги муҳим йўл бўлган. Мустақиллик йилларида коридорнинг деярли ярми Туркменистон ҳудудида жойлашган эди, бу эса шаҳарлараро хизматларни амалга оширишни қийинлаштирди. Автотранспорт қатновининг катта қисми Қозоғистоннинг шимоли-шарқига, Арис ва Шалкар орқали бир неча юз километрлик параллелдаги шимоли-ғарбий йўлакка йўналтирилди. Ўшандан бери Туркменистон ўрнига Ўзбекистон ичида босқичма-босқич янги темирийўл участкалари қурилди, бироқ ҳали ҳам ечилиши керак бўлган муаммолар мавжуд. Мазкур чора-тадбирлар амалга оширилгач, темирийўл йўлаклари Ўзбекистоннинг Россия, Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдосига хизмат кўрсатишда катта роль ўйнаши мумкин. Бу эса Ўзбекистон темир-

йўлида юк ташишнинг ўртача узунлигини сезиларли даражада оширади, ўз навбатида юк айланмаси ва даромад ҳам ўсади.

Транзит транспортини кенгайтириш “Ўзбекистон темирийўллари”нинг 2015 – 2019-йиллардаги ривожланиш стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан биридир. Ўзбекистон Темирийўллари шимол, жануб, шарқ ва ғарбга халқаро транзит йўлаклари билан боғланиб, Марказий Осиёдаги стратегик мавқеидан фойдаланишни истади. 2019 йилги бизнес режасида компания асосий транзит транспорт оқимида ўсишни кўзлайди. Булар Ўзбекистон – Қозоғистон чегарасидаги Саригаш (Тошкент яқинида) ва Афғонистон (Келес-Ғалаба) ва Қирғизистон (Келес-Бекобод) ўртасидаги транзит ташиш, шунингдек, Тожикистон ва Туркменистон ўртасидаги Болдир-Қудуқли оқимларига тааллуқлидир.

Эронга қарши иқтисодий санкциялар туфайли Ўзбекистон денгизга тўғридан-тўғри кириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун Хитой ва Шарқий Осиёга чиқувчи транспорт қуруқлик йўлларида фойдаланади. Бунда иккита тармоқ йўналиши мавжуд: Россияни Қозоғистон орқали Ўзбекистон билан боғловчи Транс-Сибирь темирийўли ва Қозоғистондан Хорғос ёки Дўстлик орқали Хитойга ўтувчи Транскаспий халқаро транспорт йўли (ТИТР). Иккала йўналиш ҳам Ўзбекистондаги Саригаш станцияси орқали боғланади. ТИТР Транс-Сибирь темирийўлига қараганда анча қисқароқ масофа, бироқ ҳозирча кесиб ўтиш учун бир неча кун кўпроқ вақт кетади. Автотранспорт воситаларининг кичик бир оқими ТИТР йўлаги бўйлаб ёки Қирғизистоннинг Иркештам ва Ўш ҳудудларидан Кошғар (Хитой) ҳамда Фарғона водийси ўртасидаги ўтиш йўлагидан фойдаланади. Бу борада таклиф этилаётган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темирийўли Кошғардан Фарғона водийсига ўхшаш йўналиш бўйлаб ҳаракатланиш масофасини ва баъзи транспортлар учун етказиб бериш вақтини қисқартиради, шунинг учун у катта ҳажмдаги транзит трафигини жалб этиш имкониятига эга бўлиши мумкин (*Levina M. China – Kyrgyzstan – Uzbekistan Railway. Worldview. <https://worldview.stratfor.com/article/china>*).

Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан деярли барча темирийўл савдоси Саригаш чегара постидан ўтади ва Арисдан ғарб ва шарққа қараб боради. Бу йўналишлар келажақда ҳам ўз муҳимлигини йўқотмайди. Агар Ўзбекистон транспорт коридорининг шимоли-ғарбий йўлаги яхшиланса, мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмлари ва Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий қисмларига хизмат кўрсатувчи ай-

рим транспортлар учун Оазис ва Бейнеу (Қозоғистон) орқали қисқароқ муқобил йўналишни таклиф этиш мумкин. Тожикистоннинг ғарбий ва Қирғизистоннинг жануби-ғарбий ҳудудлари савдо ва транзит ташиш муносабатларига киришган ҳолатда Ўзбекистон темирйўллари тармоғига уландиган мавжуд линиялар асосий йўналиш бўлиб қолиши

мумкин. Шунингдек, Марказий Осиёдаги энг қисқа масофали йўналишларда темирйўллар автомобиль транспорти билан ҳам рақобатга киришмоқда.

Озодбек РАЖАБОВ,

Ўзбекистон Миллий университети
катта ўқитувчиси

Asrlarga bo'yidosh qo'shig'im

Никоҳ тўйи маросими узоқ тарихга эга. У ўйин-кулги, хатти-ҳаракат ва вербал компонентлардан иборат бўлиб, кўплаб қадимий урф-одат, ирим-сирим ва удумларни қамрайди. Ижро ўрнига кўра тасниф этилганда ёр-ёрлар никоҳ тўйидан ташқари хатна тўйи ва мотам маросимида ҳам куйланиши аниқланган.

Никоҳ тўйи маросимига оид илк қайдлар “Девону луғотит турк”да учрайди. Унга кўра, XI асрдаёқ оғзаки ва ёзма адабиётда “байт” номи билан аталувчи жанр мавжуд бўлган (*Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент, “Фан”, 1963. 39 – 53-бетлар*). Асардаги бошқа кўшиқларда ҳам тўй маросимига тегишли сўзларнинг учраши никоҳ тўйи маросимининг тарихий илдизлари қарийб минг йилликка бориб тақалишидан далолат беради. Яъни улар исломдан олдинги даврга тегишли (*Шомирза Турдимов. Ўзбек халқ кўшиқлари. Тошкент, “Фан”, 2020. 5-6-бетлар*).

“Девон”даги кўшиқларни Ўзбекистонда илк мартаба ўрганган Абдурауф Фитратнинг аниқлашича, Маҳмуд Кошғарий 209 та туркий, жумладан, ўзбек халқ кўшиқларининг қўшуғ, йиғи-йўқлов, тўртлик, қарғоқ, алқиш, йир каби ички шакллари фарқлаб, тегишли илмий атамаларни таомилга киритган (*А. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2008. 124-бет*).

Тўй кўшиқлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Фольклоршунос олима Музайяна Алавия “Тўй кўшиғи ўлан билан ёр-ёр бир нарса бўлиб, Бобур ёзган ўланга Навоийнинг чинга ёки чинка тўғрисидаги маълумоти тўғри келади” деб қайд этади. У Навоий зикр қилган қиз узатишда куйланадиган “чинга” кўшиғи XX асрнинг ўрталарида ҳам халқ орасида “чинка”, “чинга” номи билан мавжуд бўлганини аниқлаган (*М. Алавия. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тошкент, “Фан”, 1974. 45-бет*).

Тилшунос олим, профессор Эргаш Умаровнинг ёзишича, “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас” мақолидаги “чанг” сўзи “овоза”, “шон”, “маълум бўлиш” каби маъноларни билдириб, тупроқдан кўтариладиган чангни эмас, балки “товуш”, “дупур”, “овоза”, “кас”

маъноларини англатади ва қадимги “чи/ча” ўзагига бориб тақалади (*Э. Умаров. Чинка қандай кўшиқ? // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2003 йил, 6-сон. 85-86-бетлар*). Атоқли олим Василий Радлов бу сўзнинг “чэнгә” шаклидаги вариантини “халқ кўшиқларининг бир тури, ашулачи ва мусикачиларнинг келини кутиб олиш чоғида ижро этадиган ашуласи” деб изоҳлаган (*В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. Т.3. Часть 2. СПб, 1899*).

Этнограф олим Адҳамжон Аширов Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан ёзиб олган маълумотга кўра, ёр-ёр жанрига оид матнлар **ўланг** деб аталади. Профессор Баҳодир Саримсоқов таъкидича, лапар ва ўлан жанрларининг генетик жиҳатдан алоқадорлиги шубҳа уйғотмас ва, уларни тарихан бир ҳодиса сифатида олиб қараш ишонарли эмас. Фарғона водийсининг айрим жойларида ўлан мисралари охирига “ёр-ёр” сўзини радиф қилиб ишлатиш ҳоллари бу икки жанрнинг ўтмишда бир бўлганини билдирмайди (*Б. Саримсоқов. Ўзбек фольклори очерклари. Тошкент, “Фан”, 1988. 195-бет*).

Мазкур атаманинг келиб чиқишига оид изоҳлар турлича. Жумладан, фольклоршунос олим Маматқул Жўраев “ёр-ёр” истилоҳи таркибидаги “ёр” лексемаси қадимги туркий тилда, шунингдек, хакас, тува, шор, кўмиқ, қозоқ каби ҳозирги туркий тилларда “кўшиқ”, “ашула” маъноларини англатувчи “ир”/“йир”/“жир” сўзидан келиб чиққан, деб ёзади (*Икки кўнғил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи: Маматқул Жўраев. Тошкент, 2016. 6-бет*).

Профессор Жаббор Эшонқул “Оилавий маросимларнинг барча қирралари мавсумий маросимларни ўрганиш орқали очилади”, деб ҳисоблайди (*Ж. Эшонқул. Эпос ва маросим // Миф ва бадиий тафаккур. Тошкент, “Фан”, 2019. 61-бет*).

Қадимий тасаввурларга кўра, “оламнинг “ўз” ва “ўзга” қатламлари мавжудлиги “қизлик олами” вакилининг рамзий ўлими ва “келинлик дунёси”да, яъни “ўзга олам” – куёв хонадонидида “қайта тирилиши” билан боғлиқ қарашларда кўринади (*Р. Султангаев. Башкирский свадебно-обрядовый фольклор. Уфа. 1994. 29-бет*).

Тадқиқотчи Феруза Абдурахмонова ўлимнинг ҳосилдорлик ва серфарзандликка таъсири ҳақидаги тасаввурлар никоҳ маросимида барқарор экани, кўшиқ этимологияси ўлиб тирилувчи табиат культлари билан боғлиқлиги, бу маросимларнинг турли ирим-сиримлари ва айтимлари бўлганини қайд этиб, “маросимда кўшиқни англлатувчи “ир”, “йир”, “жир” каби сўзлар ишлатилган”, деб ёзади (Ф. Абдурахмонова. *Ёр-ёр маросим кўшиқларининг жанрий хусусиятлари ва бадиияти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент, 2022. 24-бет*).

Ёр-ёрлар ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва тожик никоҳ тўйи маросимида ижро этилади. Бу кўшиқ қадимдан туркий халқлар никоҳ тўйи маросимида қизни ўз уйдан қуёвниқига узатиб кетишда, келинни қуёв хонадонига киритишда, айрим ҳудудларда эса келин-қуёвни оловдан айлантиришда, чимилдиққа киритишда, шунингдек, “юз очди”, “юз кўрди” маросимида қуйланган. Тожик ва ўзбекларда “ёр-ёр”, татар, озарбайжон ҳамда уйғурларда “яр-яр”, қирғизларда “жар-жарай”, қozoқларда “жар-жар”, қорақалпоқларда “яр-яр” ёки “хəужар” деб номланган.

Тожикистоннинг марказий ва жанубий туманларида истиқомат қилувчи лақайларда ҳам яр-яр жанри мавжуд бўлиб, келинни узатиб кетишда янгалар томонидан ижро этилган (Н. Назаров. *Этнография, лингвистика ва фольклор. Тошкент, “Тамаддун”, 2010. 279-280-бетлар*).

Афғонистондаги ўзбеклар никоҳ тўйида қадимдан “ной-ной” кўшиғи айтилиши ҳақида ҳаваскор афғон фольклоршуноси орқали маълумотга эга бўлдик. “Ной-ной”лар асосан аёллар томонидан доира жўрлигида ижро этиладиган тўртлик шаклидаги термалардан иборат экан.

Ёр-ёрлар Сурхон воҳасида никоҳ тўйининг “соч ўрар” удумида ҳам айtilган. Узатишдан олдин келиннинг сочи янгаси ёки қайвони аёллар томонидан майда қилиб ўрилган. Одатда майда ўрилган соч учларига жамалак тақилади, тўйда эса келинга оқ фотиҳа берилиб, яхши ниятлар ила пахтадан тайёрланган махсус оқ пилик тақилган. Сунгра келиннинг бошига шол рўмол ёпилиб, юзига оқ докадан паранжи ташланган ва қуйидаги айтим айtilган:

*Сочларини силашиб кекса-ёшлар, ёр-ёр,
Қуёв билан келинни уйга бошлар, ёр-ёр...*

(ЎзФА *Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. 1833-сонли инвентар рақами. 30-бет*).

Момолар келиннинг икки елкаси ва орқа бўксасига уриб-қoқиб қўйганлар, дугоналари келинга тақинчоқлар тақийшган ҳамда “соч сийпатар” удумини бажаришган. Шундан сўнг “қуёв кийит” удуми ўтказилган. Келин томон қуёв сарполарини кийинтиргач, оқсоқоллар қайнота ва қуёвни қучоқлаштириб кўриштирган. Бу одат “юз кўрди” деб аталган. Шундан сўнг қуёвни чимилдиққа қузатаётиб янгалар томонидан “қуёв ёр-ёри” айtilган.

Ёр-ёрлар ижро ўрни, айрича матний қурилиши, поэтик образлари ва бадий-эстетик функциясига кўра умумўзбек фольклори аънаналари билан муштарак жиҳатларга эга. Улар нафақат тўйларда, балки унутилаёзган постфольклор кўринишида бўлса-да, инсон бошига оғир мусибат тушганда қуйлаши билан ҳам қимматлидир.

Латифа ХУДОЙҚУЛОВА,
филология фанлари номзоди

Sadolarga singgan hikmatlar

Мақом куй оҳанглирининг қадимий қатламларини ўрганишга доир махсус мусиқий рисолалар бўлмаса-да, асосий манбалар бизнинг даврга қадар етиб келган. У ҳам бўлса аждодларимиздан қолган бебаҳо маънавий мерос – Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари. Мақом куйларининг хусусий “тил” тузилиш (синтаксис) қурилмаларини таҳлил этиш асосида уларда уйғунлашган турли давр мусиқий қатламларини аниқлаш мумкин.

Мақомларга назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бирида мукамал даражада уюшган парда (товуш) тизими мавжудлиги эътиборни жалб этади. 7 та асосий пардалари ўзаро уйғун, оҳангдош товуш-

лар нисбатига қурилган бу нағамотлар ким томонидан ва қачон ижод этилган?

Айрим қарашларга кўра, уларнинг шаклланиши мусиқа санъати тараққий этган асрларга тааллуқли. Бироқ жаҳон мусиқа тарихи бундай хулосани инкор этади. Чунки мақом пардаларига ўхшаш пардали товуш тизими Шарқу Фарб мусиқа маданиятига жуда қадим замонлардан маълумдир. Хусусан, қадимги юнонлар бу каби парда уюшмаларининг бир неча турини билибгина қолмай, уларнинг инсон тарбиясида алоҳида ўрни борлигини ҳам таъкидлаганлар. Донишманд Фисоғурс (Пифагор) эса мукамал пардаларнинг инсон руҳиятига фавқуллодда таъсири сабабларини илмий билиш мақса-

дида уларни математик усуллар асосида ўрганган. Бу усуллар кейинчалик ўрта аср Шарқ мусиқашунос олимлари томонидан ҳам қўлланган.

Мақомларда мавжуд яна бир мусиқий қатламни халқ оғзаки мусиқа ижодиётининг кўҳна намуналари ташкил этади. Ҳайратланарли томони шундаки, мақомларда халқ мусиқасининг ҳатто энг қадимий намуналарига оид “излари” ҳам сақланган. Хусусан, буни бизгача етиб келган “Наврўзи Ажам”, “Наврўзи Ҳоро”, “Наврўзи Сабо” номли мақом намуналарида кўрамиз. Уларнинг негизида мутахассислар томонидан “халқ куйининг энг қадимий намунаси” (“бирламчи чизиқ” – Ҳайнрих Шенкер) тарзида тасниф этилган куйи оқим куй оҳанглари яққол намоён бўлади. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Маълумки, кўпгина Шарқ халқлари узок ўтмишдан буён Наврўз байрамини кенг нишонлаб, шу муносабат билан куй ва ашуларда ижро этиб келган. Мавсумий маросим мусиқаси сифатида халқ ҳаётидан муқим ўрин олган бу тоифа куйлар кейинчалик мақом тизимига киритилган бўлиши мумкин.

Мақом манбалари қаторида “гоҳ” (Дугоҳ, Сеғоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ шаклидаги) куй тизимлари ҳам эътиборга молиқдир. Аксар олимлар бу тоифа куйлар негизи қадимий китобларни маълум оҳангларида ўқиш аъёнасига дахлдорлиги, жумладан, “Авесто”даги “гот” мадҳияларига бориб тақалишини тахмин қиладилар. “Гоҳ” куйларининг таҳлили уларнинг илдизи фараз этилаётган даврдан-да қадимийроқ эканини кўрсатади. Хусусан, Фарғона-Тошкент мақомларидаги Дугоҳ-Ҳусайний негизида икки таянч пардали оҳанг тизими Сеғоҳ куйида, шунингдек, Таснифи Сеғоҳ, Хоразм Сеғоҳ мақомининг Тани мақом қисмларида эса уч таянч пардали оҳанг тизимлари борлиги аён бўлади. Этномусиқашунос олимлар қўлга киритган сўнги ютуқлардан маълумки, бу каби таянч товушли куй намуналари халқ мусиқий тафаккурининг илк куртакларидир.

Дастлабки мақом тизимлари қачон ва қандай шаклда бўлгани хусусида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Бу борада сосонийлар саройида (шоҳ Хусрав Парвиз даврида – 590 – 628 йил) хизмат қилган машхур мусиқачи Борбад (ваф. 628 й.) ижодий мероси, хусусан, унга нисбат бериладиган “Этти хусравоний” тизими диққатни тортади. Мусиқашунос олимлар тахминича, “Этти хусравоний” тизими кейинчалик мақомот тизимлари юзага келишида асос бўлган. Аммо бу масалада ҳали қатъий бир тўхтамга келинмади. Бир гуруҳ мутахассислар салобатли мақом тизимларининг юзага келиши касбий мусиқа қатлами (ижодкорлик, ижрочилик) тараққиётининг маълум тарихий босқичи, шунингдек, ри-

вожланган мусиқа илми, фалсафа ва математика фанларининг мавжудлиги, қолаверса, зарур шаҳар маданий муҳити каби омиллар билан шартланганини алоҳида таъкидлайдилар. Хусусан, атоқли мусиқашунос олим, санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабовнинг бу борадаги фикри эътиборга молиқдир: “Мақом инсоннинг мусиқа ҳақидаги тushunchalari, мусиқавий-эстетик қарашлари баркамол бўлган, кишиларнинг онги ва савияси юксалган бир даврда юзага келган. Мақом тизимининг шаклланиши жаҳон илму фанининг ривожланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шарқ мусиқа олимлари мусиқани тиббиёт, фалсафа ва математика фанлари билан боғлиқ эканини уқтириб ўтганлар”. Профессор Равшан Юнусовнинг таъкидлашича эса, “Шарқ мақомоти кўҳна, анча мураккаб фалсафий-эстетик, мусиқий-назарий ҳамда амалий асосларга эга”.

Шуни айтиш кераки, Шарқ мусулмон оламида мақом тизимлари юзага келиши учун зарур омиллар IX – X асрларга келиб жамулжам бўлган эди. Зеро, айнан шу даврларда аниқ фанлар ривожланди, ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг (871 – 950) мусиқашуносликдаги буюк хизматлари натижаси ўлароқ Шарқ мусиқа илмига асос солинди; касбий мусиқа амалиёти янги босқичга кўтарилди; диний-фалсафий таълимот ва қарашлар ёйила бошлади. Мазкур омиллар таъсирида ўрта аср Шарқининг йирик ва марказий шаҳарларида ўн икки мақом тизими юзага келди. Мазкур тизим таснифоти дастлаб Сафиуддин Урмавий (тах. 1230 – 1294) ва Кутбиддин Шерозийларнинг (1236/37 – 1310) мусиқа илмига доир асарларида ишлаб чиқилган бўлиб, кейинги асрларда Абдулқодир Мароғий (XVI аср), Абдурахмон Жомий, Зайнулобидин Ҳусайний (XV аср), Нажмиддин Кавкабий (XVI аср), Дарवेशли Чангий (XVI – XVII асрлар) каби олимлар томонидан давом эттирилди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда мақом хусусидаги таърифларга қуйидагиларни қўшимча этамиз:

1. Мақом – садоларда инъикос этган ҳикматлардир. Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти сари юксалиши ва чин ҳақиқатга эришуви мазкур ҳикматларнинг ўзагини ташкил этади.

2. Мақом бу – тариқат босқичларининг ўзига хос мусиқий ифодаси бўлган мукамал пардалар тизими ва куй мавзуини маълум йўсинда (қуйидан юқорига қараб изчил) ривожлантириш услубидир.

Мақом борасидаги ушбу таърифлар нафақат ўн икки мақом, балки Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ҳам дахлдордир. Буни уларнинг таркибий қисмларида “мақом” сўзи билан бирга “само”, “гардун”, “қалан-

дар”, “самандар”, “гиря”, “нола”, “чарх”, “фарёд”, “соқийнома” каби кўплаб тасаввуф истилоҳларининг қўлланиши, шунингдек, асосий айтим йўлларида Ҳофиз, Жомий, Сақокий, Лутфий, Навоий, Машраб, Бедил ва бошқаларнинг юксак ишқ мазмунидаги ғазаллари қуйланиб келиши ҳамда тариқатнинг бадийи акси билан изоҳлаш мумкин. Лекин энг муҳим далил – буюк ишқ дарди ила йўғрилган мақом муסיқасидир.

Демак, мақом – наинки Шарқ муסיқа маданияти ҳодисаси, балки инсоният эришган юксак маънавий даражадир. Зотан, у инсонда соф туйғуларни уйғотиб, руҳиятни нафс тўсиқлари узра асл мақомот сари юксалишга даъват этади.

Машрабжон ЭРМАТОВ,

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти профессори

Tuproq'ida oltin gullagan zamin

Ўзбекистон замини қадимдан олтин, кумуш, уран, мис, полиметалллар, темир, фосфорит, каолин каби фойдали қазилмаларга бой бўлган. Советлар ҳукмронлигининг дастлабки йиллариданоқ ерости қазилма бойликларини қидириб топиш ва қайта ишлаш бўйича катта ишлар олиб борилди. Бундан мақсад, энг аввало, Совет давлатининг бюджетини тўлдириш, иккинчидан, миллий республикалар ҳудудидаги ерости бойликларини ташиб кетиш эди.

XIX асрнинг 60 – 70-йилларида Тошкент шаҳрида чор Русияси томонидан Ўрта Осиё кончилик жамияти, Рус география жамиятининг Туркистон бўлими ва Тошкент кимё лабораторияси ташкил этилгандан сўнг мазкур ҳудуд геологиясини ўрганиш кўлами кенгайган эди. Ўрта Осиёдаги, жумладан, Қизилқум саҳросидаги геологик қидирув ишлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида рус кон муҳандиси Николай Барбот де Марни (1829 – 1877) ва геолог Иван Мушкетов (1850 – 1902) илмий ишларида учрайди. И. Мушкетовдан кейин Қизилқум ҳудудида геологик қидирув ишлари тўхтаб қолди (*Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 78-рўйхат, 1329-иш, 7-варақ*).

Совет ҳукумати ўрнатилгач, Ўзбекистон ҳудудида қимматбаҳо металл конларини аниқлаш, қазиб олиш ва уларни марказга ташиб кетиш давом этди. Олтин, кумуш, мис ва бошқа маъдан конларини қидириб топиш, улардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда Марказнинг геология бўйича илмий-тадқиқот институтлари фаол иштирок этди. 1927 йилда Москвадан ўборилган геологлар И. Герасимов ва П. Чихачев томонидан Қизилқум ҳудудининг геологик харитаси тузилди (*Навоий КМК Марказий архиви. 1-Фонд, 78-рўйхат, 1329-иш, 8-варақ*).

Ўрта Осиё ҳудудида геологик қидирув тадқиқотларини кенг кўламда олиб боришга қаттиқ туртки

берган воқеа – 1918 йилда Тошкентдаги Туркистон халқ университетида (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) геология факультетининг ташкил этилиши бўлди.

1924 йилдан Ўзбекистон ҳудудида қазилма бойликларни қидириш ишлари бошлаб юборилади. Жумладан, С. Машковцев раҳбарлигида олиб борилган геологик тадқиқотлар натижасида Олмалиқ дарёси ҳудудида йирик қазилма бойликлар конлари мавжуд, деган илмий фараз илгари сурилди.

Қазилма бойликларни қидиришда бирламчи тадқиқотлар учун объект сифатида Қорамозор ва унинг шимолий қисми – Олмалиқ-Ангрен кон-маъдан ҳудуди олинди. 1926 йилда Қалмоққир кони геолог Б. Наследов томонидан батафсил ўрганилди. Умуман, ҳудудда кончиликнинг ривожланиши унинг номи билан боғлиқ. 1926 – 1927 йилларда конда мунтазам геологик қидирув ишлари олиб борилди. Олим томонидан Қалмоққир мис ва бошқа конлар полиметалл захиралари бўйича ноёб экани қайд этилди (*Наследов Б. Месторождения полиметаллов Средней Азии. Минеральные богатства Средней Азии: сборник. Ленинград, 1935. Стр. 61 – 94*). Б. Наследов, шунингдек, Қорамозор конида уран, радий ва қўрғошинни аниқлаш бўйича ҳам геологик изланиш олиб борди.

1928 йилда Тошкентда геологларнинг съезди чақирилди ва унда Ўрта Осиёда олиб борилган тадқиқотлар ва келгусида қайси йўналишларга эътибор бериш масаласи муҳокама этилди. Съездда минтақанинг кўмир, нефть, олтингурт, рангли ва нодир металлларга бой экани қайд этилди.

1925 – 1927 йилларда С. Машковцев Қалмоққир мис, Қўрғошинкон ҳамда Кумушкон қўрғошин-рух конларини кашф этди. XX асрнинг 40-йилларига қадар минтақада мис-молибден ва қўрғошин-рух рудаларининг йирик конлари аниқланди.

Ўзбекистонда геологик қидирув тадқиқотларини олиб бориш ишларини янада кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 1926 йилда Тошкент шаҳрида Геология қўмитасининг Ўрта Осиё бўлими қошида Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилди. Мазкур тузилма 1938 йилда Ўзбек геология бошқармаси сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон худудида конларни топиш ва ўрғанишда атоқли геолог олим И. Мушкетовнинг ҳиссаси катта. У Ўрта Осиёнинг тўлиқ илмий геологик ва тектоник схемасини тузди.

XX асрнинг 30-йилларида СССР нефть, чўян ва кўмир ишлаб чиқариш бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. Аммо мис ишлаб чиқариш бўйича 10-ўринда, кўрғошин бўйича 14-ўринда, рух бўйича 17-ўринда эди. Бу вақтда жаҳонда ишлаб чиқариладиган миснинг 50, кўрғошиннинг 35, рухнинг 30 фоизи АҚШ ҳиссасига тўғри келар эди (*ўша манба, 61-бет*). Совет ҳукуматини бу рақамлар қониқтирмасди. Шу мақсадда геологлар олдида мис ва бошқа қазилма бойликлар қонини қидириб топиш вазифа-

си қўйилиб, қайта ишлаш корхоналарини қуришга катта эътибор қаратилди. Зеро, турли маъданлар ўша кезлар барпо этилаётган завод-фабрикалар учун жуда зарур эди.

XX аср ўрталарида геологлар Қизилқум худудида бошқа қазилма бойликларни қидириб топишда катта муваффақиятларга эришдилар. Олимларнинг Ўзбекистонда йирик олтин конлари мавжудлиги ҳақидаги илмий-назарий тахмини тўла тасдиғини топди. Машҳур геолог олим Иброҳим Ҳамробоевнинг 1958 йилда чоп этилган “Ғарбий Ўзбекистонда магматизм ва постмагматизм жараёнлари” асари олтин ва бошқа қимматбаҳо металл конларини аниқлашда илмий асос бўлди.

XX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистон Геология хизмати ходимлари – академик Ҳабиб Абдуллаев, геология-минералогия фанлари доктори Ҳабибулла Тўлаганов раҳбарлигида кенг қамровли тадқиқотлар бошланди. Бу энди алоҳида мақола мавзусидир.

Холмамат РАУПОВ,

тарих фанлари номзоди, доцент

Ahmad Donish deydi...

Ислом Шарқи педагогикаси, жумладан, миллий тарбиямиз бой тарихга эга. Бироқ бу XIX асрнинг иккинчи ярми ва деярли бутун XX асрда бирмунча камситилиб, диққат-эътибордан четда қолди. Айни жиҳатдан илғор қарашларга эга бўлган бухоролик Аҳмад Дониш ғоялари, айниқса, диққатга молик. Афсуски, бу буюк зотнинг ҳаёт йўли ва илмий-педагогик қарашлари ўта муҳим бўлса-да, унинг фақат “Наводир ул-вақоеъ” асари 1964 йили бир мартагина нашр этилган, холос.

Аҳмад Дониш туғма истеъдод соҳиби, замонасининг кўзга кўринган шоири, адиби, олими ва дипломати эди. Унинг тўлиқ номи – Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддиқий ал-Бухорий. Халқ орасида “Аҳмад Калла” номи билан машҳур бўлган. “Билим” маъносини берадиган “Дониш” тахаллуси билан шеърлар ёзган. У 1827 йили Бухоро шаҳрида (баъзи манбаларда ҳозирги Вобкент туманининг Пирмаст қишлоғида) туғилган. Мактаб ва мадрасаларда пухта билим олиб, ўз даврининг илғор олими ва мутафаккири даражасига кўтарилди. Аҳмад Донишнинг отаси ўғлини яхши тарбиялади, унга кунт билан билим берди.

Онаси Сакина Абдураҳмон қизи саводли бўлган, шеърлар ёзишни ҳам машқ қилган. У ўз уйда қишлоқ қизларига отинойилик қилиб, уларга сабоқ берган. Бу ҳақда Аҳмад Дониш “Мактабга боришим-

дан олдин, оиламиздаги бошқа болалар қатори, онамдан алифбени ўргандим, ўқиш ва ёзишни, ҳатто кўшиқларни тартибга солишни ўргандим. Лой-шувоқ деворга қалам билан геометрия шаклларини солганимни аниқ эслайман” (*Раҳмонов Т. Сиз билган ва билмаган тарих. Бухоро, “Дурдона”, 2021. 10-бет*), деган мазмундаги фикрларни келтиради.

Олимнинг “Наводир ул-вақоеъ” асари 1880 йили ёзилган. Унинг қоралама ва асл нусхаси Бухоро давлат музей-кўриқхонасида сақланмоқда. Муаллиф уни 15 йил давомида, 1870 – 1885 йиллар ораллиғида ёзган. Ушбу тарихий, фалсафий, мемуар асарнинг биринчи боби “Ота-она ва фарзанд муносабатлари” ҳақида. Қолган боблар ҳам жуда мазмунли ва қизиқарли. Шунингдек, асарда ижтимоий тараққиётга ғов бўлган феодал ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатлар танқид остига олинади. Олим Ўрта асрлар фалсафасида кенг тарқалган таваккул назариясини танқид қилар экан, бундай деб ёзади: “Агар киши таваккулга ишониб, ҳаракат қилмаса, меҳнат қилмаса ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўл-кўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундай киши хато қилади” (*Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоеъ. Тошкент, 1964*).

Аҳмад Дониш Бухоро амирлигини Оврупо мамлакатлари, хусусан, Русия билан таққослаб, ўз Ва-

таннинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганини кўрсатиб беради, қоқоқликдан чиқиш учун ижтимоий-сиёсий ислохотлар зарурлигини ўқтиради.

Мутафаккир таълимотида умр мазмуни алоҳида ўрин тутати. Унингча, ҳар бир инсон ҳаёти давомида эзгу ишлар қилмоғи, илму ҳунарини эл-юртига бахшида этмоғи, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сабоқ олишга интилиши лозим.

“Бутун ҳунарларнинг аълоси илмдир. ...Одам яратилганидан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади” (*Уша нашр, 69-бет*), деб ёзади у. Демак, инсондаги ёмон феъл-атвор йўқотилмоғи керак. Очқўзлик ва ҳасаднинг инсонга ҳеч қандай нафи йўқ, ҳар кимнинг кўкрагидан ҳасад кўчати жой олган бўлса, у зиёндан бошқа мева бермайди. Муаллиф касб-ҳунар эгаллаш ҳақида сўз очиб, бунини ўғилларига васиятнома каби ифода қилади. Касб-ҳунар, илм-фанга меҳр, ҳалоллик, мансаб-мартаба, мол-дунё ҳирсидан узоқ бўлиш, бани башарга хайрихоҳлик, ҳар қандай ҳолда ҳам яхшилик қилиш, исломий ахлоқ бу васиятларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу жиҳатдан васиятнома ҳам маърифий-ахлоқий, ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

“Наводир ул-вақоъ”дан ўрин олган айрим ҳикматларга диққат қилайлик:

“Одам яратилгандан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади. Унинг ихтиёри ўзи-

да бўлса, илмсизлик ва дангасаликка бўйин эгмасин, чунки илм ва маърифат руҳнинг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик нафснинг тилагидир”.

“Сизлар йигитлик даврига етгунча, устларингда туриб одоб ва ахлоқ ўргатай десам, ҳали ўзимнинг ҳамма ишларим чала, сафар ва ҳазарда керакли асбоб-ускуналар тўлиқ эмас. Шундай бўлса ҳам, отанинг бола тарбияси билан шуғулланиши албатта лозимдир. Болага одоб ўргатиш, илм ўқитиш дастлаб уларга айтиш ва кўрсатиш билан бўлади”.

“Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас”.

“Сизларга васиятим шуки, халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини тутинглар. Шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар. Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсангизлар, ундан кутилган мақсад, халқ учун фойда етказиш бўлсин. Илм ўқиб, ҳунар орттиришда ватандошларнинг ҳожатларини чиқаришни ният қилинглар”.

Мутафаккирнинг қарашлари ҳанузгача ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Яна йиллар ўтар, аммо Аҳмад Дониш қолдирган бой маънавий мерос келажак авлод учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмаверади.

Меҳринисо РАҲМОНОВА,
тадқиқотчи

Silsilai sharifning yetti halqasi

Мусулмон Шарқда “хосиятли” деб қабул қилган рақамлар билан боғлиқ қарашлар мавжуд. Масалан, етти шариф шаҳар, ҳафталик (Қуръоннинг еттидан бири), етти кадам, ҳафт бародарон (етти ака-ука авлиё), ҳафт салом (етти салом ичимлиги). Уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Шулар қаторида Бухоро вилоятида етти пир номи билан танилган хожагон-нақшбандия тариқати пешволарини санаб ўтиш мумкин.

XII – XIV асрларда шаклланган ушбу таълимнинг асоси қуйидаги улуғ алломаларимиз томонидан қўйилган: Абдуҳолик Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревғарий, Хожа Маҳмуд Анжирфагнавий, Хожа Али Ромитаний, Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол, Ҳазрат Баҳроуддин Нақшбанд. Бу тариқат вужудга келган даврлардан бошлаб унда кўплаб шайхлар етишиб чиққан. Бироқ Ғиждувонийдан Нақшбандгача бўлган зотлар “етти пир” номи билан алоҳида улуғланган

(Раҳимов К. *Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2020. 49-бет*).

Шўро даврида халқимиз Ғиждувоний ва Нақшбанднигина билар эди. Улар қабри, яширинча бўлса ҳам, зиёрат қилинар эди. Мустақиллик шарофати билан 1993 йили Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсида нишонланди. Ул зотнинг устозлари ва тариқатни ривожлантирган сиймолар номи юзага чиқди. Ўша йили шоир ва олим Садриддин Салим Бухорийнинг “Баҳроуддин Нақшбанд ёхуд етти пир” рисоласи нашр этилди. Тариқат пешволарининг қаровсиз ҳолга келган қабрлари аниқланиб, обод этила бошлади. Айни шу даврдан “етти пир” тушунчаси кенг муомалага кириб келди. Бунинг юзага чиқишида кўплаб сабаблар мавжуд. Уларнинг айримлари ҳақида тўхталамиз.

Бу пирлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошланадиган силсилаи

шариф, яъни силсилаи захҳоб (олтин занжир) ҳалқаларида тартиб билан ўрин олган. Ғиждувоний ўнинчи, Нақшбанд ўн олтинчи ҳалқани ташкил этади.

Тариқат намояндалари хожалардан бўлган. “Хожа” сўзи форс-тожик тилидан олинган, “ҳурматли”, “жаноб”, “хўжайин”, “мулкдор” деган маъноларни англатади. Хожалар саҳобаларнинг авлодлари деган қараш бор. Ўтмишда хожаларга айрим имтиёзлар ҳам берилган (*Наврўзова Г. Абдухалиқ Ғиждувоний. Самарқанд, Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. 23-бет*). Тариқат тарихи икки босқичга бўлинади. Ғиждувонийдан бошланган биринчи босқич “хожагон”, Баҳоуддиндан бошланган иккинчи босқич “нақшбандия” деб номланган.

Етти улўф зот пир-муридлик анъанаси асосида икки юз йил давомида бир таълимотни ривожлантирганлар. Тариқатнинг асосий қоида – рашҳаларидан дастлабки тўрттасини Юсуф Ҳамадоний, тўрттасини Ғиждувоний ва сўнги учтасини Нақшбанд жорий этган.

Етти пирнинг ҳаммаси Бухоро воҳасида камолга етган. Зиёратгоҳлар вилоятнинг Ғиждувон (Ғиждувоний), Шофиркон (Ревгарий), Вобкент (Анжирфағнавий), Ромитан (Ромитаний ва Самосий), Когон (Кулол ва Нақшбанд) туманларида жойлашган.

Тариқатнинг бош ғояси – “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор” шиориға асосан, бу пирлар муайян ҳунар, касб-кор, ҳалол меҳнат, пешона тери билан даромад топиб кун кечирган. Ғиждувонийнинг бўз тўқиш, Ревгарийнинг деҳқончилик, Анжирфағнавийнинг гилкорлик, Ромитанийнинг тўқувчилик, Самосийнинг боғбонлик, Кулолнинг кулолчилик, Нақшбанд-

нинг кимхобга нақш солиш ҳунари бўлган. Шу тариқа улар халқни ҳам ҳалол яшашга даъват қилган.

Етти пирнинг ҳар бири маълум кароматга эга эди. Пайғамбарларга мўъжиза, авлиёларга каромат нисбат берилади. Айрим тарихий асарларда ва халқ орасида тарқалган ривоятларда етти пирнинг кароматлари баён этилган.

Тарихда пирлар зиёратига ҳатто ҳукмдорлар ҳам тез-тез бориб тургани маълум. Мирзо Улуғбек Ғиждувоний мақбараси ёнида мадраса курдирган. Бухоро амирлари тахтга ўтириши биланоқ Баҳоуддин зиёратига боришни одат қилган. Муҳаммад Раҳимхон вафотидан олдин Ғиждувоний қабрини зиёрат қилган (*Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Москва, “Восточная литература”, 2003. Стр. 152*). Амир Шоҳмурод ва амир Ҳайдар Нақшбандия тариқатининг фаол ҳомийлари ва тарғиботчилари сифатида танилган.

Бугунга келиб етти пир оммавий зиёрат йўналишига айланди, таъбир жоиз бўлса, зиёрат туризмида бренд даражасига кўтарилиб, мамлакатнинг миллий сайёҳлик имижини кўрсатишда ўзига хос ташриф қоғози бўлиб хизмат қилмоқда. Бир кун давом этадиган зиёрат дастури 150 километрга яқин масофадаги етти пир зиёратгоҳини қамраб олади. Силсилаи шарифдаги тартиб бўйича етти пир навбатма-навбат зиёрат қилинади. Аҳоли орасида Нақшбанднинг “Менинг қабримга келишдан олдин пирларимни зиёрат қилинлар”, деган ўғити кенг тарқалган.

Шавкат БОБОЖОНОВ,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Sohibqiron sabog'i

Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдевори ни барпо этиш ва мамлакатни янги ривожланиш босқичига кўтаришда жаҳон тарихида ўтган кўплаб сиймолар қаторида атоқли давлат арбоби ва буюк саркарда Амир Темурнинг маънавий-маърифий фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Соҳибқирон замони “иккинчи Шарқ Уйғониш даври” деб эътироф этилади (“Соҳибқирон юлдузи” журна-ли. 2017 йил, №1. 46-бет).

XIV – XV асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, айниқса, қадимий Туронда илм-фан, санъат ва маданиятнинг барча соҳалари равнақ топди. Бу – Амир Темур шахси ва унинг фаолияти билан узвий боғлиқ. Чунки қудратли салтанат барпо этган Соҳибқирон маданиятнинг юксалиши, ўт-

миш анъаналарининг янги тарихий вазиятда қайта тикланиши учун қулай шарт-шароит яратиб берди. Темурийлар даврида мусиқий ва тасвирий санъат ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Темур мусиқани теран англаган, машшоқ ва ҳофизларга бағрикенглик намуналарини кўрсатиб, уларни миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мудом эъзозлаган (*қаранг: Семёнов А. Среднеазиатский трактат по музыке Девеша Али. Ташкент, 1946. Стр. 24*).

Ҳукмдор иштирок этган оммавий тантана, тўй ва байрам маросимларида турли ўлкаларнинг мусиқачилари ҳам ўз санъатини намойиш этиши одат тусини олган эди (*қаранг: Иброҳимов О. Амир Темур ва темурийлар даври мусиқа маданияти. / Республика илмий-амалий конференцияси мате-*

риаллари. 11-китоб. Тошкент, 2021. 184-бет). Бу ҳақда Низомиддин Шомий ҳамда Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”ларида батафсил маълумотлар келтирилган. Бизгача бебаҳо маънавий мерос бўлиб етиб келган Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари юзага келишида илк бор Соҳибқирон саройида шаклланиб, сўнгра теурийлар даврида равнақ топган ўн икки мақом тизими муҳим замин бўлган.

Теурийлар даврида шаҳарсозлик ва меъморчилик ҳам равнақ топди. “Теуур тузуқлари”да куйидаги қайдни ўқиймиз: “Амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар курсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар курсинлар. ...Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона (ғарибхона) солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат (хукмдорлар саройи) ва дор ул-адолат (қозихона, адолат уйи) курсинлар” (Теуур тузуқлари. Тошкент, 1991. 99-бет).

Теуур амри билан бунёд этилган бу таълим-тарбия масканлари халқ тафаккуруни юксалтиришда хизмат қилган. Теуурийлар даврида тадбиркорлик, савдо-сотиқ ишлари ҳам ривожланган.

Соҳибқирон фармони билан Самарқандда 12 та тенги йўқ кўркама боғ-сарой барпо этилган. Булар – Боғи Нақшижаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғи Бўлду, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Давлатобод, Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон. Улар

орасида Боғи Дилкушо донг таратган. У Теуурнинг энг севимли масканларидан бири бўлган. Бошқа давлатлардан ташриф буюрган элчи ва меҳмонларнинг аксариятини буюк хукмдор шу даргоҳда қабул қилган. Мисол учун, 1404 йил 8 сентябрда Самарқандга ташриф буюрган Кастилия қироли Генрих IIIнинг элчилари Амир Теуур билан айнан шу боғда учрашган. Боғ-сарой шу қадар катта қилиб барпо этилганки, худудиди ов қилиш, турли спорт мусобақалари ва катта тўйлар ўтказиш имконияти бўлган.

Инсоният тарихидаги баъзи машҳур хукмдорлардан фарқли ўлароқ, Амир Теуур ўзи фатҳ этган мамлакатларда ҳам бунёдкорлик ишларини олиб борган. Соҳибқирон билан юзма-юз учрашган элчи ва епископ Иоанн Гринлонинг хотираларида ёзилишича, Теуурбек қурдирган қасрлар сони 200 дан ортади. Унинг Самарқандда 18, Кешда 20, Бағдодда 15, Исфажонда 12, Шерозда 7 қасри бўлган (Миллатнинг дардига дармон бўлиб. / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Навоий, 2008. 70-бет). Бу иншоотлар, меъморий обидалар шундай ерларда барпо этилганки, улар геометрик шакли ва географик жойлашуви жиҳатидан шаҳарларга мукамаллик бахш этган.

Амир Теуур миллий давлатчилигимиз тарихида энгилмас саркарда сифатидагина эмас, балки илму ижод равнақи, юрт ободлиги йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этган маърифатпарвар давлат арбоби сифатида ҳам эсланади.

Комилжон СУЛТОНОВ,

ЎзФА Теуурийлар тарихи давлат музейи
илмий ходими

Муқаддас заминга отланган карвон

Ўрта асрларда ҳар йили Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Сано шаҳарларида Макка зиёрати учун марказлашган ҳаж карвонлари ташкил этилган. Дунёнинг турли муслмон ўлкаларидан ҳажга йўл олган зиёратчилар шу тўрт шаҳарда тўпланган. Улар “Мағриб карвони”, “Қоҳира карвони”, “Дамашқ (Шом) карвони”, “Ҳинд карвони” деган номлар билан аталган. Ўртаосиёлик асосий зиёратчилар турк султонлари ташкил этган Дамашқ карвонига қўшилган. Узунлиги бир неча километрга етган карвонларни ташкил этиш жараёни тантанали маросим тусини олган. Мисрда бундай тантана “Туяларнинг айланиш куни”, “Тахтиравон

куни” деб аталган (Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тошкент, “Шарқ”, 2012. 65-бет; Faroqhi S. *Pilgrims and Sultans. The Hajj under Ottomans. 1517 – 1683. London-New York, 1994. P. 142*). Ўша куни қозилар, байт ул-мол вакиллари, фақиҳлар, раислар хукмдор саройида йиғилган. Туя устига ўрнатилган тахтиравонда ўтирган Миср султони уларга пешвоз чиққан. Кейин бу карвон оммани эргаштирганча амир ул-ҳаж бошқарувида Қоҳира кўчаларини айланиб чиққан.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Қарши, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан йўлга тушган карвонлар Бағдод ва Қоҳира ҳаж карвонларига ҳам қўшилган.

Турли мамлакатлар карвонлари халифа буйруғига асосан сиёсий мавқеига кўра кетма-кет жойлаштирилган. Ҳар бир карвон эгалари ўз байроғини кўтариб борган (Pearson Michael N. *Pilgrimage to Mecca. The Indian Experience. 1500 – 1800. Princeton: Markus Wiener, 1996. P. 84*). Дамашқ ҳаж карвони ўз мавқеини XIX асрда ҳам сақлаб қолган.

Манбаларга кўра, Бухорода ҳукмронлик қилган садрлардан Бурхониддин Муҳаммад (1207), Хоразм ҳукмдори Султон Муҳаммад, султон Абу Саид Баҳодирхон (1321), Бухоронинг аштархоний ҳукмдорларидан Валимуҳаммад (1611/1612), Имомкулихон (1642), Надрмуҳаммадхон (1651), Абдулазизхон (1681), Хива хонларидан Анушахон (1667) ва Ёдгорхонлар (1714) ҳаж учун махсус карвонлар ташкил этган.

Булардан ташқари, Марказий Осиёда собиқ ҳукмдорлар, тасаввуф шайхлари, йирик савдогарлар ҳамда сиёсий тазйиққа учраган давлат амалдорлари томонидан ҳам шундай йирик ҳаж карвонлари ташкил этилган. Шунингдек, алоҳида расмий элчилик ва савдо карвонларига ҳаж зиёратчиларидан иборат кичик гуруҳлар қўшилиб бирга ҳаракатланган. Карвонлар, асосан, йирик шаҳарларда бир неча ой давомида шаклланган. Бозор, карвонсарой ва бошқа жамоат жойларида жарчиларнинг чақириқлари карвонлар сафининг кенгайиб боришини таъминлаган. Яна ҳар йили Макка ва Мадинадан “далил” деб аталадиган махсус тоифадаги шахслар мусулмонларни муқаддас зиёратга даъват қилиш мақсадида Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Қўқон каби йирик шаҳарларга ташриф буюрган. Улар атрофида ҳам катта-кичик зиёратчилар гуруҳи жамланган.

Йирик карвонлар бир-бирига кетма-кет боғланган туялар жамланмасидан иборат бўлган. “Қатор”

деб аталган бундай жамланманинг ҳар бирида 10 тадан 100 тагача туя ва от бўлган (*Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история. Ташкент, 1956. Стр. 260*). Карвонбошилар ҳукмдорлар ёки йирик амалдорлар томонидан тайинланган. Ҳар бир йўналишдаги йўлнинг ўз карвонбошиси бўлган. Карвонбоши исмига унинг карвони ҳаракатланадиган йўл номи қўшиб айтилган. У карвонни бошқариш, йўл кўрсатиб бориш, хавфсизликни таъминлаш, йўлтўсарлар ва божмонлар билан музокара ўтказиш каби вазифаларни бажарган. Ҳаж зиёратчиларини бирлаштирган гуруҳга ҳожибошилар раҳбар бўлган. “Вакиллар” деб ҳам аталган ҳожибошилар сафарда йўл кўрсатиб, гуруҳ ичидаги турли муаммоларни ҳал қилган.

Карвонлардан бож олиш жараёни ҳам сафарни ташкиллаштириш ишида муҳим ўрин тутган. Одатга кўра, карвон шаҳар яқинида тўхтагач, карвонбоши шаҳар божмонига хабар берган. Сўнг улар келиб, карвондаги буюмларни рўйхатга олган. Мусулмон мамлакатларда кўпинча ҳаж зиёратчиларидан солиқ олинмаган. Лекин карвондаги ҳаж зиёратчилари бошқа тоифа йўловчилардан бож олиш жараёнининг тугашини кутишга мажбур бўлган.

Хуллас, Марказий Осиёдан Маккага йўл олган карвонларни, мақсадига кўра, ҳаж учун шакллантирилган махсус карвонлар, сиёсий тазйиқдан қочиш мақсадида тўпланган карвонлар, тижоратни кўзлаган савдо карвонлари, дипломатия мақсадида шакллантирилган элчилик карвонлари каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Гулдона ТАНИЕВА,
тарих фанлари доктори

Qayta tug'ilish ramzlari

Ўрта Осиёнинг мезолит даври асосий ёдгорликларига Туркманистондан топилган маскан ва горлар: Дам-Дам Чашма I ва II, Кайл ва Жебел ёдгорликлари ҳам киради. Турли хил осори атиқалар орасида қабрларни қазिश жараёнида топилган ашёлар, айниқса, муҳим ўрин эгаллайди. Аниқланишича, палеолит ва мезолит даврларидаёқ оилавий аждодлар қабристонлари мавжуд бўлган (*Окладников А. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время. Москва, “Литература”, 1966. Стр. 59*).

Ўликларни денгиз қирғоғи яқинига чуқур қазиб кўмиш одати ҳам амал қилган. Жасад қабрга чалқанча ётқизилган, қўллари тос суюғига букилиб,

боши шимоли-ғарбга, оёқлари жануби-шарққа қаратилган. Бошқа минтақалардаги сингари, жасадларга оҳра сепилиб, денгиз чиғаноқлари (мунчоқ) билан қопланган. Майда чиғаноқлар марҳумнинг бошини “безаган”, катта мунчоқлар танасига ҳам шаклида ўралиб, сонининг ўнг томонини ёлган.

Чиғаноқлардан бу тахлит фойдаланилгани бошқа минтақалардаги қадимги қабрлардан ҳам яхши маълум. Масалан, 1868 йилда Кроманьон ғоридан (Франция) топилган сўнги палеолит давридаги одамларнинг қолдиқлари қоври чиғаноқлари билан қопланган. Антрополог Эдвин Жеймс фикрига кўра, улар ибтидоий одамлар томонидан “бола дунёга

келадиган дарвоза” сифатида тасаввур этилган (*James E. O. Prehistoric religion. P. 148*).

Риан Айслернинг ёзишича, қин шаклидаги чиғаноқларни ўликларнинг атрофига ва устига жойлаштириш, шунингдек, жасадни (ёки фақат қобитқларни) қизил охра (қоннинг ҳаёт берувчи кучи тимсоли) билан қоплаш амалиёти дафн маросимининг бир қисми бўлиб, бунинг натижасида ўлганлар яна туғилиши, қайтиб келишига ишонилган (*Айслер Р. Чаша и клинок. Москва, “Древо жизни”, 1993. Стр. 18*). Бошқача айтганда, дафн маросими удумларидан кўзланган асл мақсад марҳумни тирилтириш эди. Таъкидлаш керакки, бу ҳаракатлар ибтидоий сеҳргарлик бўлмай, дафн маросими элементлари ва аёл шакллари, рамзлари ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Тарихнинг кейинги босқичи ёдгорликларига хос бўлган дафн маросими рамзийлиги ва маросим амалиётини кўриб чиқсак, бу боғлиқлик янада аниқ кўринади.

Коври чиғаноқларининг семантик маъноси ва уларнинг аёл илоҳига сиғиниш билан боғлиқлиги кўпга далиллар билан тасдиқланган. Уларни безак ва тумор сифатида қўлланиши кўпгина халқлар, жумладан, Ўрта Осиё (ўзбеклар, тожиклар, туркманлар) учун ҳам хосдир. Ўзбеклар коври чиғаноқларини “илон боши” деб атайди. Улар қадимги заргарлик буюмлари ва либосларига ўрнатилган, дўппи ва бошқа бошқийимларга тумор сифатида тикилган (*James E. O. The Cult of Mother Goddess. London, 1959. P. 16*). Шуниси эътиборга лойиқки, коврилар асосан аёллар тўй либослари ва болалар кийимларини безаш учун ишлатилган ва тумор қийматига эга бўлган билагузуклар шаклида қўлланган. Бу уларга наслдорликнинг сеҳрли манбаи сифатида қаралганини англатади.

Хоразмда кемаларни коври чиғаноқлари билан безаш одати мавжудлиги Глеб Снесарев томонидан қайд этилган. Олим Амударё кемалари бир ўзига хос хусусияти билан ажралиб туришини ёзади: унинг бурун қисмига инсон боши шакли берилиб, марказига ойна жойлаштирилган, ён томонларига от ёлидан тўқилган иккита узун ўрим осилган. Инсон боши шаклига танга ва коври чиғаноқлари қадалган. Г. Снесаревнинг фикрича, бунда ушбу худудда ҳурматга сазовор бўлган аёлларнинг афсонавий ҳомийси Амбар онанинг боши тасвирланган. Унинг сурати генетик жиҳатдан қадимги маъбуда қиёфасига бориб тақалади (*Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва, “Наука”, 1969. Стр. 247*).

Коври қобитқларининг аёл илоҳасига сиғиниш билан алоқаси ҳали ҳам мавжуд. Нисбатан кечроқ ислом

динини қабул қилган ва собиқ маъбудаларга сиғиниш билан боғлиқ урф-одатларни сақлаб қолган шимолий Афғонистон халқлари маданиятида бу янада аниқроқ намоён бўлади. Маъбуда Кшумаига (Ким) бағишланган мадҳиялардан бирида у коври қобитқлари билан безатилган бош кийимда тасвирланганки, худди шу безак билан безатилган бош кийимларни калашлик аёллар ва қизлар ҳам кияди (*Йеттмар К. Религии Гиндукуша. Москва. ГРВЛ, 1986. Стр. 114*).

Дентал чиғаноқлари ҳам безак сифатида ишлатилган. Бу қобитқлардан ясалган маржонлар Дам-Дам Чашма I ғоридан топилган. Ўрта ер денгизининг сўнги палеолит даври аҳолиси маржонлар, денталлар билан безалган либослар, қалпоқ шаклидаги бошқийимлар кийган. Палеолит даври охирида Дам-Дам Чашма I ғорининг ибтидоий аҳолиси ҳам худди шундай тақинчоқлардан фойдаланган бўлиши мумкин (*Окладников А. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время. Стр. 64-65*).

Археологик маълумотларга кўра, Кайлу ғори худудида яшаган сўнги мезолит ва илк неолит одамлари ўз аجدодлари ва бошқа минтақалардан келган замондошлари сингари жасадлар устига кукунли охра сепган. Археолог А. Окладниковга кўра, дафн маросимида қизил охрадан фойдаланиш қизил бўёқ қоннинг ўрнини эгаллаши ва ўликларнинг хаёлий бошқа дунёда ҳаётини давом эттириши учун зарур ҳаёт манбаи бўлишига ишончдан келиб чиққан. Жасадлар нафақат қизил охра, балки чиғаноқлар билан ҳам қопланган бўлиб, буларнинг барчаси вафот этган одамларнинг қайта туғилишига ишонч туфайли пайдо бўлган (*Айслер Р. Чаша и клинок. Стр. 33*).

Шундай қилиб, Ўрта Осиё худудидан топилган осори атиқаларни ўрганиш ўрта ва юқори палеолитнинг турли босқичлари, шунингдек, мезолит босқичига оид минтақавий маданиятлар ва анъаналарнинг давомийлиги, ҳаёт ва ўлим каби тушунчалар билан боғлиқ, ягона диний-мафкуравий тизимга асосланган маданиятнинг турли кўринишлари ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради. Бу нафақат қабрларда, балки қоятош расмларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, уларда муқаддас ҳайвонни ўлдириш саҳналари ҳам тасвирланган. Ушбу тасвирлар ҳаёт, ўлим ва қайта туғилишдан иборат уч босқичли мавжудлик ғоясини ўзида акс эттиради.

Аҳроп АБДУҒАНИЕВ,
ЎзФА Тарих институти
кичик илмий ходими

SUMMARY

Externally Progressive, Internally Challenged... pp. 4-15.

In an interview with linguist Bakhtiyor Mengliev, the current issues facing modern science were explored, with a specific focus on the state of scientific work in the field of Uzbek philology. Professor B. Mengliev emphasized a growing disconnect between linguistic research and practical application in our country. He noted a concerning trend where eagles are treated like sparrows, whales like fish, flies like elephants, and hyenas like lions, particularly in the realm of language and literature. According to the scientist, only philology with practical applications deserves a place in the new century.

Rakhmon Kuchkor: Scales of Gold, Stones of Diamonds... pp. 16-23.

Recently, activists from the Republican Center for Spirituality and Enlightenment addressed the people of Uzbekistan. The article delves into the main points of this appeal, highlighting positive changes in daily life but also addressing dangerous vices such as indifference to the country's fate, corruption, disrespect for national values, negligence in educating the younger generation, and clan bias. Author R. Kochkor asserts that active public participation is crucial to resolving these issues and putting an end to these evils.

Abdulla Azam: House of Wisdom. pp. 24-33.

This year marks the 80th anniversary of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. In light of this significant milestone, an article has been written, detailing the global history and development of academies. Among the accomplishments of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, the author has outlined the current challenges it faces. Academician A. Azam emphasizes that a key strategy for preparing the country for the future is having an academy capable of competing with the world's leading scientific centers. He warns that without this capability, the country may succumb to scientific and technological dependence, a threat more substantial than political or economic dependence.

Sigmund Freud: The Artist and the Imagination. Mortality. pp. 56-65.

For the first time in Uzbek, two scientific articles by the renowned psychologist and psychoanalyst Sigmund Freud, written in 1908 and 1915, are published. These articles present unexpected comments, original observations, and controversial perspectives on various topics such as life and death, the common man, artistic creativity, peace and war, joy and sorrow.